



**KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA
BANDLIK VAZIRLIGI XODIMLARINING
MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI**

№ 2 (2), 2024

INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH

**ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL**

TOSHKENT – 2024

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI**

**KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
XODIMLARINING MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI**

№ 2 (2), 2024

**"INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH"
ILMIY–AMALIY ELEKTRON
JURNAL**

**"ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И ОХРАНА ТРУДА"
НАУЧНО–ПРАКТИЧЕСКИЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ
ЖУРНАЛ**

**"HUMAN CAPITAL AND OCCUPATIONAL SAFETY"
SCIENTIFIC AND PRACTICAL ELECTRONIC
JOURNAL**

TOSHKENT – 2024

Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi

“Inson kapitali va mehnatni muhofaza qilish” ilmiy–amaliy elektron jurnal

Bosh muharrir:
Raxmonov Abduxalil
Xomitovich
Kambag'allikni
qisqartirish va bandlik
vazirligi xodimlarining
malakasini oshirish
markjazi direktori

Bosh muharrir
o'rinbosari:
Nurmamatova Rahima
Rahmanovna
Texnika fanlari doktori
(DSc), professor –
Mehnatni muhofaza
qilish kafedrası mudiri.

Mas'ul kotib:
To'xtaboev
Xayrulla Nosirovich
S.f.f.d., (PhD) – Aholi
bandligini ta'minlash
va inson resurslarini
boshqarish kafedrası
mudiri.

Texnik muharrir:
Amirqulov Zuhridin
Nuriddin o'g'li
Kambag'allikni
qisqartirish va bandlik
vazirligi xodimlarining
malakasini oshirish
markazi kengashi kotibi,
katta o'qituvchi

TAHRIRIYAT HAY'ATI RAISI:

Abduraxmanov Qalandar Xadjayevich – O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi va qator xalqaro fanlar akademiyalarining akademigi, iqtisod fanlari doktori, professor. Toshkentdagi G.V.Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti filiali direktori. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi kafedrası professori.

TAHRIRIYAT HAY'ATI A'ZOLARI:

B.T.Ibragimov – texnika fanlari doktori (DSc), professor
B.H.Umurzaqov – iqtisod fanlari doktori, professor
A.A.Baxodirov – texnika fanlari doktori (DSc), professor
I.U.Madjidov – texnika fanlari doktori, professor
O.M.Yo'ldosheva – texnika fanlari doktori, professor
B.T.Xasanov – texnika fanlari doktori, professor
Sh.E.Kurbanbayev – texnika fanlari doktori, professor
Q.M.Murtazayev – texnika fanlari doktori (DSc), dotsent
B.N.Toshev – yuridik fanlari doktori, professor
Y.B.Nazarov – yuridik fanlari doktori, professor
O.A.Djurayev – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
M.R.Doschanov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
F.N.Nurqulov – texnika fanlari doktori (DSc) professor

M.M.Xolmuxamedov – pedagogika fanlari doktori., professor
O.R.Yuldashev – texnika fanlari nomzodi, professor
O.D.Raximov – texnika fanlari nomzodi, professor
X.L.Pulatov – kimyo fanlari doktori., professor
A.X.Abdullaev – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
K.M.Mirzaaxmedov – siyosiy fanlar doktori (DSc), dotsent
G.B.Abdieva – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
R.Rajabbaev – fizika–matematika fanlari nomzodi, dotsent
U.B.Qadirov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
R.A.Absalomov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
Ch.R.Xo'janov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
J.G'.Rashidov – texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Jurnal ommaviy axborot vositasi sifatida O'zbekiston matbuot va axborot agentligida ro'yxatga olingan.

Davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi bo'yicha 104355– raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnalda maqolalar o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi va yiliga to'rt marotaba nashr etiladi.

© Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi, 2024
© “Inson kapitali va mehnatni muhofaza qilish” ilmiy–amaliy elektron jurnal, 2024

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Р.Э.Турдибоева (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари),

А.Х.Рахмонов (Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази директори)

Аннотация. Ушбу мақолада камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида келтирилган шарҳлар ва ушбу сиёсатнинг самарали истиқболлари ҳақида фикр юритилган. Республикамизда камбағалликни қисқартириш ва аҳолини иш билан банд қилиш бўйича чора-тадбирлар таклиф ва лойиҳалар ўрин олган. «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурида назарда тутилган асосий йўналишлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: камбағалликни қисқартириш, бандлик, давлат сиёсати, меҳнат муҳофазаси, «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури.

Аннотации. В данной статье рассматриваются комментарии, сделанные в законодательных документах по совершенствованию государственной политики в области сокращения бедности и занятости и эффективные перспективы этой политики. Имеются предложения и проекты мер по снижению бедности и занятости населения в нашей республике. Анализируются основные направления программы «От бедности к процветанию».

Ключевые слова: борьба с бедностью, занятость, государственная политика, охрана труда, программа «От бедности к процветанию».

Abstract: This article examines the comments made in legislative documents on improving state policy in poverty reduction and employment and the effective prospects of this policy. There are proposals and projects of measures to reduce poverty and employment of the population in our republic. The main directions of the program "From Poverty to Prosperity" are analyzed.

Keywords: poverty alleviation, employment, public policy, labor protection, "From Poverty to Prosperity" program.

Республикамизда сўнгги йилларда камбағалликнинг даражасини камайитириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилаёпти. Жумладан, инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, бандликнинг замонавий шакллари татбиқ этиш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида»ги ПФ-143-сон Фармонида мувофиқ «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-347-сон Қарорининг амалиётга татбиқи соҳада жуда кўплаб муаммоларнинг ечимини осонлаштиради.

Қарорда келтирилган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурида куйидагилар асосий йўналишлари этиб белгиланган:

- меҳнат бозорини, банд ва ишсиз аҳолини таркибий таҳлил қилиш, ишсизларни манзилли аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, иқтисодиётнинг ривожланиб келаётган тармоқ ва соҳаларида меҳнат ресурсларига бўлган талабни прогноз қилиш, меҳнат бозоридаги таркибий муаммоларни аниқлаш ва номутаносибликларнинг олдини олиш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорликда ишлаш;

- аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини шакллантириш, бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш, ишсизларни ишга жойлаштириш ва йиллик ҳудудлар, тармоқ ва соҳалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш ва уларни иш берувчилар билан боғлаш;

- камбағаллик динамикаси ва таркибини таҳлил қилиш, оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва ижросини мувофиқлаштириш, аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилган ишларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш;

- маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси фаолиятини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳалар билан ишлаш кўникмаси ва малакасини ошириб боришни доимий таҳлил қилиш, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш, фаолиятида аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш, касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш, малакани баҳолаш — халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда хорижда тан олинган касбий стандартларни ишлаб чиқиш, талаб юқори бўлган касб ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш, стандартлар асосида малакани баҳолаш хизматлари бозорини тартибга солиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш;

муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат меъёрларига риоя этилишини ўрганиш, меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш — муносиб меҳнат тамойиллари ва халқаро стандартларни жорий этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг самарали

механизмларини ишлаб чиқиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда муносиб меҳнат шaroитларини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда дунё ҳамжамиятида ҳам камбағалликка қарши курашиш кенг тус олмақда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларининг етакчи устувор йўналиши ҳам камбағалликка қарши кураш ҳисобланади. Бунда биринчи мақсад, 2030 йилга бориб дунё бўйича камбағалликнинг барча кўринишларига барҳам беришдан иборат. Бу жараёнда камбағалликка олиб келадиган сабабларни аниқлаш, уларнинг таъсирини баҳолаш ва ҳар бир мамлакатда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат дастурларининг қабул қилиниши ва ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида салмоқли ютуқларга эришиляпти.

2020 йилдан бошлаб камбағаллик билан курашиш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бундан тўрт йил аввал бу иш бошланганида, 7,5 миллион ёки 23% аҳоли даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Кўрилган чоралар натижасида, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2022 йил бошига 17%, 2024 йилга келиб 11% га тушди. 2030 йилга қадар эса ушбу кўрсаткични кескин қисқартириш режа қилинган (1-расм).



1-расм. Республикада 2020-2024 йилларда аҳолининг камбағаллик даражаси.

Шу даврда аҳолимиз 3,7 миллионга кўпайди, 3,5 миллион одам даромадли бўлди. Мамлакатимизда аҳоли сони кўпайгани билан қуйидаги асосий йўналишлар орқали камбағалликни қисқартириш чоралари кўрилмоқда:

- хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантириш;
- янги иш ўринларини яратиш;
- ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш;
- таълим сифати ва ундан фойдаланиш имкониятини ошириш;

- кам таъминланганлар учун соғлиқни сақлаш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- атроф-муҳит ва экологик барқарорликка эришиш;
- ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш;
- инфратузилмани ривожлантириш.

Ушбу режалаштирилган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, вазирлик тассарруф республика комиссиясининг ишчи гуруҳи ташкил этилиши ва улар масъуллигида қуйидаги ишларни амалга ошириш белгилаб ўтилган:

- оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг тўғри, мақсадли, манзилли тузилганлиги ва натижадорлигини ҳамда энг оғир аҳволдаги маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилади;
- индивидуал режаларнинг ижросини мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали самарали натижага эришилишини таъминлайди;
- индивидуал режаларни амалга оширишда аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилади ҳамда тизимли муаммолар ечими бўйича таклифларни киритади;
- камбағал оилаларга ва энг оғир аҳволдаги маҳаллаларга бириктирилган ташкилотлар раҳбариятининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилади.

Камбағалликни қисқартириш ва касб-ҳунарга ўқитиш йўналишлари бўйича фаолияти лойиҳавий ёндашув тамойили асосида ташкил этилиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган туман (шаҳар) ёки маҳалла бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат лойиҳавий бошқарув тизими жорий этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда, энг оғир аҳволдаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, шу жумладан томорқаларни суғориш суви, маҳаллаларни электр энергияси ва интернет билан узлуксиз таъминлаш маблағлари аниқ лойиҳалар бўйича ажратилиши аҳоли бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. Бундан ташқари, туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини билан маҳаллаларда камбағалликни қисқартиришга қаратилган уч томонлама шартнома тузиш, уч томонлама шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш ва унинг шартлари бажарилмаган тақдирда, инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг ажратилишини тўхтатиш, маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш лойиҳалари ва давлат томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган маблағларнинг ажратилиши бу борада муаммоларнинг ижобий ечимини топишига далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон Қарори.

2. @mehnatvazirligi.
3. <https://t.me/mehnatvazirligi/17724>.
4. <https://gov.uz/uz/bv/news/view/24463>.
5. <https://uz.tgstat.com/ru/channel/egvs79e9xF8wMmMy/3053>.
6. https://nrm.uz/contentf?doc=761543 &products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

УЎК: 331.45

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

А.А.Абдукаримов (Ўзбекистон Республикаси Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги),

А.Х.Рахмонов (Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази директори),

А.А.Икромов (Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази бандлик ва меҳнат муҳофазаси деканати декани)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбагалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон Қарорининг амалиётга татбиқи бўйича шарҳлар ва режалаштирилган тадбирлар таҳлил этилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш учун истиқболли амалий дастурларни ишлаб чиқиш модуллари ёритилган.

Калит сўзлар: меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатлари, давлат меҳнат инспекцияси, аҳоли бандлиги, меҳнат ҳуқуқи, меҳнат бозори.

Аннотация: В статье анализируются комментарии и планируемые мероприятия по реализации Постановления Президента Республики Узбекистан PQ-347 от 4 октября 2024 года «О мерах по совершенствованию государственной политики и повышению эффективности в сфере сокращения бедности и занятости». Выделены модули разработки перспективных практических программ по охране труда и совершенствованию трудовых отношений.

Ключевые слова: охрана труда, трудовые отношения, государственная инспекция труда, занятость населения, трудовое право, рынок труда.

Abstract: The article analyzes comments and planned activities for the implementation of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan PQ-347 of October 4, 2024 "On measures to improve public policy and increase

efficiency in the field of poverty reduction and employment". Modules for the development of promising practical programs on labor protection and improvement of labor relations are highlighted.

Keywords: labor protection, labor relations, state labor inspection, employment, labor law, labor market.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг эскиргани ва уларни амалда қўллашда янгиланган бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаётгани ҳамда замонавий тезкор шароитда фойдаланишда муаммолар мавжудлиги сабабли айрим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янгилаш зарурияти туғилган эди. Шу каби бир қанча муаммоларни бартараф этишмақсадида, республикамизда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кейинги йилларда кўплаб янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон Қарорининг амалиётга татбиқи соҳада жуда кўплаб муаммоларнинг ечимини осонлаштиради.

Ушбу режалаштирилган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, давлат меҳнат инспекторларининг зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилди ҳамда уларнинг масъулияти янада оширилди.

Қарорга кўра, Давлат меҳнат инспекцияси ходимларининг қўйидаги ваколатлари белгилаб берилди:

❖ Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларига меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлиги учун камерал назорат ўтказиш ваколати берилди;

❖ меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган, Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашган, тўсқинлик қилган ёки таъсир ўтказган шахсларга нисбатан жарима қўллаш тартиби жорий этилди;

❖ Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими маълумотларидан фойдаланган ҳолда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилаётган, таъмирланаётган ёки реконструкция қилинаётган объектлардаги ишчилар сонининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда пудрат ишлари ҳажмига мувофиқлиги юзасидан назорат тадбирларини ўтказишга рухсат этилди.

Ушбу ваколатлар Давлат меҳнат инспекцияси ходимларининг меҳнат муносабатларида мавқеини ошириш билан бирга, ҳар бир меҳнат фаолияти соҳасини чуқур ўрганишни ҳам талаб қилади. Бундан ташқари, инспекция ходимларининг вақтини беҳуда сарфламаслик режасида ҳуқуқни муҳофаза

килувчи ва назорат органларига Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ходимларини бир ойда жами 10 иш кунидан ортиқ муддатга текширувлар ўтказишга жалб қилиш тақиқланди. Бунинг натижасида текширув жараёнлари аниқ ва режали олиб борилади.

Миллий вакансиялар базасида мамлакатдаги мавжуд бўш иш ўринларини, талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларни аниқлаш, таклиф этилаётган иш ҳақи, талаб қилинадиган малака талаблари, меҳнат шароитлари, иш вақти режими ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган платформани ишга тушириш ўрганишлар жараёнини тезкорликда аниқлаштиради.

Ягона миллий меҳнат тизими орқали, иш берувчилар ва ходимларга тижорий электрон хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш янги услубиёт асосида қисқа ва ўрта муддатларда касб ҳамда мутахассисликларга бўлган талабнинг прогнозларини шакллантириш учун асос бўлади. Шунингдек, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда меҳнат ресурслари ҳисоби ва статистикасини юритиш эса, меҳнат муносабатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини жадал ривожланишига олиб келади.

Аҳолига бандлик хизматларини экстерриториал тарзда кўрсатиш тартибини ишлаб чиқиш орқали ишсиз ва иш қидираётган фуқароларга ишга жойлаштириш йўлланмасини исталган бандлик органлари орқали бериш имкони пайдо бўлмоқда. Шунингдек, ички меҳнат бозорини ҳимоя қилиш, республикамизда меҳнат қилаётган хорижий фуқаролар ҳисобини юритиш мақсадида юридик шахсларга ва хорижий фуқароларга мамлакатимиз ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни бериш вазирлигимиз томонидан амалга оширилади. Бунда, бир ой муддатда республикамиз ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни берганлик учун ундириладиган йиғимлар суммасининг тақсимоти бўйича таклиф киритилади ва ижроси юзасидан амалий тадбирлар олиб борилади.

Шу билан биргаликда, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилишни кучайтириш, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги мувозанатли меҳнат муносабатларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат соҳасидаги низоларни ҳал этишни медиация усулида видеоконференцалоқа шаклида амалга ошириш тизими жорий этилиши бўйича ижро тадбирларнинг амалга оширилиши Давлат меҳнат инспекцияси ходимларининг ишини осонлаштиради ва коррупциянинг олдини олиш каби шаффофликни таъминлайди.

2025 йилдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси таъминланганлик ҳолати онлайн рейтинг асосида баҳоланади, иш жойларидаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари ишлаб чиқилиши, меҳнат шароитларини оптимал таъминлаш

борасида қилинаётган ишларнинг самарали натижасидир. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимлари ҳар уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича вазирлик ҳузуридаги малака ошириш марказида шартнома асосида малакасини ошириб боришининг давлатимиз раҳбарининг қарор билан белгилаб қўйиши соҳага бўлаётган эътиборнинг яна бир далилидир.

Шунингдек, Меҳнат Кодекси ва меҳнат қонунчилигининг устуворлиги нафақат давлат бюджетидан молиялаштирилладиган корхоналарда балки нодавлат секторларида ҳам бирдек амалда қўлланилса, меҳнат қонуни бузилиши камайишига эришилади. Бундан ташқари, ҳар бир туманда меҳнат муҳофазаси бўйича техник инспекторлари камида 3 нафардан ишлаши ва улар бир навбатчилик асосида туман миқёсида ҳар бир корхона-ташкилотларда (мулкчилик шаклидан қатъий назар) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизматларнинг ташкилий масалалари билан шуғулланиши ва назоратини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат меҳнат инспекторларининг иш кийими сифатида махсус кийим (форма) билан таъминлаш, хавфли ва ўта хавфли ташкилотларга тўсқинликсиз кириб, ушбу ташкилотларда ходимларнинг меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги устидан назорат ишларини олиб бориш, иш хусусияти туманлар-аро кўчишни талаб қиладиган бўлса 50-60 километрдан ошиғини қўшимча маблағ тўлаб беришни назарда тутиш, ҳар бир ташкилотга инспекция ходимларига меҳнат қонунчилигини ижроси устидан давлат назоратини ошириш учун сунъий тусиқларсиз амалга ошириш ҳуқуқини тўлиқ таъминлаб берилиши, инспекция ходимларига ҳам даража, яъни, унвон бериш масаласи механизмини амалда ишлашини таъминлаш ҳамда инспекция фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Меҳнат кодексига мувофиқлаштириш айтилган ҳамда долзарб масалалардан эканига шубҳа йўқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-347-сон Қарори.

8. @mehnatvazirligi.

9. <https://t.me/mehnatvazirligi/17724>.

10. <https://gov.uz/uz/bv/news/view/24463>.

11. <https://uz.tgstat.com/ru/channel/egvs79e9xF8wMmMy/3053>.

12. https://nrm.uz/contentf?doc=761543_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

МЕХНАТ БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШ БЎЛМАГАН АҲОЛИНИНГ ИШИ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Ш. А. Дадашев (Камбагалликни қисқартириши ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириши маркази)

Аннотация. Ушбу мақолада меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолининг иши билан бандлик даражасини ошириши таҳлил қилинган. Замонавий жаҳон иқтисодий тараққиёти шуни кўрсатадимоқдаки, дунёда меҳнат учун муносиб шароит яратиши, мамлакатлар аҳолисини иши билан таъминлаш ҳақида қайгурмайдиган биронта ҳам давлат йўқдир. Сўнги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан меҳнат бозорида иқтисодий фаол бўлмаган ва рақобатбардош бўлмаган аҳолини иши билан бандлигини таъминлашда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай аҳоли қатламларини иқтисодий самарадорлигини ошириши учун олиб борилаётган ишлар, дуч келинаётган муаммолар ва уларни ечими долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Калим сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, аҳоли бандлиги, мамлакат иқтисодиёти, Ялпи ички маҳсулот, иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, рақобатбардош бўлмаган аҳоли, камбагаллик, меҳнат бозори, рақобат.

Аннотация. В данной статье анализируется рост уровня занятости, неконкурентоспособного население на рынке труда. Современное мировое экономическое развитие показывает, что в мире нет ни одной страны, которая бы не заботилась о создании достойных условий для труда и обеспечении занятости населения страны. В результате реформ, проводимых в Узбекистане в последние годы, особое внимание уделяется обеспечению занятости населения, особенно экономически неактивного и неконкурентоспособного населения на рынке труда. Проведенная работа по повышению экономической эффективности таких групп населения, возникающие проблемы и их решение остаются одними из актуальных вопросов.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, занятость населения, экономика страны, Валовой внутренний продукт, экономически активное население, экономически неактивное население, неконкурентоспособное население, бедность, рынок труда, конкуренция.

Abstract. This article analyzes the growth of employment and non-competitive population in the labor market. Modern global economic development shows that no country cares about creating decent conditions for work and ensuring employment for the country's population. As a result of the reforms carried out in Uzbekistan in recent years, special attention is paid to ensuring the employment of the population, especially the economically inactive and non-competitive population in the labor market. The work carried out to improve the economic

efficiency of such population groups, the problems that arise, and their solution remain one of the pressing issues.

Keywords: *The Republic of Uzbekistan, employment, the country's economy, Gross Domestic Product, economically active population, economically inactive population, non–non-competitive population, poverty, labor market, competition.*

Аҳоли бандлигини маълум бир даражасини доимий равишда ушлаб туриш осон жараён эмас. Айниқса мамлакат иқтисодий дуч келиши мумкин бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнларни аниқ башорат қилиб бўлмаслиги, маълумбир омиллар таъсирида “силкинадиган” инқироз ҳодисалар таъсири жуда юқоридир. Шунинг учун бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар бундай салбий оқибатларини камайтириш учун иқтисодий чораларни қўллашга ҳаракат қиладилар ва бунда аҳоли бандлигини тартибга солиш сиёсатини асосий масаласи долзарб ҳисобланади.

COVID–19 пандемияси даврида глобал иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши ижтимоий – иқтисодий муаммоларни янада кучайтирганига қарамай, Ўзбекистон тадбиркорлик ва аҳолини қўллаб–қувватлаш бўйича дастурларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодиётида салбий оқибатларни нисбатан “юмшоқ” таъсир қилишига эришилди десак хато қилмаган бўламиз. Ўзбекистонда пандемия давригача шакиллантирилган ресурслар захираси, хусусан меҳнат ва бандлик соҳасида рақобатбардош бўлмаган аҳолини ижтимоий ва иқтисодий қўллаб қувватлаш учун кенг қўлланми чора–тадбирлар пандемия давридаги инқироздан юмшоқ ва самарали чиқиб кетиш имконини берди.

Агар 2022 йилга нисбатан 2023 йилга иқтисодий ўсиш суратини кўрадиган бўлсак статистик маълумотлар юқори ижобий кўрсаткичга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун Ялпи ички маҳсулот ўсиш сурати 2022 йилга нисбатан 2023 йилда 6 фоизни ташкил этган. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон, балиқ хўжалигида – 4,1, саноатда – 6,0, қурилишда – 6,4, савдода – 10,2, транспорт, сақлаш, ахборот ва алоқа хизматларида – 12,3, бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида – 4,5 фоизга ўсди. Иқтисодиётда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 24,3 фоиз, саноат 26,1, қурилиш 6,2, хизмат кўрсатиш соҳаси 43,4 фоизни ташкил етди. Ялпи ички маҳсулот ўсишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси 2,6 фоиз, саноат тармоқлари 1,5, қишлоқ, ўрмон, балиқ хўжалиги 1,0, қурилиш 0,4 фоизни ташкил этади.

2023 йилда мамлакатимизда фаолият юритаётган 69,4 мингдан ортиқ саноат корхоналари томонидан 655,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу йўналишда енг юқори улуш (84,4 фоиз) ишлаб чиқариш саноатига тўғри келди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида тоғ–кон саноати ва карерларни қазиб олишнинг улуши 8,4 фоиз, электр таъминоти, газ, буғ ва ҳавони кондиционерлаш 6,7 фоиз, сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва чиқариш 0,5 фоизни ташкил етди.

Таҳлилларга кўра, ўсиш суръатларининг асосий омили ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,7 фоизга, электр энергияси, газ, буғлаш, ҳавони кондиционерлаш 9,7 фоизга ошгани билан боғлиқ. Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилга нисбатан 6,2 фоизга, тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 6,4 фоизга ошди. 2023 йилда 14,1 мингдан ортиқ янги саноат корхоналари ташкил етилди ва бу кўрсаткичлар ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. 2023 йилда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 53,3 фоизи саноатни ривожлантириш ва модернизация қилишга йўналтирилгани республикада импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилди. Енгил саноат тармоғида иқтисодий фаол аҳоли қатламидан ташқари иқтисодий нофаол қатлами ҳам тўлиқ бўлмаган иш билан таъминланиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Президенти ислохатларни барқарор ривожланиши учун янги босқичга кўтариш вазифасини илгари сурмоқда. 2020–2030–йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Хужжатга кўра, мазкур тармоқ иқтисодий ўсишнинг асосий нуқтасига айланиши кутилмоқда. Шу асосда минглаб иш ўринларининг яратилиши аҳоли даромадларини янада оширишга замин яратади. Бу йўналишдаги чуқур таркибий ўзгаришлар аллақачон амалий самаралар бермоқда. Қишлоқ хўжалигини қўллаб–қувватлаш ва иқтисодий манфаатдорликни кенгайтириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган тизимли чора–тадбирлар туфайли 2023 йил якунига кўра 2022 йилга нисбатан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг жами даромадлари 426,3 триллион сўмни ташкил етиб, бу кўрсаткичга нисбатан 4,1 фоизга ўсди. Фермер, деҳқон ва томорқа ерлари учун янада қулай шароитлар яратилмоқда. Экспортга мўлжалланган маҳсулотларни харид қилишда томорқа ер эгаларининг билимини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 63,1 фоизи деҳқон ва томорқа, 29,8 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” қабул қилиниб, 2026 йил охирига қадар мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали камбағалликни камида икки баравар камайтириш вазифаси қўйилди, бу эса ўз навбатида бозор меҳнатини фаоллаштириш ва бандликни таъминлаш зарурати билан боғлиқ масаладир. Бу масалани биз нафақат иқтисодий балки рақобатбардош бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш нуқтаи назаридан кўришимиз лозимдир.

Шунинг учун рақобатбардош бўлмаган аҳолини қўллаб – қувватлашнинг асосий кўрсаткичи сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси бизнингча қулай ечимдир. Мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини

ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб–қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 майда имзоланган “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2023 йилнинг январ–декабр ойларида бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 470,3 триллион сўмни ташкил етиб, 2022 йилга нисбатан 13,7 фоизга ўсди. Бунга молиявий хизматларнинг 20,6 фоизга, савдонинг 10,2 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг 24,6 фоизга, таълим хизматларининг 22,8 фоизга ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Айнан шу соҳада рақобатбардош бўлмаган аҳолини иш билан бандлиги кўрсаткичи юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Тегишли мақсад ва вазифалар 2017–2021–йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мустаҳкамланган эди ва унга мувофиқ мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш сўнгги беш йилда тўртинчи устувор йўналиш сифатида “Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш” белгиланган эди. Мазкур устувор вазифани амалга ошириш давомида аҳоли бандлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига сифатли ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, хотин–қизлар мавқеини юксалтириш каби ишлар амалга оширилди.

Бу йилларда бандлик дастури шакиллантириш жараёни қуйидаги босиқларда амалга оширилди:

1. Иш ўрнини яратиш учун қонун механизмларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларни мукамаллаштириш ва янгилаш ишлари олиб борилди, ҳудудлар кесимида дастурлар ишлаб чиқилди

2. Вилоятлар, туман ва шаҳарларда иш ўринлари яратиш учун зарур бўлган ресурслар, иш ўринларини ташкил этиш учун бўйича манзилли чора – тадбирлар дастури яратилди.

3. Яратилган манзилли дастурлар мониторинги олиб борилди.

4. Иш ўринлари давомий яратилмаган ҳудудлар қайта кўриб чиқилди ва бу ҳудудлар кузатилаётган камчиликларни қайта кўриб чиқиш ва тузатиш жараёнлари амалга оширилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсиш кузатилмоқда, 2017–2023–йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми 2,4 баробарга ошгани, ўтган йил якунига кўра 1 квадриллион 66,6 триллион сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бундай ўсиш ташқи муҳитнинг яхшиланиши ва иқтисодий ислохотларнинг фаол амалга оширилиши туфайли эришилди.

Лекин, барқарор иқтисодий ўсиш ва қишлоқ хўжалигидан ташқари тармоқларда иш ўринлари ташкил етилишига қарамай, аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистон ривожланишининг долзарб соҳаси ва асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Бандлик аҳолининг иқтисодий фаол ва нофал қисмини тегишли даромад олиш билан ижтимоий фаолиятда иштирок етишининг турли шакллари тавсифлайди.

Ўзбекистонда иш билан бандлар сони 2010 йилда 11,6 миллион кишидан 2023 йил 15 миллион кишига ошди. Ходимлар сонининг тармоқ тузилмасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди, бу қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади. Масалан, саноат соҳасида ушбу даврда кўрсаткич атиги 0,1 фоиз пунктга ўсиб, 13,8 фоиздан 13,9 фоизга ошди. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида банд бўлганлар улуши 0,6 фоиз пунктга ошди ёки 2010 йил 8,9 фоиздан 2023 йил 9,6 фоизга ўсган.

Макроиқтисодий ўсишнинг ўзи Меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш ва ишсизликни камайтириш учун ажралиш нуқтаси бўла олмайди. Иш ўринларини яратиш билан бирга келадиган иқтисодий ўсиш барқарор бандликка еришиш ва ишсизликни камайтиришнинг умумий ва зарурий шарти ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳоли сонининг юқори ўсиш тенденцияси каби хусусият ҳукмрон бўлган ва жаҳон кўрсаткичлари билан солиштирганда “ёш” ҳисобланаётган Ўзбекистонда меҳнат захираларини шакллантиришда ижтимоий–демографик вазият ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши МДХ давлатлари ичида анча юқорилигича қолмоқда.

Доимий иш ўрнига эга бўлмаган иқтисодий қобилятли аҳоли сонини акс еттирувчи асосий кўрсаткич хавфсизлик даражаси ҳисобланади. 2022 йилда 2014 йилга нисбатан Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий улуши 30–60 ёшга тўғри келади. Шу ўринда шуни айтишимиз мумкинки, бундай кўрсаткич рақобатбардош бўлмаган аҳолинида ёш нуқтаи назаридан яна ҳам пастдир.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолини қўллаб – қувватлаш учун катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан:

1. Ҳозирги кунда республикада меҳнат органларининг ташкилий тузилмаси, аҳоли бандлигини давлат томонидан тартибга солишнинг меъёрий–ҳуқуқий базаси, меҳнат статистикасини методик таъминлаш ва давлат хизматларининг бутун тизими яратилди.

2. Республикада вақтинчалик, мавсумий ва бир марталик ишларга жалб этилган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этишнинг янги тизимини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга барча рақобатбардош бўлмаган аҳолини бандлигини таъминлаш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, бандликка кўмаклашиш марказларининг эътиборини қуйидаги масалаларга янада кучайтириш зарур:

1. Вақтинчалик иш билан таъминланган рақобатбардош бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш, шу жумладан, янги иш ўринлари ва иш берувчиларни топишга кўмаклашиш, фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда ўзини ўзи иш билан таъминлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

2. Рақобатбардош бўлмаган аҳолининг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатини муҳофаза қилиш;

3. Тадбиркорлик субъектларини давлат-хусусий шериклик асосида рақобатбардош бўлмаган аҳолига вақтинчалик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларига кенг жалб этиш.

Бунга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозимдир:

1. Меҳнат бозоридаги ихтисолашувни ошириш ва қонуний бандликни рағбатлантириш кучайтириш;

2. Профессеонал кадрлар бозорини хажмини, профессионал кадрлар тайёрлаш таълим муассасаларини барча қатламларда кучайтириш.

3. Рақобатбардош бўлмаган аҳолини касбий фаолиятга йўналтириш ва меҳнат давомида меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш имконини берувчи меҳнат шароитларини ривожлантириш.

4. Меҳнат бозори институтларини такомиллаштириш, бандлик ва меҳнатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ – 642 – сон “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни. // <https://www.lex.uz/docs/5055690>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60–сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фармони. // <https://www.lex.uz/docs/5841063>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 апрелдаги ПҚ– 5094–сон “2021йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори. // <https://www.lex.uz/docs/5394867>

4. Развитие трудовых отношений – главный фундамент построения третьего ренессанса в новом Узбекистане. // <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/migration>

5. Грязнова А.Г., Чечелева Т.В., Атлас М.С. Экономическая теория национальной экономики и мирового хозяйства // <http://bookmix.ru/book.phtml?id=343075>

6. Abdurakhmanov K.Kh., Zokirova N.K. New challenges and priorities of the labor market development in Uzbekistan. Journal Revista Espacios. Vol. 40 (Number 10) Page 14. «ESPACIOS» №10/ Caracas, Venezuela. ISSN: 0798 1015/ Number 10, 2019.

7. Ўзбекистон иқтисодиётини ўсиш нуқталари // <https://uzbekistan.org.ua/ru/news/6985-ekonomika-uzbekistana-v-2023-godu.html>

UO‘K: 331.45

MEHNAT JARAYONINI TO‘G‘RI TASHKIL QILISH ORQALI MEHNAT XAVFSIZLIGINI OSHIRISH

Sh.N. Mamatov (Toshkent davlat texnika universiteti)
t.f.b.f.d. (PhD), dots. Sh.N. Narziyev (Renessans ta’lim universiteti)

Annotatsiya: Mehnatni muhofaza qilish sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlarida *xodimning hayoti va sog‘ligi ustuvorligi ta’minlanishda fan va texnika yutuqlaridan hamda mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha ilg‘or milliy va xorijiy tajribadan foydalanish bosh omil etib belgilangan. Ushbu maqolada ishlab chiqarishni tashkil qilishning huquqiy asoslariga tayangan holda amalga oshirish muhimligi, ishlab chiqarishda band bo‘lgan xodimlarga nisbatan bo‘ladigan fiziologik yuklanishlar, xodimning mehnat unumdorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi faktlarni aniqlar bilan bir qatorda salomatligi asrash metodlari keltirilgan. Ishlab chiqarishda band bo‘lgan xodimlarning energiya sarfini hisobga olgan holda ish jarayonini qulaylashtirish bo‘yicha tavsiyalar berilgan.*

Kalit so‘zlar: mehnatni muhofaza qilish, ish unumdorligi, xavfli omil, zararli omil, ishlab chiqarish, mehnat faoliyati, ish qobiliyati, mehnat jarayoni.

Аннотация: В основных направлениях государственной политики в области охраны труда использование научно-технических достижений и передового отечественного и зарубежного опыта охраны труда определяется как главный фактор обеспечения приоритета жизни и здоровья работника. В данной статье рассмотрено значение внедрения основанных на правовых основах организации производства физиологических нагрузок на работников, занятых на производстве, фактов, оказывающих негативное влияние на производительность труда работника, а также методов охраны здоровья. представлено. Даны рекомендации по облегчению рабочего процесса с учетом энергозатрат работников, занятых на производстве.

Ключевые слова: охрана труда, производительность труда, опасный фактор, вредный фактор, производство, трудовая деятельность, трудоспособность, трудовой процесс.

Abstract: In the main directions of state policy in the field of labor protection, the use of scientific and technical achievements and advanced domestic and foreign experience in labor protection is defined as the main factor in ensuring the priority of the life and health of the worker. This article discusses the importance of introducing physiological stress on workers engaged in production based on the legal basis for organizing production, facts that negatively impact worker productivity, and health protection methods. presented. Recommendations are given to facilitate the work process, considering the energy consumption of workers involved in production.

Keywords: *labor protection, labor productivity, hazardous factor, harmful factor, production, labor activity, ability to work, labor process.*

Har kim munosib mehnat qilish, kasb va faoliyat turini erkin tanlash, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan qulay mehnat sharoitlarida ishlash, mehnati uchun hech qanday kamsitishlarsiz hamda mehnatga haq to'lashning belgilangan eng kam miqdoridan kam bo'lmagan tarzda adolatli haq olish, shuningdek ishsizlikdan qonunda belgilangan tartibda himoyalaniish Konstitutsiyada (42-modda) mustahkamlanib qo'yilgan. Mamlakatimizda mehnat sharoitlarini yaratish, mehnatning huquqiy asoslarini takomillashtirish borasida ko'rilayotgan chora-tadbirlar fuqarolarning huquq hamda manfaatlarini muhofaza etishda muhim omil bo'layotir[1]. Yangi tahrirdagi "Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi Qonun bu borada navbatdagi muhim qadam bo'ldi. Unda xodimning hayoti va sog'lig'i ustuvorligini ta'minlash, mehnatni muhofaza etish sohasidagi davlat dasturlarini ishlab chiqish hamda amalga oshirish, davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari hamda mahalliy davlat hokimiyati organlarining shu sohadagi faoliyatini muvofiqlashtirish kabilar davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari sifatida belgilab qo'yilgani diqqatga sazovor[1, 2].

Ta'kidlash lozimki, bozor iqtisodiyotining zamonaviy holati va demokratik islohotlarni chuqurlashtirish, iqtisodiyotni liberallashtirish, davlat organlari hamda xususiy sektor o'rtasidagi hamkorlikni mustahkamlash, mamlakatda tadbirkorlik faoliyati va mehnat qonunchiligini rivojlantirish borasidagi ishlar natijalari bunga yaqqol misolidir[2, 3].

Shu boisdan xodimlarga texnika xavfsizligi, ishlab chiqarish sanitariyasi, yong'in chiqishdan saqlanish va mehnatni muhofaza qilishning boshqa qoidalari haqida yo'l-yo'riqlar berish hamda xodimlarning mehnatni muhofaza qilishning hamma talablariga rioya etishlarini doimiy ravishda tekshirib borishdek muhim vazifa ish beruvchi zimmasiga yuklatilgan[4].

Bundan tashqari, qator vazirliklar va tarmoq idoralari, yirik sanoat korxonalari, fuqarolik jamiyati institutlari, kasaba uyushmalari vakillari, soha ekspertlari Xalqaro mehnat tashkilotining konvensiya hamda tavsiyalari, xorijiy davlatlarning mehnatni muhofaza qilish bo'yicha qonunchiligi va me'yoriy hujjatlari o'rganish orqali innovatsion metodlarni amaliyotga joriy qilish orqali mehnat sharoitlarini yaratish hamda mehnat xavfsizligini ta'minlash mamlakatimiz iqtisodiyotining yanada yuksalishida dolzarb ahamiyat kasb etadi. Mehnat iste'mol qiymatlarini vujudga keltirish uchun qilinadigan faoliyatdir. Fiziologik tomondan bu kishi organizmining funksiyasi va bunday funksianing har biri uning mazmuni va shakli qanday bo'lishidan qat'iy nazar, aslida kishi miyasining, asablarning, muskullarining, sezgi organlarining va shu kabilarining sarf qilinishidir[5, 6]. Mehnat jarayonida organizm hayot funksiyalarning o'zgarishini mehnat fiziologiyasi o'rganadi.

Mehnat jarayonida organizmning hamma funksiyalari ya'ni mushak faoliyati, oksidlanish-qaytarilish protsesslar va boshqalar keskin ravishda o'zgaradi. Ish boshlanishidan ilgari, faqat ish joyiga kelish bilanoq odam funksiyalari tegishli

ravishda o'zgaradi[6]. Odatda puls tezlashadi va bir minutda sarf qilingan miqdori oshadi. Funktsiyalarning bu shartli reflektor o'zgarishida oliy nerv faoliyatining "ishga solish mexanizmlari" harakatga keladi. Katta yarim sharlar po'stlog'ining ishga solish ta'sirlari organizmning tinch holatidan, faoliyatli holatga keltiradi yoki shu paytgacha ichki ta'sirotlar ostida o'tayotgan faoliyatni keskin ravishda kuchaytiradi. Lekin katta yarim sharlar po'stlog'i ishga solgan organlarga ham ta'sir qilishni davom etadi. Miya po'stlog'idan kelgan impulslar ishlayotgan organlarga ta'sir qilgan chog'da, po'stlog' uyg'unlashtirish ta'sirini ko'rsatadi[6, 7].

Insonning ish qobiliyati yoki ish quvvatining talab qilinayotgan darajasini ish sifatini o'zgartirmagan holda mumkin qadar uzoq saqlab qolish qobiliyati, bir necha faktorga bog'liq. Bulardan eng muhimlari trenirovka va mashq emotsional holat, charchash va atrofdagi muhit sharoitlaridir[1, 8].

Ishlab chiqarishga oid mexanik ishni va qobiliyatini o'lchash uchun mehnat fiziologiyasidan laboratoriya tekshirishlarini amalga oshirishda maxsus asboblardan ergometrlardan foydalaniladi, bularning yordami bilan ko'tarilayotgan yukning kattaligi va ko'tarilishi balandligini yoki doimiy qarshilik yengiladigan yo'lining uzunligini aniq hisobga olish va shunday qilib, foydali ishni kilogramm-metrlarda o'lchash mumkin. Ishlab chiqarish sharoitlarida ishni o'lchash ko'pincha qiyin bo'ladi. Lekin bunda "foydali ishni" aniq belgilash mumkin. Buning uchun bir joydan ikkinchi joyga ko'chiriladigan yuklarni o'lchash, yo'llarni o'lchash va dinamometrlar yordami bilan qarshilikni, masalan ko'chma va genetikalarni, aylantiriladigan richag va boshqalarni o'lchash kifoyadir[1, 5, 8].

Hozirgi zamon ishlab chiqarish sharoitlarida bajarilayotgan ishlar ularning quvvatiga ya'ni vaqt birligi ichida bajarilayotgan ishning miqdoriga qarab 3 guruhga bo'linishi mumkin: 1-yengil; 2- o'rtacha; va 3-og'ir ishlar. Yengil ishlar ishlar qatoriga minutiga kamroq kislorod iste'mol qilinadigan ishlar kiradi. Agarda odamning to'la tinch holatda minutiga 200-250 sm³ kislorod iste'mol qilinishi hisobga olinsa, yengil ish vaqtda kislorodning iste'mol qilinishi ko'p deganda 2-2,5 hissa ortadi. O'rta og'irlikdagi ishlar qatoriga bir minutiga 1 litrgacha iste'mol qilinadigan ishlar kiradi, ya'ni bunda kislorodni iste'mol qilinishi tinch holatiga qaraganda 2-4-marta oshadi. Og'ir ishlarga minutiga bir litrdan ortiq miqdorda kislorod iste'mol qilinadigan ishlar kiradi. Ish vaqtida kislorodning ko'proq iste'mol qilinishiga sabab shuki, mushak ishi uchun zarur bo'lgan energiya oziq moddalari natijasida hosil bo'ladi. Lekin ayrim hollarda kislorod iste'mol qilinishi bajarilayotgan ish hajmdan qat'iy nazar qo'llanishi mumkin. Masalan, kishi 13 sekund davomida maksimal tezlik bilan yugurganda kislorod iste'mol qilinishi ortiqcha ulgurmaydi va u keyinroq yugurish tugagandan keyin ko'payadi[9].

Noto'g'ri tashkil qilingan va ko'p diqqatni talab qiladigan ishning bunday salbiy natijalarini bartaraf qilmoq yoki anchagina kamaytirmoq uchun mehnatning sanitariya-gigiyena sharoitlarini yaxshilash, ishni tartibga solish, qisqa muddatli tanaffuslar qilish, shu bilan birga ko'p malaka talab qilmaydigan konveyerlarda ishlovchilarning ma'lum vaqt o'tganda bir operatsiyadan ikkinchi operatsiyaga ko'chirish lozim[9, 10].

Korxonalarda xavfsiz mehnat sharoitlarini to'g'ri tashkil etilishi ishchi-xodimlarni intizomli bo'lishiga va bu o'z navbatida mehnat unumdorligini oshirishiga, ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni, asbob uskunalarni buzilishlari va boshqa ko'zda tutilmagan holatlarning kamayishiga va oxir oqibatda ishlab chiqarish samaradorligini oshirishiga va korxonaning barqarorligiga olib keladi[6].

Respublikasining mehnatni muhofaza qilish to'g'risidagi qonuni hamda mehnat kodeksining yangi tahriri asosida sanoat korxonalarida mehnat muhofazasi bo'yicha o'qitish va bilimlarini sinovdan o'tkazishni raqamlashtirishdan iborat. Sanoat korxonalarida mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi bo'yicha xodimlarni o'qitish va bilimlarini sinovdan o'tkazish tartibi va unga oid huququqiy me'yoriy hujjatlarni atroflicha tahlil qilish va ushbu ishlarni raqamlashtirishning zaruriyati va ahamiyatini asoslash;

Sanoat korxonalarida rahbar va mutaxassis xodimlarni mehnat muhofazasi bo'yicha o'qitish va bilimlarini sinovdan o'tkazish jarayonini raqamlashtirish texnologiyalari, modeli va platformasi.

Xorijda va O'zbekistonda mehnatni muhofaza qilishni tashkil etilishini raqamlashtirish holatini hamda modellarini tahlil etish, ushbu jarayonni raqamlashtirish tartibi, maqsadi hamda asosiy prinsiplarini asoslash;

Sanoat korxonalarida rahbar xodimlar va mutaxassislarni o'qitish va bilimlarini sinovdan o'tkazishning raqamli moedlini hamda platformasini ishlab chiqish. Platformaning afzalliklarini asoslash va uning xaritasini hamda undan foydalanish tartibi bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish.

Sanoat korxonalarida mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'qitish hamda xodimlar bilimini sinovdan o'tkazishning zaruriyati va ahamiyati hamda ushbu jarayonni amalga oshirishning qonuniy me'yorlari asoslangan;

Sanoat korxonalarida mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'qitish hamda xodimlar bilimini sinovdan o'tkazishni raqamlashtirishning zaruriyati. Afzalliklari va kutilaytgan natijalar asoslangan. Xodimning kasbiy faoliyaining turli bosqichlarida mehnatni muhofaza qilish bo'yicha o'qitish va bilimlarni sinash uchun korporativ tizimning raqamli modeli yaratilgan;

Mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'qitish va xodimlar bilimini sinovdan o'tkazishning raqamli platformasi ishlab chiqilgan. Platformada mehnat muhofazasi bo'yicha huquqiy-me'yoriy hujjatlar, kurs o'qishlari va malaka oshirish dasturlari, mehnat muhofazasi bo'yicha xodimlar bilimini sinovdan o'tkazish tartibi, sinov uchun test savollari hamda sinovdan o'tkazish elektron dasturi o'z aksini topgan;

Mazkur platformaning xaritasi hamda undan foydalanish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.⁸

Mehnatni muhofaza qilishda raqamli transformatsiyaning asosiy yo'nalishlaridan biri xodimlarni o'qitish, va bilimlarini sinovdan o'tkazish hisoblanadi. Chunki ushbu jarayon mehnatni muhofaza qilish sohasidagi eng muhim va ko'p vaqt talab qilinadigan jarayonlardan biridir. Ushbu jarayonlarni raqamlashtirish tashkilotda mavjud bo'lgan ta'lim va sertifikatlash jarayonlarini boshqarish tizimini sezilarli darajada yaxshilashi mumkin. Asosiysi, raqamlashtirish darajasi korxonaning haqiqiy ehtiyojlariga mos kelishi, amalga oshirishning murakkabligi va olinishi kerak bo'lgan natijalar nuqtai nazaridan optimal bo'lishi

⁸ <https://obucheniepooutuz.netlify.app/>

kerak[9,10].

Yuqoridagi talablar asosida korxona va tashkilotlarda mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'qitish hamda ishchi-xodimlar bilimini sinovdan o'tkazish ishlarini raqamlashtirish modelini ishlab chiqishda qo'yidagi farazlar nazarda tutilgan[13]:

- modelning doimiyligi va barqarorligi, ya'ni model xodimning ishga kirish jarayonidan tashqari uning barcha mehnat faoliyati davrini o'z ichiga olishi zarur;
- model muayyan korxonada ishlaydigan xodimlarni mehnat muhofazasi bo'yicha o'qitish va bilimlarini sinovdan o'tkazish bo'yicha Nizom talablari hisobga olishi shart;
- modelda mehnat muhofazasi bo'yicha o'qitishning asosiy maqsadi belgilangan, ya'ni xodim uchun uning xavfsizligini ta'minlaydigan aniq harakatlar ketma-ketligi o'rin olishi lozim;
- model funksional va uslubiy jihatdan birlashtirilgan, ya'ni mahalliy normativ hujjatlar va muayyan ish amaliyotlari, shu jumladan ularning salbiy oqibatlariga asoslangan yagona o'quv va uslubiy bazaga ega bo'lishi kerakligi hisobga olingan bo'lishi kerak[11.12].

Tadqiqot natijalarining nazariy ahamiyati O'zbekiston sanoat korxonalarida mehnatni muhofaza qilishni, jumladan mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'qitish va xodimlar bilimini sinovdan o'tkazishni raqamlashtirishning zaruriyati hamda ahamiyatini asoslanganligi, xodimning kasbiy faoliyatining turli bosqichlarida mehnatni muhofaza qilish bo'yicha o'qitish va bilimlarni sinash uchun korporativ tizimning raqamli modeli hamda platformasi yaratilganligi bilan izohlanadi.

Tadqiqotning natijalarining amaliy ahamiyati sanoat korxonalarida mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi bo'yicha xodimlarni o'qitish hamda bilimlarini sinovdan o'tkazish ishlarini O'zbekiston Respublikasining mehnatni muhofaza qilish to'g'risidagi qonuni va mehnat kodeksining yangi tahriri hamda amaldagi boshqa huquqiy me'yori hujjatlar asosida qayta ishlab chiqilib, ushbu jarayonlarni raqamlashtirish modeli hamda platformasini amaliyotga tadbiq etishga tavsiya etilganligi bilan belgilanadi.

Adabiyotlar

1 Тимофеев С. С., Тимофеева С. С. Цифровое будущее охраны труда // XXI век. Техносферная безопасность. 2022. Т. 7. № 1. С. 51–62. <https://doi.org/10.21285/2500-1582-2022-1-51-62>.

2 Цифровая трансформация охраны труда. URL:<https://journal.ecostandard.ru/ot/tech/tsifrovaya-transformatsiya-okhrany-truda/>

3 Цифровизация — важнейший тренд в сфере охраны труда. URL:<https://www.trudcontrol.ru/press/publications/30216/cifrovizaciya-vazhneyshiy-trend-v-sfere-okhrani-truda>

4 Rakhimov Oktyabr Dustkabilovich; Muradov Sirojiddin Husan o'g'li. Innovative Technologies in Teaching directors and Specialists of Industrial

Enterprises on "Labor Protection"// European Journal of Life Safety and Stability (2660–9630), 2021/12/29. 80–85.

5 O.D. Rakhimov, Muradov S.H. Digitalization of Instructions on Labor Protection and Safety Techniques. // European journal of life safety and stability (EJLSS). 2022. №24. P.80–86

6 Muradov Sirojiddin Husan o'g'li, Hakimov Xurshid Hamidulla o'g'li, & Siddiqova Madinabonu Asatilla qizi. (2021). New innovative engineering solutions to the problems of signalization and security systems. European Journal of Life Safety and Stability (2660–9630), 2, 28–30. Retrieved from <http://www.ejlss.indexedresearch.org/index.php/ejlss/article/view/13>

7 М.Сирожиiddин. Некоторые аспекты безопасности применения грузоподъемных кранов в строительно–монтажных работах //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 167–177.

8 Muradov S. Construction–installation ishlarida kutarama kranlardan use fundamental security of supply //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 786–792.

9 Muradov, S. (2024). Assessment of the chemical situation in an accident in facilities using ktm. modern science and research, 3(2), 1142–1152. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10701651>



UO'K 331.45

**BINOLARNI BARPO ETISH LOYIHALARIDA ISHLATILADIGAN
MINORALI KRANLARDAN FOYDALANISH XAVFSIZLIGINI
TAMINLASHNING AYRIM MASALALARI**

S. H. Muradov (Qarshi muhandislik–iqtisodiyot institute “Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi)

Annotatsiya. Maqolada qurilish ishlarida zamonaviy loyihaviy yechimlarning dolzarbligi va, ayniqsa, montaj kranlarini to'g'ri tanlash masalalari batafsil ko'rib chiqiladi. Loyihalash jarayonida xavfsizlik masofalariga rioya qilish, texnologik xaritalarda mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi talablarini inobatga olish alohida e'tiborga loyiqdir. Montaj kranlarini to'g'ri tanlash va ularning joylashuvi xavfsizlik qoidalariga mos kelishi kerak, chunki bu ishlab chiqarish jarayonlarini xavfsiz va samarali amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Qurilish jarayonlarida xavfsizlik texnikasi va mehnat muhofazasi talablariga rioya qilish, nafaqat jarayonlar unumdorligini oshirishga, balki qurilish mahsuloti tannarxini pasaytirishga yordam beradi. Maqolada xavfsizlik masofalari va texnologik jarayonlarning optimalligi orqali ishlab chiqarish unumdorligini oshirish va tannarxni kamaytirish mumkinligi aniq ko'rsatilgan. Shuningdek, xavfsizlik

me'yorlariga qat'iy rioya qilish mehnat jarayonlarini samaradorroq qilish bilan birga, umumiy qurilish sifatini ham yaxshilashi ta'kidlanadi.

Kalit so'zlar. *“Loyihaviy hujjatlar, texnologik jarayonlar, Ishlarni bajarish loyihasi, texnologik xarita, kran tanlash, kranining texnik parametrlari, montaj qilish massasi, kran ilgagining ko'tarish balandligi, kran ilgagining qulochi uzunligi, xavfsizlik masofasi”*

Аннотация. *В статье обсуждается важность современных проектных решений в строительстве, особенно правильный выбор монтажных кранов. Подчеркивается необходимость соблюдения безопасных расстояний и учета требований охраны труда и техники безопасности в технологических картах. Правильный выбор и размещение монтажных кранов в соответствии с правилами безопасности имеют важное значение для обеспечения безопасных и эффективных производственных процессов. Соблюдение требований охраны труда и техники безопасности не только повышает производительность, но и помогает снизить стоимость строительной продукции. В статье ясно показано, что оптимизация безопасных расстояний и технологических процессов может улучшить производительность и снизить затраты. Также подчеркивается, что строгое соблюдение стандартов безопасности улучшает не только эффективность, но и общее качество строительных работ.*

Ключевые слова. *«Проектная документация, технологические процессы, проект работ, технологическая карта, выбор крана, технические параметры крана, установочная масса, высота подъема крюка крана, длина крюка крана, безопасное расстояние»*

Abstract: *The article discusses the importance of modern design solutions in construction, particularly the correct selection of assembly cranes. It emphasizes the necessity of adhering to safety distances and considering labor protection and safety requirements in technological maps. Proper selection and placement of assembly cranes by safety rules are essential for ensuring safe and efficient production processes. Compliance with labor protection and safety measures not only increases productivity but also helps reduce the cost of construction products. The article clearly shows that optimizing safety distances and technological processes can improve productivity and reduce costs. It also highlights that strict adherence to safety standards enhances not only efficiency but also the overall quality of construction work.*

Keywords: *“Design documents, technological processes, a project of works, technological map, crane selection, technical parameters of the crane, installation mass, lifting height of the crane hook, length of the crane hook, safety distance”*

Kranlar va ko'tarma mexanizmlar bilan milliard tonnalab yuklar siljiriladi, ular yordamida Respublikamizda millionlab kvadrat metrdagi turarjoy va boshqa obektlar qurilmoqda. O'z-o'zidan ko'rinib turibdiki bunday obektlarda qurilish–montaj ishlarini amalga oshirishda xavfsizlik masalalari, shu jumladan kranlar va

ko'tarma mexanizmlardan foydalanish davrida mehnat muhofazasini ta'minlash masalasi o'ta muhim va dolzarb masala hisoblanadi [5].

“Qurilish ishlarini ishlab chiqarishni loyihaviy echimlarini bajarish va qoidalarini” talabiga ko'ra, har bir qurilish “Ishlarni bajarish loyihasi”ning loyihaviy hujjatlari bilan ta'minlanishi kerak. “Ishlarni bajarish loyihasi”ning loyihaviy hujjatlarini tayorlash jarayonida texnologik jarayonlarni bajarishga oid barcha masalalar ishlanmalari echiladi, jumladan ishlarni bajarishning ketma-ketligi o'rnatiladi, ishlab chiqarishning uslubi aniqlanadi, mashina va mexanizm vositalarini qo'llash, ishlarni bajaruvchi ishchilar tarkibi aniqlanadi, mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasining masalalari yechiladi va ishlab chiqarishning sifatini tekshirish qoidalarini ko'rsatiladi [1].

Montaj qilishning uslublari umumiy montaj qilishning umumiy uslubidan kelib chiqadi. Bularga elementlarni alohida montaj qilish, kompleks yoki aralash montaj qilish uslublari mavjud bo'lib, ularning har biriga kran tanlashda alohida xavfsizlikning usullari tanlanadi. Shuningdek xavfsizlik masalalari uslublarni tanlash vaqtida montaj qilishning gorizontali yoki vertikal yo'nalishlariga va montaj kranlarining turlari va ularning soniga, hamda montaj qilish qamrovlari o'lchami va ular soniga bog'liq bo'ladi. Bir qavatli sanoat binolarini ko'p holatlarda o'zi harakatlanadigan strelali kranlar bilan montaj olib boriladi. Ayrim holatlarda minorali yoki xarrakli kranlardan ham foydalaniladi.

Bir qavatli sanoat binolarini odatda aralash uslubda montaj olib boriladi. Dastlab birinchi oqimda ustunlar poydevor stakaniga o'rnatiladi. Ikkinchi oqimda kran osti to'sini, yopma elementlari montaj olib boriladi va keyingi uchinchi oqimda tashqi devor panellari montaj amalga oshiriladi. Shuni aytish kerakki poydevor stakani va ustun orasidagi beton qorishmasi xavfsizlik nuqtai nazaridan 70% loyiha mustahkamligiga erishilganidan so'ng yuqorida o'rnatiladigan elementlarni montajiga ruxsat beriladi.

Loyihani bajarish jarayonida binoni barpo etish uchun kranlarning texnik parametrlariga ko'ra tanlash masalasida hisobiy parametrlarini topish talab etiladi. Bunday parametrlarga: tanlanadigan kraning montaj qilish massasi (t), hisobida; kran ilgagini ko'tarish balandligi, (m); kran qulochi uzunligi, (m) da aniqlanadi [2].

Kran tanlashdagi parametrlari Mariankov K.S. “Qurilish ishlab chiqarishi ishlarini loyihalash asoslari” deb ataluvchi [1] o'quv qo'llanmasi va I.A.Goryacheva, N.Ya.Kazachenko. “Yuk ko'tarish kranlarini texnik tavsiflari va ularni tanlash.” [3] bilan kran tanlashdagi parametrlarni aniqlash uslubi deyarli mos keladi. Ammo Roytman V.M., Umnyakova N.P., Chernisheva O.I. “Shahar qurilish obektlari va xo'jaliklarida kranlar va ko'tarish mexanizmlaridan xavfsiz foydalanish” [4] o'quv-uslubiy, amaliy va ma'lumotlar beruvchi qo'llanmasida aynan yuqoridagi kran parametrlarini aniqlash formulalarida xavfsizlik bo'yicha ayrim ko'rsatkichlar aniqroq beriladi. Aytib o'tilgan fikrlarimizni isboti sifatida quyida ma'lumotlarni keltiramiz. Montaj qilish massasi montaj qilinayotgan element massasi, montaj moslamasining massasi va uni montajigacha ildiriladigan jihoz massalari yig'indisidan iborat bo'ladi [1].

Montaj qilish massasi montaj qilinayotgan element massasi, montaj moslamasining massasi va uni montajigacha ildiriladigan jihoz massalari yig'indisidan iborat bo'ladi. Ammo bunda montaj qilish massasi ruxsat etilgan yuk massasidan kichik bo'lishi kerak degan shart ko'rsatilgan[2].

Montaj qilish massasi montaj qilinayotgan element massasi, montaj moslamasining massasi va uni montajigacha ildiriladigan jihoz massalari yig'indisidan iborat bo'ladi[3].

Momontaj qilish massasi montaj qilinayotgan element massasi, montaj moslamasining massasi va uni montajigacha ildiriladigan jihoz massalari yig'indisidan iborat bo'ladi. Ammo bunda montaj qilish massasi ruxsat etilgan yuk massasidan kichik bo'lishi kerak degan shart qo'yiladi[4].

Tadqiqot natijalari va muhokamalar. Namunaviy texnologik xaritalari va sxemalarning loyihalashda keng qo'llanishi bilan birgalikda ularda qurilish ishlab chiqarishining o'ziga xos uslublari sxemalari echimlaridagi ishlanmalari taklif qilinadiki, ular yordamida texnologik jarayonlar to'la-to'kis bajariladi, qurilish tannarxi va mehnat sarfi kamaytiriladi, qurilish mahsuloti sifati ta'minlanib, ishchilarning mehnat sharoiti yaxshilanadi. Loyiha ishlarida montaj kranini tanlash uchun asosiy parametrlar quyidagilardir:

- 1.Montaj qilish massasi, t;
- 2.Kran ilgagini ko'tarish balandligi, m;
- 3.Kran igagining qulochi uzunligi, m.

Binoning elementlarini montaj qilish uchun montaj usuli va texnologik izchillikka amal qilgan holda oqimlarga ajratiladi.

Konstruksiyalarni montaj qilish jarayonida kranni har-bir oqim uchun tanlashda, ya'ni shu oqimdagi eng og'ir bo'lgan elementni, eng balandlikka va eng uzoqlikka o'rnatiladigan elementlar hisobga olinadi.

Loyihada ko'zda tutilgan kran tanlashdagi montaj qilish massasi va kran ilgagini ko'tarish balandligini aniqlash parametrlarini topishga qaratmasdan faqat kran ilgagining qulochi uzunligini topish masalasiga fikrimizni qaratamiz. Kran ilgagining qulochi uzunligi yoki uzalish masofasini grafik usulda masshtabni M1:100 qabul qilgan holda, bunda plitani montaj qilishni eng noqulay vaziyatida grafik usulda ham aniqlash mumkin (1–rasm).

Yuqoridagi parametrlarning topilgan qiymatlariga ko'ra 2 variantda montaj qiluvchi kranni tanlab olinadi. [2] o'quv qo'llanmasidan 194–bet, ilovasning 10–jadvali ko'rsatmasiga ko'ra bunday parametrlarga kran to'g'ri keladiganlari tanlanadi. Bizning fikrimizcha agar kranlar qulochi uzunlini aniqlash sxemasida kran strelasi vaziyatini xavfsizlikning masofalariga rioya etilib chizmalarda ifoda etilsa tanlanayotgan krandan qurilishda foydalanish jarayonida xavfsizlik masalasi qat'iy ta'minlangan bo'lar edi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, binolarni barpo etishda kurs loyahasini bajarish jarayonida montaj kranini tanlash uchun ulardan foydalanish bosqichida xavfsizlik texnikasini ta'minlash maqsadida xavfsizlik masofalarini chizmalar orqali tasvirlashga e'tiborni qaratish kerak degan xulosaga kelimiz.

Konstruksiyalarni montaj qilish jarayonida kranni har–bir oqim uchun tanlashda, ya’ni shu oqimdagi eng og’ir bo’lgan elementni, eng balandlikka va eng uzoqlikka qo’yiladigan elementlar hisobga olinadi. Bir qavatli sanoat binolari uchun ishlanmalarida. I qurilish jarayonlari oqimi. Bu oqimda eng og’ir element bo’lib o’rta qatordagi ustunlar hisoblanadi. Shuning uchun elementlarning montaj massasini o’rta qatordagi ustunlar uchun aniqlanadi.

$$Q_m = 3,5 + 0,08 + 0,12 = 3,7 \text{ tonna}$$

bu erda:

3,5 – o’rta qator ustunining og’irligi, (1–jadvaldan olinadi), tonna adsobida,

0,08 – yuk ko’taruvchi moslama traversaning og’irligi, tonna hisobida berilgan, (–jadvaldan olinadi).

0,12 – narvonli, montajchilar ishlaydigan maydonchanning og’irligi t. hisabida.

II qurilish jarayonlari oqimi. Bu oqimda eng og’ir element tomga o’rnatiladigan to’sindir, shuning uchun fermaning montaj massasini aniqlaymiz.

$$Q_m = 6,4 + 0,46 + 0,12 = 6,98 \text{ tonna}$$

bu erda:

6,4 – montaj qilinayotgan tosinning massasi, tonna hisobida (–jadvaldan olinadi.).

0,46 – yuk ko’taruvchi moslama (traversa)ning og’irligi. tonna hisobida berilgan (–jadvaldan olinadi).

0,12 – montajchilar turib ishlaydigan yordamchi moslamalar (maydonchalar, narvonlar)ning og’irligi, tonna hisobida.

III qurilish jarayonlari oqimi. Bu oqimda eng og’ir element faxverka ustunidir, shuning uchun bu elementga nisbatan montaj massasini aniqlaymiz.

$$Q_m = 3,1 + 0,08 + 0,12 = 3,3 \text{ tonna,}$$

bu erda:

3,1 – montaj qilinayotgan elementning og’irligi, tonna hisobida (–jadvaldan olinadi).

0,08 – yuk ko’taruvchi moslamaning og’irligi, tonna hisobida.

0,12 – narvonli, montajchilar ishlaydigan maydonchanning og’irligi tonna hisobida.

Konstruksiyalarni loyiha sathiga o’rnatishda kran ilmog’ini yuk ko’tarish uchun talab qilinadigan balandligi (H_{il}) quyidagicha aniqlanadi.

I qurilish jarayonlari oqimi. Ustunlar uchun H_{il} ni aniqlaymiz.

$$H_{il} = 0,00 + 0,5 + 8,1 + 1,00 = 9,6 \text{ m}$$

bu erda:

0,5 – ehtiyotdan qoldirilayotgan oraliq masofa, m;

8,10 – o’rnatilayotgan ustunning balandligi, (–jadvaldan olinadi);

1,00 – yuk ko’taradigan moslama balandligi, m.

II qurilish jarayonlari oqimi. Yopma to'sin uchun aniqlaymiz

$$H_{il} = 7,2 + 0,5 + 3,2 + 1,8 = 12,7 \text{ m.}$$

Tom yopmasi plitasi uchun aniqlaymiz.

$$H_{il} = (7,2 + 3,2) + 0,5 + 0,3 + 1,6 = 12,8 \text{ m}$$

bu erda;

(7,2+3,2) – kran turgan er sathidan o'rnatilayotgan plitaning tayanch sirtigacha bo'lgan vertikal oraliq masofa, m;

0,5 – ehtiyotdan qoldirilayotgan oraliq masofa, m;

0,3 – tom yopmasi plitasining qalinligi, m

1,6 – yuk ko'taradigan moslamani hisobiy balandligi (– jadvaldan olinadi)

III qurilish jarayonlari oqimi. Devor panellari uchun aniqlaymiz.

$$H_{il} = (7,2 + 3,2 - 0,9) + 0,5 + 1,2 + 2,0 = 13,2 \text{ m}$$

bu erda;

(7,2+3,2-0,9) – kran turgan yer sathidan o'rnatilayotgan plitaning tayanch sirtigacha bo'lgan vertikal oraliq masofa, m;

0,5 – ehtiyotdan qoldirilayotgan xavfsizlik oraliq masofasi, m;

1,2 – devor panelining qalinligi, m

2,0 – yuk ko'taradigan moslamani hisobiy balandligi ([2] 6-jadvaldan olinadi)

Montaj qilish massasi, t. Har bir element uchun montaj qilish massasini topamiz, montaj qilish massasi element massasiga montaj moslamasining massasini qo'shib topiladi

$$Q = Q_k + Q_{mos}, \text{ t.}$$

Montaj qilish massasini eng og'ir element uchun topamiz, bunday element loyihalalanayotgan bino uchun, o'rta ustunlaridir

$$Q = 6,4 + 0,08 = 6,48 \text{ t.}$$

Kran ilgagini ko'tarish balandligi quyidagicha topiladi

$$H_m = h_0 + h_3 + h_{el} + h_r, \text{ m}$$

Bu erda:

h_0 – o'rnatiladigan konstruksiyani loyihaviy balandligi, m; h_3 – loyihaviy sathdan o'rnatilayotgan element ostigacha bo'lgan xavfsizlik masofasi, m, bu masofani 0,5...1,0 m qabul qilamiz; h_{el} – o'rnatilayotgan elementning qalinligi yoki balandligi, m; h_r – montaj qilish moslamasining hisobiy balandligi, m 4,2 m – jadvaldan olamiz.


$$H_m = 14,1 + 1 + 0,30 + 4,2 = 19,6 \text{ m.}$$

Kran ilgagining qulochi uzunligi yoki uzalish masofasini grafik usulda masshtabni M1:100 qabul qilgan holda topamiz, bunda plitani montaj qilishni eng noqulay vaziyati uchun aniqlaymiz. 1-rasmdan ko'rinadiki $L = 15,8 \text{ m}$ ga tengdir. Yuqoridagi parametrlarning topilgan qiymatlariga ko'ra 2 variantda montaj qiluvchi kranni tanlab olamiz. [2] kitobidan 194-bet, Ilovani 10-jadvali ko'rsatmasiga ko'ra bunday parametrlarga ikkita kran to'g'ri keladi. Ko'rib chiqilgan xavfsizlikni

ta'minlash hisobiga variantlarni taqqoslash natijalarini iqtisodiy solishtirishdan olingan ko'rsatkichlarini 1-jadvalda keltiramiz.

Ishlab chiqarishning oqim uslida olib borishning variantlari bo'yicha taqqoslash hisoblarni batafsil keltirib o'tirmaymiz va olingan natijalarni 1-javvalga kiritamiz.

Ushbu jadval ma'lumotlari tahlili orqali quyidagilarni fikrlash mumkin bo'ladi, kranni tanlash bo'yicha uning parametrlarini aniqlash formulalaridan ko'rinib turibdiki montaj qilish massasi, kran ilgagini ko'tarish balandligi kran quloqchining uzunligi deyarli barcha o'quv manbalarida bir xil topiladi. Ammo texnologik xaritalarning chizmalarida xavfsizlikning kran strelasigacha bo'lgan




masofalari hisobga olinmaydi. Suu xususda Roytman V.M., Umnyakova N.P., Chernisheva O.I. [4] o'quv-uslubiy, amaliy va ma'lumotlar beruvchi qo'llanmasida minorali kran strelasi va bino orasidagi masofalar ham inobatga olingan [4] (12-bet).

1-rasm. Kran ilgagining ko'tarish balandligini topish sxemasi.⁹

1–montaj qilinayotgan element; 2–barpo ttilayotgan bino; 3–montaj moslamasi; 4–vaqtinchalik ombor chegarasi

⁹ Марианков К.С. Основы проектирования производства строительных работ. Учеб.пособие для вузов. – 3-изд., исправ. и доп. –М.: Стройиздат, 1980. -231 с., ил.



2–rasm. Kran ilgagining qulochi uzunligini topish sxemasida xavfsizlik masofalarining ko‘rsatilishi

Olingan natijalarga ko‘ra jadvalda keltirilgan ma’lumotlardan iqtisodiy samarali variant sifatida I variant ishlab chiqarishi kranlari samarali deb topildi va undagi kranlarni qo‘llash orqali ishlab chiqarish samaradorligi va xavfsizligini ta’minlagan bo‘lamiz. **1–jadval**

Montaj kompleks jarayonining texnik iqtisodiy ko‘rsatkichlari

T.r. №	Ko‘rsatkichlar nomi	O‘lchov birliqi	Miqdori	
			I–variant	II–variant
1	2	3	4	5
1	Kompleks jarayonini bajarishning davomiyligi (muddati)	kunlar	22	24
2	Montaj ishlarining 1t birlik miqdoriga sarflanadigan mehnat xarajatlari	Ish–kuni / t	0,037	0,039
3	1 t montaj qilish tannarxi	So‘m / t	9322	9555
4	1 t konstruksiyani montaj qilish uchun solishtirma kapital mablag‘lar qiymati	So‘m / t	21452	22751
5	1 t konstruksiyani montaj qilishga ketgan solishtirma keltirilgan umumiy xarajatlar	So‘m / t	11658	12968

Demak, quyidagi tavsiyalarni taklif qilamiz:

1. Ishlab chiqarish uslubini tanlashda “oqim usulini” qo‘llash;
2. Ishlab chiqarishning texnologik jarayonlari ketma–ketligini tanlash xavfsizlikni ta’minlashni asosi bo‘la oladi;
3. Ishlab chiqarish jarayonlarida tanlanadigan kranlarni xavfsizlik masofalarini saqlash orqali ishlab chiqarishda kranlardan foydalanish xavfsizligi ta’minlanadi va ishlab chiqarish samaradorligiga erishiladi.
4. “Ishlarni bajarish loyihasi”ning loyihaviy hujjatlari bilan qurilish obektlarining ta’minlanishi qurilish xavfsizligini ta’minlanishini asosiy garovi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Марианков К.С. Основы проектирования производства строительных работ. Учеб.пособие для вузов. – 3–изд., исправ. и доп. –М.: Стройиздат, 1980. –231 с., ил.
2. Rakhimov Oktyabr Dustkabilovich; Muradov Sirojiddin Husan o'g'li. Innovative Technologies in Teaching directors and Specialists of Industrial Enterprises on "Labor Protection"// European Journal of Life Safety and Stability (2660–9630), 2021/12/29. 80–85.
3. O.D. Rakhimov, Muradov S.H. Digitalization of Instructions on Labor Protection and Safety Techniques. // European journal of life safety and stability (EJLSS). 2022. №24. P.80–86
4. Muradov Sirojiddin Husan o'g'li, Hakimov Xurshid Hamidulla o'g'li, & Siddiqova Madinabonu Asatilla qizi. (2021). New innovative engineering solutions to the problems of signalization and security systems. European Journal of Life Safety and Stability (2660–9630), 2, 28–30. Retrieved from <http://www.ejlss.indexedresearch.org/index.php/ejlss/article/view/13>
5. Rayimkulov A., Murodov S. Some Issues of Safety in the Use of Tower Cranes Used in Construction Projects //JournalNX. – С. 301–308.
8. СИРОЖИДДИН М. Некоторые аспекты безопасности применения грузоподъемных кранов в строительно–монтажных работах //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 167–177.
9. Muradov S. Construction–installation ishlarida kutarama kranlardan use fundamental security of supply //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 786–792.

УЎК 658.382:622.03

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛИРИДА МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ЧОРА–ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Т.ф.д. (DSc), профессор Р.Р.Нурмаматова (Камбагалликни қисқартириши ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириши маркази),
т.ф.ф.д (PhD), А.Х.Абдуллаев (Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети).*

Аннотация: янги ижтимоий–иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналарида фавқулодда вазиятларда тоғ–кон саноатида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун меъёрий–ҳуқуқий базани, зарур воситалар билан тулдириш, ва ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат хавфсизлиги ва саноат ҳолати устидан самарали ишлаб чиқариш муҳим масалалардан бири саналади. 20 йил давомида кончилик ишлаб чиқариш

саноатида ушибу ёндашувни амалга ошириш натижасида ҳалокатли жароҳатлар даражаси аниқ кўрсаткичлар бўйича 4,5 барабар, мутлақ кўрсаткичлар бўйича эса 10–15 марта кмайганини кўзатиш мумкин. Тоғ–кон саноатидаги емирилиш, портлаш, ўпирилиш ва сув босиш каби хавфларнинг содир бўлиши доимий кузатилиб келинапти. Шу билан бирга, сўнгги йилларда кончилик саноатида умумий жароҳатланишларнинг камайиши барқарор тенденциясига қарамай, хавфли ва оғир жароҳатлар халигача хавфнинг мақбул даражасидан сезиларли даражада ошмоқда.

Калит сўзлар: Ижтимоий–иқтисодий, тоғ–кон, фавқулодда, меҳнат муҳофазаси, кончилик, комплекс, чора–тадбирлар, зарарли, саноатида, хавф, санитария, технологик.

Аннотация. В процессе перехода к новым социально–экономическим отношениям нормативно–правовая база обеспечения безопасности труда в горнодобывающей промышленности при чрезвычайных ситуациях на производственных предприятиях, обеспечение необходимыми инструментами и эффективное производство по охране труда и промышленному статусу на производственных предприятиях считаются одним из важных вопросов. В результате внедрения данного подхода в горнодобывающей отрасли в течение 20 лет видно, что уровень травматизма со смертельным исходом не превышает 4,5 раза по точным показателям и 10–15 раза по абсолютным показателям. Постоянно наблюдается возникновение рисков в горнодобывающей промышленности, таких как эрозия, взрывы, обвалы и наводнения. Однако в последние годы, несмотря на устойчивую тенденцию снижения общего травматизма в горнодобывающей промышленности, уровень опасного и тяжелого травматизма существенно превышает допустимый уровень риска.

Ключевые слова: Социально–экономические, горнодобывающие, аварийные, охрана труда, горные, комплексные, меры, вредные, промышленные, рисковые, санитарные, технологические.

Annotation. In the process of transition to new socio-economic relations, the regulatory framework for ensuring labor safety in the mining industry in emergencies at production enterprises, provision of the necessary tools, and effective production of labor protection and industrial status at production enterprises are considered one of the important issues. As a result of implementing this approach in the mining industry for 20 years, it is clear that the level of fatal injuries does not exceed 4.5 times in exact indicators and 10–15 times in absolute indicators. There are ongoing risks in the mining industry such as erosion, explosions, landslides, and floods. However, in recent years, despite the steady trend of reducing overall injuries in the mining industry, the level of dangerous and severe injuries significantly exceeds the acceptable level of risk.

Keywords: socio-economic, mining, emergency, labor protection, mining, complex, measures, harmful, industrial, risky, sanitary, technological.

Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг намунавий регламенти тасдиқланганлиги муносабати билан, энди профессионал хавфларни ҳисоблаш унинг ажралмас қисми, яъни мажбурий тартибдир. Хавфларни профессионал баҳолаш муаммоси бу долзарб муаммо бўлган хавфларни ҳисоблаш ва баҳолашнинг ягона методологиясининг йўқлиги.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бўйича давлат талабларига жавоб берадиган хавфсизлик ва меҳнат шароитларини таъминлаш, ташкилий–ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, иш берувчининг жавобгарлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, олдинги кўрсаткичларга нисбатан бахтсиз ҳодисаларда қурбонлар сони камайганини таъкидлаш жоиз. Масалан, 2016 йилда 26,7 минг бахтсиз ҳодиса қайд этилган бўлса, шундан 1,29 мингтаси ўлимга олиб келган бўлса, 2017 йилда 4,9 фоизга, яъни умумий сони 25,4 мингтага камайган, шундан 1,14 мингтаси ўлимга олиб келган. Бундай ижобий тенденция узоқ вақтдан бери кузатилмоқда, аммо бу рақамлар хавфларни етарлича камайтиради деб аташ ҳали мумкин эмас. Шу жумладан статистик маълумотларга қараганда кийинги 7 йилдаги маълумотлари кўрсатилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Хорижий давлатларда саноат корхоналарида жароҳатларининг умумий статистикаси

Йиллар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар қурбонлари сони	42.5	41.6	37.5	30.4	29.3	27.5	24.6
Улардан баъзилари оғир ҳалокатли	1.79	2.80	1.8	1.44	1.30	1.30	1.15

Меҳнат фаолияти давомида ишчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш учун иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш тизими элементларининг ишлашини таъминлайди, масалан, санитария–гигиена чоралари ходимга таъсир қилувчи зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари даражасини камайтиришга қаратилган. қулай меҳнат шароитларини таъминлаш ва хавфли касалликларнинг олдини олиш. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил етиш тўғрисидаги низом, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсат, шунингдек саноат корхонасидаги меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизими ҳуқуқий ва ташкилий–техник чора–тадбирлар ҳисобланади. Шунга кўра, бу меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун амалий

ҳаракатлар ва тартибларни амалга оширишга имкон берадиган иерархик тарзда тузилган, ўзаро таъсир қилувчи элементлар тизими.

Хавф хатарларни бошқариш усуллари кўпинча хавфли техник ва ишлаб чиқариш рисклари ва омилларини баҳолаш, аниқлаш ва башорат қилиш, уларни камайтириш ва назорат қилиш чораларини кўриш имконини беради. Бу меҳнат хавфсизлигини яхшилайти, одамлар саломатлигини сақлашга ёрдам беради ва ташкилотларнинг иқтисодий харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

Хавф хатарларни таҳлил қилиш тўпланган маълумотларга асосланади ва технологик тизимнинг хавфсизлигини назорат қилиш чораларини белгилайди, шунинг учун хавфларни таҳлил қилишнинг асосий вазифаси хавф тўғрисида қарор қабул қилиш учун оқилона асос яратишдир. Хавфларни таҳлил қилиш – хавфларни аниқлаш ва шахслар ёки одамлар гуруҳлари, мулк ёки атроф–муҳит учун хавфни баҳолаш учун мавжуд маълумотлардан тизимли фойдаланиш. Хавфларни таҳлил қилиш хавфларни аниқлаш ва хавфни баҳолашдан иборат бўлиб, хавф деганда потенциал ижтимоий зарар ёки зарар манбаи ёки зарар етказиш эҳтимоли бўлган вазият тушунилади.

Бугунги кунга келиб, хавфларни баҳолаш инсон саломатлиги учун хавф омилларини, уларнинг нисбатларини аниқлашга ва шу асосда хавфларни минималлаштириш фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашга имкон берадиган ягона таҳлилий воситадир.

Хавф хатарларни бошқариш жараёнининг босқичлари кетма–кетлигига ёндашувлардаги фарқларга қарамай, барча усуллар учун ушбу жараённинг учта умумий компонентини аниқлаш мумкин.

Хавфларнинг, юзага келиш эҳтимолини аниқлаш ва зарарли кўрсаткичларини белгилаш, хавфни ҳисоблаш, потенциал хавфларни аниқлаш учун асосий маълумот манбалари, норматив–ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар, маълумотномалар, маҳаллий қоидалар, давлат санитария–эпидемиология назорати натижалари, санитария қоидаларига риоя этилишини ишлаб чиқариш назорати натижалари, меҳнат шароитларини махсус баҳолаш натижалари ва технологик жараён ва ходимларнинг иш жойини мониторинг қилиш кўрсаткичлари, аудиторлик ҳулосалари ва амалий тажриба.

Қонунга кўра, хавфни баҳолаш иш берувчи томонидан ташкил этилади. Ташкилотнинг турли бўлимлари ўз вазифаларига мувофиқ унга жалб қилинади. Хавфни яхши баҳолаш Р–С–Р принципига асосланади, бошқача қилиб айтганда, унда иш берувчи, мутахассислар ва ходимлар иштирок этади. Бироқ, агар баҳолаш ташқи мутахассислар томонидан амалга оширилса, у ходимлар билан биргаликда амалга оширилиши керак. Ўз ходимларини жалб

қилиш унинг амалга ошириш жараёни тўғрисида хабардорлиги билан фаол равишда бирга бўлиши керак ва ходимларнинг иштироки ҳар қандай ташкилотда муваффақиятли ишлайдиган меҳнат хавфсизлиги ва соғлиғини бошқариш тизимининг мутлақо зарур кўрсаткичлари ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, иш берувчилар иш жойлари, механизмлар, ускуналар ва жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаши шарт. Яъни, хавфни самарали баҳолаш ва самарали хавфларни бошқариш (физик, кимёвий ёки биологик) бўлиши керак. Бироқ, шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб хавфларни таҳлил қилиш усуллари мавжуд, аммо ягона ёндашув ҳали топилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нурмаматова Р.Р., Абдуллаев А.Х. Кон ва геология соҳасида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини учун тоғ жинслари ва тупроқларининг мустаҳкамлигини ошириш усуллари тадқиқ қилиш.// Ёнғин–портлаш хавфсизлиги. Илмий–амалий электрон журнал. Т. № 2 (7), 2022.–Б. 343–350.

2. Нурмаматова Р.Р., Абдуллаев А.Х. Конларда кучланишлар таъсирида грунтлар уюмини баҳолаш усуллари тадқиқ қилиш. Ёнғин–портлаш хавфсизлиги.// Илмий–амалий электрон журнал. Т. № 2 (7), 2022.–Б. 375–382.

3. Нурмаматова Р.Р. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг портлаш хавфини камайтиришни назарий ва экспериментал асосларини такомиллаштириш// Дис. т.ф.д.(DSc). – Т.: – 2022. – Б.200.

4. Савон Д. Ю., Самарина В. П. Влияние параметров производства по переработке отходов угледобычи и обогащения на состояние окружающей среды / Современные проблемы горно–металлургического комплекса. Наука и производство. Материалы Четырнадцатой Всероссийской научно–практической конференции, с международным участием. — 2017. С. 305–309.

5. Савон Д.Ю. Современные подходы к системе промышленной безопасности на угольных предприятиях ISSN 0236–1493. Горный информационно–аналитический бюллетень. 2018. № 11. С. 227–235

6. Кубиньски В., Кубиньска–Ябзон Е., Петров А., Дариуш С., Савон Д. Ю. Анализ рисков в горнодобывающей промышленности, связанных с безопасностью работы // Горный информационно–аналитический бюллетень. — 2017. — № 11. — С. 168–176.

7. Карибжанова Е. Л., Мисюра М. М., Савон Д. Ю., Сафронов А. Е. Совершенствование процесса обогащения и глубокой переработки полезных ископаемых // Горный информационно–аналитический бюллетень. — 2017. — № 12. — С. 161–169.

8. Федеральный закон № 197–ФЗ от 30 декабря 2001 года «Трудовой кодекс Российской Федерации», статья 22. URL: <http://pravo.gov.ru>;

9.ГОСТ Р 12.0.007–2009 «Система стандартов безопасности труда. Система управления охраной труда в организации. Общие требования по разработке, применению, оценке и совершенствованию»;

UO'K 331.45

**MEHNATNI MUHOFAZA QILISH SOHASIDA ISHCHILAR,
RAHBAR XODIMLAR, MUTAXASSISLARNI MEHNAT MUHOFAZASI –
TEXNIKA XAVFSIZLIGI BO'YICHA YO'RIQNOMADAN O'TKAZISH
VA BILIMLARINI SINOVDAN O'TKAZISH TARTIBI**

S. H. Muradov (Qarshi muhandislik–iqtisodiyot institute “Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi” kafedrası asissentı)

Annatasiya: Maqolada mehnatni muhofaza qilish sohasida ishchilar, rahbar xodimlar va mutaxassislarni mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi bo'yicha yo'riqnomadan o'tkazish va bilimlarini sinovdan o'tkazish tartibi batafsil ko'rib chiqilgan. Ushbu tartib, xodimlarning xavfsizlik qoidalari va texnika xavfsizligi bilan tanishligini oshirish, shuningdek, mehnat muhofazasini samarali boshqarishni ta'minlash maqsadida ishlab chiqilgan. Yo'riqnomadan o'tish va bilimlarni sinovdan o'tkazish jarayoni orqali xavfsizlikni kuchaytirish va ish joylaridagi xavfsizlikni ta'minlash mumkin..

Tayanch so'zlar: “Mehnatni muhofaza qilish, iqtisodiyot. baxtsiz hodisa, xavf, xodim, yoriqnomalar, kirish yo'riqnomasi, ish joyidagi yo'riqnoma.”

Аннотация: В статье подробно описывается порядок проведения инструктажей и проверки знаний сотрудников, руководителей и специалистов в области охраны труда и техники безопасности. Этот порядок направлен на повышение осведомленности работников о правилах безопасности и технике безопасности, а также на эффективное управление охраной труда. Процесс инструктажа и проверки знаний способствует усилению мер по безопасности и обеспечивает защиту на рабочем месте.

Ключевые слова: «Охрана труда, экономика. авария, опасность, работник, инструкции, инструкция доступа, инструкция на рабочем месте.»

Abstract: The article provides a detailed overview of the procedure for conducting training and testing of workers, managerial staff, and specialists in occupational safety and technical safety. This procedure aims to enhance employees' understanding of safety regulations and technical safety, as well as to ensure effective management of occupational safety. Through training and knowledge testing, the process helps to strengthen safety measures and ensure protection in the workplace.

Keywords: “Labor protection, economy. accident, hazard, employee, instructions, access instruction, workplace instruction.”

Korxonalarning barcha xodimlari, shu jumladan rahbarlar davlat nazorat organlari tomonidan ularning kasblari va ish turlari uchun belgilangan o‘qish, yo‘riqnomalar olish, bilimlarni tekshirish va qayta attestatsiyadan o‘tishga majburlar. Mehnat muhofazasi bo‘yicha o‘qitish va bilimlarni tekshirish O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 1996–yil 14–avgustda 272–raqam bilan ruyxatga olingan namunaviy nizom asosida amalga oshiriladi. Ushbu Namunaviy nizom bevosita ishlab chiqarish ishlarini tashkil qilish va bajarish bilan bog‘liq ishchilar, rahbarlar, injener–texnik xodimlar va mutaxassislar, shuningdek muassasalarda, o‘quv yurtlarida, ilmiy–tekshirish institutlarida, xo‘jalik va korxonalar (bundan buyon –korxona)da, shuningdek mulkchilik shaklidan qat’iy nazar ishlab chiqarish birlashmalari, assotsiatsiyalar, korporatsiyalar, konsernlar, xolding, idora, vazirliklarda ixtisos talablari hajmida lavozim majburiyatlari va bajarilayotgan ish xarakteri bilan belgilanadigan ishlarni xavfsiz olib borilishini nazorat qiluvchi va texnik nazoratni bajaruvchi (bundan keyin – rahbarlar va mutaxassislar) shaxslarning bilimlarini majburiy tartibda tekshirish tartibini belgilaydi.

Nizomga muvofiq korxonaga ishga kirgan xodimlar mustaqil ishga faqatgina ishlarni xavfsiz olib borish bo‘yicha yo‘riqnomalar olgach, tegishli stajirovka va bilimlar tekshiruvidan so‘ng qo‘yiladi. Alohida xavfli ishlar va bug‘ va suv isitish qozonlari, ko‘tarma kranlar, bosim ostida ishlovchi hajmlar, elektr o‘rnatmalar, maxsus mexanizmlar va mashinalarga xizmat ko‘rsatish uchun tegishli maxsus egaligi to‘g‘risida hujjatga ega bo‘lgan shaxslar qabul qilinishi mumkin. Xodimlarni xavfsiz ish metodlariga o‘qitishni to‘g‘ri tashkil qilish va o‘tkazish uchun umumiy rahbarlik va mas’ullik korxonalarning rahbarlari va boshqaruv organlariga yuklatiladi. Ishchilar va ustalarni bo‘linma (sex)larda ishning xavfsiz metodlariga o‘qitish esa shu bo‘linmalarning zimmasida bo‘ladi. Xodimlarni xavfsiz ish metodlariga o‘z vaqtida va sifatli o‘qitishni nazorat qilish mehnatni muhofaza qilish xizmatlari zimmasiga yuklanadi.

Tadqiqot metodlari. Tadqiqot jarayonida ilmiy va o‘quv–uslubiy adabiyotlar tahlili, pedagogik kuzatuv, qiyosiy tahlil, umumlashtirish, dasturlashtirish va raqamlashtirish modellari kabi metodlardan foydalanildi.

Adabiyotlar tahlili. O‘zbekistonda mehnatni muhofaza qilish O‘zbekiston Respublikasining “Mehnatni muhofza qilish to‘g‘risida qonuni” (2016–yil 22–sentabr, O‘RQ–410–son), O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi (28–oktabr 2022–yil, O‘RQ–798 sonli), O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019–yil 1–fevral, 75–son Qarori. O‘zbekiston Respublikasi sanoat xavfsizligi davlat qo‘mitasi to‘g‘risidagi nizom, Tashkilotlarda mehnatni muhofaza qilish xizmatini yaratish va faoliyatini tashkil etish tartibi to‘g‘risida NIZOM. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018–yil 31–dekabrdagi 1066–

son qarori, Mehnat muhofazasi bo'yicha o'qitishni tashkil qilish va bilimlarni tekshirish to'g'risida NAMUNAVIY QOIDA (272– raqam bilan 1996–yil 14–avgustda O'zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi tomonidan ro'yxatga olingan) va boshqa shu kabi huquqiy me'yoriy hujjatlar asosida tartibga solinadi.

Tadqiqot natijalari va muhokamalar. Ishchilarga yo'riqnomalar berish kirish va ish joyidagi yo'riqnomalarga bo'linadi. Ish joyida yo'riqnomalar berish o'z navbatida dastlabki, davriy va navbatdan tashqari yo'riqnomalarga ajratiladi.

Xodimning kasbiy faoliyatining turli bosqichlarida mehnatni muhofaza qilish bo'yicha o'qitish va bilimlarni sinash uchun korporativ tizimning raqamli modeli¹⁰

Kasbiy faoliyat bosqichlari		Biznes jarayonlar	Doimiy faoliyatdagi komissiya qarori
Ishga qabul qilish jarayoni		Kirish yo'riqnomasi	
		Ish joyidagi birlamchi yo'riqnoma	
		Mehnat muhofazasi va ishni xavfsiz olib borish metodlari hamda usullari bo'yicha o'qitish	
		Jarohatlanganda vrachgacha birinchi yordam ko'rsatish metodlari bo'yicha o'qitish	
Kasbiy faoliyat davridagi ish jarayoni	Takrorlanuvchi jarayonlar	Ish joyidagi qayta yo'riqnoma (reja bo'yicha)	
		Bilimlarni davriy sinovdan o'tkazish	
		Rejadan tashqari yo'riqnoma (yangi texnologiya, yangi texnikalar joriy etilganda, xodim faoliyatida 60 kundan ortiq uzilish bo'lganda va baxtsiz hodisalardan keyin)	
	Qo'shimcha bir martalik ishlar va naryad	Maqsadli yo'riqnoma o'tkazish	

¹⁰ Dustkabilovich, Rakhimov Oktyabr. "Muradov Sirojiddin Husan ogli. Innovative Technologies in Teaching directors and Specialists of Industrial Enterprises on." *Labor Protection*. "European Journal of Life Safety and Stability (2021): 80-85.

	ruxsatnoma bo'yicha ishlar		
	Boshqa ishga o'tkazish yoki ushbu ish turi bo'yicha boshqa bo'limga o'tkazish	Ish joyidagi yo'riqnoma	
		Mehnat muhofazasi va ishni xavfsiz olib borish metodlari hamda usullari bo'yicha o'qitish	

Korxonaga ishga kiruvchi hamma ishchilar, boshqa tashkilotlarning xodimlari, mazkur korxonada ishlash uchun xizmat safariga yuborilganlar (malakasi, staji va ish tajribasidan qat'iy nazar), shuningdek amaliyot o'tayotganlar va o'quvchilar kirish yo'riqnomasidan o'tadilar. Ishchilarning kirish yo'riqnomasini mehnatni muhofaza qilish xodimi yoki boshqa zimmasiga mazkur vazifa yuklatilshgan xodim o'tkazishi kerak. Agar ichilarni ishga qabul qilish bevosita sexlarda amalga oshirilsa, unda kirish yo'riqnomasini sex rahbarlaridan biri o'tkazishi lozim. Jabrlanuvchiga dastlabki hakimgacha bo'lgan yordamni ko'rsatish, yong'in xavfsizligi va boshqa maxsus masalalar bo'yicha yo'riqnoma boshqa tegishli mutaxassislar tomonidan o'tkaziladi. Kirish yo'riqnomasi mehnatni muhofaza qilish xonasida o'quv materialining konkret mazmuniga va ishlab chiqarish sharoitlariga mos ta'limning zamonaviy texnik vositalari, ko'rgazmali qo'llanmalar va adabiyotlardan foydalangan holda o'tkaziladi. Kirish yo'riqnomasi ishchilar guruhi bilan ham, alohida ishchilar bilan ham o'tkazilishi mumkin. Qoida tariqasida guruhning soni o'n kishidan oshmasligi kerak. Kirish yo'riqnomasi o'tkazilganligi haqida kirish yo'riqnomasini qayd qilish Jurnaliga yoziladi va ishchining ishga qabul qilinishi to'g'risidagi yozuvga tegishli belgilar qo'yiladi.

Barcha ishchilar kirish yo'riqnomasidan tashqari yana ish joyida ham yo'riqnoma olishlari kerak. Ish joyida yo'riqnoma berishning maqsadi – har bir ishchini ishning to'g'ri, xavfsiz usullari va metodlariga o'rgatish. Yo'riqnoma jarayonida ishchilarni jihozlar, mexanizmlar, moslamalar, ularning tavsifi va xususiyatlari, ehtiomi bor xavflar, ishning xavfsiz metodlari va usullari bilan tanishtiriladi va ish joyini ishga tayyorlashga o'rgatiladi. Ish joyida yo'riqnoma o'tkazish ishchi bevosita ixtiyoriga yuborilgan usta zimmasiga yuklanadi. Zarur hollarda yo'riqnoma tegishli mutaxassislar (mexanik, energetik, texnolog, instruktorlik vaxtalari xodimlari va h.k.)lar ishtirokida o'tkaziladi. Noelektrik personalga elektr xavfsizligi bo'yicha yo'riqnoma va ixtisos guruhini berish bosh energetik xizmati xodimi tomonidan o'tkaziladi. Bevosita ish joyida yo'riqnoma berish korxona bosh muhandisi tomonidan tasdiqlangan sex boshliqlarining ishlarni xavfsiz olib borish qoidalari va yo'riqnomalari asosida tuzilgan dasturlari asosida o'tkaziladi. Bunday yo'riqnomalar va ularning ro'yxati korxona bosh muhandisi tomonidan kasaba uyushmasi qo'mitasi bilan birgalikda tasdiqlanadi Ishlarni xavfsiz

olib borish bo'yicha yo'riqnomalar va ular bilan ishlayotganlar va ish joylarini ta'minlash sex boshliqlariga yuklanadi.

Amaliy ta'lim (stajirovka) bilan dastlabki yo'riqnoma bevosita ish joyida ishchilarni mustaqil ishga qo'yishdan oldin, o'zgacha xususiyatli (ishlab chiqarish sharoitlari o'zgartirilganda) boshqa ishga yoki uchastkaga o'tkazilganda berilishi lozim. Korxonaga ishga kirayotgan amaliy ta'lim (stajirovka)ni tajribali yuqori malakali ishchida o'tashi lozim. Ishchining stajirovka o'tash uchun birlashtirilishi sex rahbarining bo'yrug'i bilan ta'lim davomiyligi va ta'limni doimiy nazorat qilib boruvchi mas'ul shaxs (usta) ko'rsatilgan holda rasmiylashtiriladi. Dastlabki yo'riqnomaning o'tkazilganligi ish joyida yo'riqnomalar berish Jurnaliga qayd etiladi. Barcha ishchilarga har safar alohida xavfli ishlarni bajarish topshirig'ini berishdan oldin ishlarning mas'ul rahbari ishchilarga alohida yo'riqnoma beradi va bu haqda yo'riqnomalarni ro'yxatga olish Jurnaliga ko'rilgan xavfsizlik choralarini ham qo'shib, qayd etadi.

Mazkur kasb bo'yicha malakasi va ish stajidan qat'iy nazar ishchilar 6 oydan kam bo'lmagan davrda ishlarni xavfsiz olib borish bo'yicha (davriy) yo'riqnoma oladilar. Davriy yo'riqnomaning maqsadi muayyan davr ichida ishchining asosiy va boshqa tez-tez bajarib turadigan ishlar bo'yicha bilimlarini yangilash va to'ldirish. Davriy yo'riqnoma (turdosh ishlar va ishning alohida turlari bo'yicha) individual va guruhli bo'lishi mumkin va korxona yoki sex amaliyotidagi konkret misollarni batafsil tahlil qiluvchi suhbat shaklidagi dasturlar bo'yicha olib borilishi lozim. Ba'zi sabablar (ta'til, kasallik, xizmat safari va h.k.)lar bo'yicha belgilangan vaqtda yo'riqnoma ololmasalar, ishga chiqqan kuni yo'riqnoma berilishi lozim. Davriy yo'riqnoma o'tkazilganligi to'g'risida ish joyida yo'riqnomalar berishni qayd qilish Jurnaliga yozib qo'yilishi kerak.

Ishchilarning ishlarni xavfsiz olib borishlari uchun navbatdan tashqari yo'riqnoma quyidagi hollarda o'tkaziladi:

- ishlab chiqarish jarayoni o'zgarganda, bir turdagi jihoz boshqasi bilan almashtirilganda va h.k., kabi mehnat sharoiti o'zgarishiga sabab bo'luvchi hollarda;

- sex, uchastka, brigadada baxtsiz hodisa yoki avariya yuz berganda;
- ishlarni xavfsiz olib borish bo'yicha yangi qoidalar va yo'riqnomalarning kiritilish bilan yuzaga keluvchi qo'shimcha talablarni ishchilarga yetkazish zarurati tug'ilganda;

- ko'rilgan ta'sir qiluvchi choralarga qaramay qoidalar va yo'riqnomalar, ishlab chiqarish intizomi buzilgan holda.

Navbatdan tashqari yo'riqnomada dastlabki yo'riqnoma dasturining yo'riqnoma sababi bilan bevosita bog'liq qismigina ko'rib chiqiladi. Ishchilarning navbatdan tashqari yo'riqnomasi xuddi dastlabki va davriy yo'riqnomalar kabi ishlarning bevosita rahbar (usta)lari tomonidan o'tkaziladi. Navbatdan tashqari yo'riqnomaning o'tkazilishi dastlabki va davriy yo'riqnomalar kabi yo'riqnomalarni qayd qilish Jurnaliga yoziladi, faqat unda yo'riqnoma sababi ko'rsatib o'tiladi.

Ishchi–xodimlarning mehnat muhofazasi (MM) va xavfsizlik texnikasi (XT) bo'yicha bilimlarini tekshirish. Ishchilarning (mustaqil ishga qo'yishdan oldin yoki bir ishdan boshqa ishga ko'chirilayotganida) dastlabki yo'riqnoma va stajirovkadan so'ng ishlarni xavfsiz olib borish bo'yicha bilimlari tekshirilishi zarur.

Bilimlarni tekshirish dastlabki, davriy va navbatdan tashqari kabi turlarga bo'linadi:

MM va XT bo'yicha bilimlarni dastlabki tekshiruvdan o'tkazish.

Bilimlarni tekshirish korxona rahbariyati tomonidan tayinlangan va sex rahbarlaridan biri bosh bo'lgan komissiya tomonidan o'tkaziladi. Zarurat bo'lganda konkret sharoitdan kelib chiqib, komissiya tarkibiga mexanik, energetik va boshqa mutaxassislar kiritilishi mumkin. Zarur hollarda asosiy ish bo'yicha qoidalar va yo'riqnomalar bilan bir qatorda ishchining boshqa qoidalar (masalan, yuk ko'tarish krani bilan ishlaganda – kranlar bo'yicha qoidalar va h.k.) bo'yicha bilimlari ham tekshiriladi. Ishchi bilimlarini dastlab tekshirishdan o'tkazgandan so'ng unga tegishli rasmiylashtiruvdan so'ng yagona shakldagi bilimlarni tekshirganlik to'g'risidagi Guvohnoma beriladi. Bilimlarni tekshirish ish joyida yo'riqnoma berish dasturi asosida sex boshliqlari, mutaxassislar tomonidan ishlab chiqilgan so'rovnoma bo'yicha o'tkaziladi.

Davriy tekshiruv. Barcha ishchilarning bilimlari har 3 yilda bir marta (jadval bo'yicha) davriy tekshiruvdan o'tkazilishi lozim. Jadval har yili ustalar tomonidan tuziladi va sex boshliqlari tomonidan tasdiqlanadi.

Bilimlarning navbatdan tashqari tekshiruvi:

- ishlab chiqarish jarayoni o'zgarganda
- jihozlar va mexanizmlarning yangi turlari tatbiq qilinganda, shuningdek yangi qoidalar va yo'riqnomalar joriy etilganda;
- qoidalar va yo'riqnomalar buzilganda;
- qoidalar va yo'riqnomalarni yetarlicha bilmaslik hollari aniqlanganda korxona rahbarlari, davlat nazorat organlari talabi bilan o'tkaziladi.

Tekshirishlar natijalari presonal bilimlarini tekshirishlarini qayd qilish Jurnaliga rasmiylashtiriladi va ayni paytda Guvohnomada ham aks ettiriladi. Tekshiriluvchining bilimlarini (yaxshi, qoniqarli, qoniqarsiz) baholashdan tashqari ishchini mustaqil ishga qo'yish imkoniyati haqida xulosa ham beriladi.

Agar ishchi tekshirishda qoniqarsiz baho olsa, u mustaqil ishlashga qo'yilmaydi va ikki haftadan kech bo'lmagan muddat ichida takroriy tekshiruvdan o'tadi.

Takroriy tekshiruvda hozir bo'lmaslik yoki unga besabab tayyorlanmaslikka mehnat intizomini buzish deb qaraladi. Bunday buzilishga yo'l qo'ygan ishchilarga ichki mehnat tartibi qoidalarida nazarda tutilgan intizomiy jazo choralari qo'llanilishi mumkin.

Rahbarlar va mutaxassislarni o'qitish va ularning bilimlarini tekshirish. Rahbarlar va muta'xassislarning mehnat muhofazasi bo'yicha bilimlari darajassini oshirish maksadida boshqaruv organlari va korxonalarda davlat kuaztuvi organlari,

mehnat muhofazasi ilmiy–tadqiqot institutlari va tarmoq ilmiy–tadqiqot institutlari mutaxassislarini jalb qilgan holda kurslar, seminarlar, ma’ruzalar, konsultatsiyalar tashkil qilinadi.

Ishchilar lavozimga tayinlanganlarida yuqori turuvchi mansabdor shaxslar tomonidan quyidagilar bilan tanishtirilishi lozim:

- unga ishonib topshirilgan ishlab chiqarish (uchastka, ob’ekt, korxona, birlashma)da mehnat sharoitlari va mehnat muhofazasining holati;
- xavfli va zararli ishlab chiqarish faktorlari ta’siridan saqlanish uchun ishchilar va xizmatchilar tomonidan qo’llanilayotgan himoya vositalari;

- ishlab chiqarish jarohatlanishi va va kasb kasallanishlari tahlili bilan;

- mehnat sharoitlari va muhofazasini yaxshilash bo’yicha zarur tadbirlar, shuningdek mehnat muhofazasi bo’yicha materiallar va mansab maburiyatlari bilan.

Rahbarlar va mutaxassislarning mehnat muhofazasi bo’yicha bilimlarini tekshirish korxona boshqaruvi organlari va viloyat mehnat muhofazasi boshqarmalarining doimiy faoliyat ko’rsatuvchi komissiyalari tomonidan mehnat muhofazasi bo’yicha tekshiruvdan o’tishga majbur bo’lgan rahbarlar va mutaxassislar Ro’yxatiga asosan o’tkaziladi. Komissiyalar tarkiblari yuqorida tilga olingan tashkilotlar rahbarlari tomonidan tasdiqlanadi.

Boshqarma va korxona organlari imtihon komissiyalarini ularning rahbarlari boshqaradilar. Bilimlari tekshirilishi lozim bo’lgan ko’plab xodimlar ishlaydigan korxonalarda bir necha imtihon komissiyalari bo’lishi mumkin. Bunday hollarda komissiya rahbarlari etib mehnat muhofazasi bo’yicha bosh rahbarlar va ularning muovinlari tayinlanadilar. Imtihonlarni tashkil etish va o’tkazish boshqarma, korxona rahbardlari va imtihon komissiyalari raislari amalga oshiradi. Imtihonlarni qabul qilish tasdiqlangan jadval bo’yicha o’tkaziladi. Jadval barcha imtihon komissiyalari a’zolariga imtihon boshlanishidan bir oy oldin tarqatilishi lozim. Imtihonlar o’tkazilish sanasi va joyi haqida imtihon qilinuvchilar 15 kun oldin ogohlantirishlari zarur.

Imtihonlarni uch kishidan kam bo’lgan komissiya tomonidan o’tkazilishiga yo’l qo’yilmaydi. Imtihon komissiyalari tarkibiga kiritilgan korxona rahbarlari va mutaxassislari faqatgina boshqarma organlari yoki mintaqaviy mehnat muhofazasi organlari komissiyalarida imtihon topshirganlaridan so’ng imtihon olishda ishtirok etishlari mumkin.

Imtihon komissiyalari rahbarlar va mutaxassislarning:

- O‘zbekiston Respublikasining «Mehnat muhofazasi to‘g‘risida»gi qonuni, «O‘zbekiston Respublikasining Mehnat Kodeksi» va boshqa qonunchilik va me’yoriy hujjatlari;

- mehnat xavfsizligi standartlari tizimi;

- avariyaalarning oldini olish va ularning oqibatlari hajmini kamaytirish tizimlari;

- elektr jarohatlanishini oldini olish bo’yicha asosiy talablar;

- yong‘in xavfsizligi. Yong‘inlar, portlashlar va avariylarning oldini olish usullari. Stixiyali kulfatlar sodir bo‘lganda personal harakatlari;
- ishlab chiqarish sanitariyasi va shaxsiy gigienaning asosiy talablari;
- mehnat muhofazasi holatining davlat, idoraviy kuzatuv va jamoatchilik nazorati to‘g‘risidagi qoidalar;
- ishlab chiqarishda sodir bo‘lgan baxtsiz hodisalar va boshqa mehnatkashlarning sog‘ligiga ziyon yetkazadigan hodisalarni tekshirish va hisobga olish qoidalari;
- texnologik rejim va ishlab chiqarish jarayonlarini xavfsiz olib borishni ta‘minlaydigan mansab yo‘riqnomalari, pasportlar, chizmalar va texnologik reglamentlar;
- IHVlari vazifalari va qo‘llanilishi, IHVlarining berilish tartibi va me‘yorlari, ulardan foydalanish muddatlari;
- mehnat shartnomasi, ish va dam olish vaqtlari rejimlari, ayollar va 18 yoshdan kichik bo‘lgan shaxslarning mehnati muhofazasi. Imtiyozlar va qoplamalar;
- jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish usullari bilimlarini tekshiradilar.

Imtihon biletlari ishlab chiqarish xususiyatlari, rahbarlar va mutaxassislar qo‘yiladigan malaka talablari, mahalliy sharoitlar hisobga olingan holda ishlab chiqiladi va muntazam faoliyat ko‘rsatuvchi imtihon komissiyalari raislari tomonidan tasdiqlanadi.

Mehnat muhofazasi bo‘yicha bilimlarni tekshirishning quyidagi turlari belgilanadi: dastlabki, davriy, navbatdan tashqari.

Mansab vazifalarini bajarishga kirishganlaridan so‘ng bir oy ichida rahbarlar va mutaxassislar tegishli imtihon komissiyasida mehnat muhofazasi bo‘yicha bilimlarning dastlabki tekshiruvdan o‘tishga majburlar.

Bilimlarning davriy tekshiruvi uch yilda bir martadan kam bo‘lmagan miqdorda o‘tkaziladi.

Rahbarlar va mutaxassislar quyidagi hollarda mehnat muhofazasi bo‘yicha navbatdan tashqari bilimlar tekshiruvdan o‘tishlari lozim:

- mehnat muhofazasi bo‘yicha yangi yoki qayta ishlangan me‘yoriy hujjatlar amalga kiritilganda;
- yangi jihozdan foydalan boshlanganda yoki yangi texnologik jarayonlar tatbiq qilinganda;
- xodim yangi ish joyiga o‘tkazilganda yoki mehnat muhofazasi bo‘yicha qo‘shimcha bilimlar talab qiladigan yangi lavozimga tayinlanganda;
- guruh, o‘lim yoki nogironlik bilan tugagan baxtsiz hodisalarning sodir bo‘lishiga yo‘l qo‘yilganda, shuningdek avariya, portlash, yong‘in yoki zaharlanish holatlari sodir bo‘lganda;
- Davlat kuzatuv va nazorat organlarining talabi bilan;
- ishda bir yildan ortiq tanaffus bo‘lganda.

Bilimlarni navbatdan tashqari tekshirish mazkur tekshirishni o'tkazishga farmoyish bergan instansiya tomonidan belgilangan alohida hujjatlar talablari doirasida o'tkazilishi mumkin.

Mehnat muhofazasi bo'yicha bilimlarni tekshirishni tashkil qilish ustidan nazorat qilish rahbarlar va boshqaruv organlari mehnat muhofazasi xizmatlariga yuklanadi. Mehnat muhofazasi bo'yicha davlat inspeksiyasi va davlat kuzatuv va nazorat organlari mazkur ishlarni nazorat qilish huquqiga ega. Mehnat muhofazasi bo'yicha bilimlar tekshiruvidan o'zini olib qochadigan rahbarlar va mutaxassislar ishdan chetlatiladilar.

Mehnatni muhofaza qilish zamonaviy ishlab chiqarish tarkibining bir uzluksiz qismi bo'lib, hozirgi Yangi O'zbekiston sharoitida ishchi-xodimlarning sog'ligini va ish qobiliyatini muhofaza qilish eng ustuvor vazifalardan biri hisoblanadi. Rahbar xodimlar va mutaxassislarni mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi bo'yicha o'qitish va ularning bilimini belgilangan tartibda sinovdan o'tkazish ishlab chiqarishda baxtsiz hodisalarni oldini olishga qaratilgan tadbirlarning eng muhimi hisoblanadi, bu esa maqolaning mavzusining dolzarbligini ifodalaydi. Korxonaga ishga kirgan xodimlar mustaqil ishga faqatgina ishlarni xavfsiz olib borish bo'yicha yo'riqnomalar olgach, tegishli stajirovka va bilimlar tekshiruvidan so'ng qo'yiladi. Alohida xavfli ishlar va bug' va suv isitish qozonlari, ko'tarma kranlar, bosim ostida ishlovchi hajmlar, elektr o'rnatmalar, maxsus mexanizmlar va mashinalarga xizmat ko'rsatish uchun tegishli maxsus egaligi to'g'risida hujjatga ega bo'lgan shaxslar qabul qilinishi mumkin. Xodimlarni xavfsiz ish metodlariga o'qitishni to'g'ri tashkil qilish va o'tkazish uchun umumiy rahbarlik va mas'ullik korxonalarning rahbarlari va boshqaruv organlariga yuklatiladi. Ishchilar va ustalarni bo'linma (sex)larda ishning xavfsiz metodlariga o'qitish esa shu bo'linmalarning zimmasida bo'ladi. Xodimlarni xavfsiz ish metodlariga o'z vaqtida va sifatli o'qitishni nazorat qilish mehnatni muhofaza qilish xizmatlari zimmasiga yuklanadi.

Adabiyotlar

1. Rakhimov Oktyabr Dustkabilovich; Muradov Sirojiddin Husan o'g'li. Innovative Technologies in Teaching directors and Specialists of Industrial Enterprises on "Labor Protection"// European Journal of Life Safety and Stability (2660–9630), 2021/12/29. 80–85.
2. O.D. Rakhimov, Muradov S.H. Digitalization of Instructions on Labor Protection and Safety Techniques. // European journal of life safety and stability (EJLSS). 2022. №24. P.80–86
3. Тимофеев С. С., Тимофеева С. С. Цифровое будущее охраны труда // XXI век. Техносферная безопасность. 2022. Т. 7. № 1. С. 51–62. <https://doi.org/10.21285/2500-1582-2022-1-51-62>.
4. Muradov Sirojiddin Husan o'g'li, Hakimov Xurshid Hamidulla o'g'li, & Siddiqova Madinabonu Asatilla qizi. (2021). New innovative engineering solutions to the problems of signalization and security systems. European Journal of Life

Safety and Stability (2660–9630), 2, 28–30. Retrieved from <http://www.ejlss.indexedresearch.org/index.php/ejlss/article/view/13>

5. Rayimkulov A., Murodov S. Some Issues of Safety in the Use of Tower Cranes Used in Construction Projects //JournalNX. – С. 301–308.

6. Сирождидин М. Некоторые аспекты безопасности применения грузоподъемных кранов в строительно–монтажных работах //International journal of advanced research in education, technology and management. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 167–177.

7. Muradov S. Construction–installation ishlarida kutarama kranlardan use fundamental security of supply //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 786–792.

8. Muradov, S. (2024). Assessment of the chemical situation in an accident in facilities using ktzm. modern science and research, 3(2), 1142–1152. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10701651>

9. Muradov S., Usmonov H. Mehnatni muhofaza qilishning rivojlanish tarixiy bosqichlarini o‘rganish //Interpretation and researches. – 2024.

10. Dustkabilovich, Rakhimov Oktyabr. "Muradov Sirojiddin Husan ogli. Innovative Technologies in Teachingdirectors and Specialists of Industrial Enterprises on." Labor Protection". European Journal of Life Safety and Stability (2021): 80–85.



УДК 504.064.36

РАЗРАБОТКА ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ СИСТЕМ ДИСТАНЦИОННОГО МОНИТОРИНГА БЕЗОПАСНОСТИ ГОРНЫХ РАБОТ

*канд. техн. наук, профессор М.Н.Мусаев (Ташкентский государственный
технический университет имени И.Каримова),*

*PhD, доцент А.А. Бобоев (Навоийский государственный горно–
технологический университет).*

Аннотация. Статья посвящена разработке новой цифровой технологии дистанционного мониторинга безопасности горных работ, объединяющая сетевую систему управления персоналом и экспертные подсистемы поддержки принятия решений с учетом геомеханических факторов, представляющих риск потери устойчивости горных выработок. Для экспертной оценки устойчивости горного массива и горных выработок задаются интегральные показатели риска возникновения аварий для каждого элемента геотехнической системы по значениям информативных параметров в определенный момент времени, а также по скоростям отклонения параметров от точки равновесия за определенный период времени. Безопасность труда обеспечивается за счет повышения

эффективности взаимодействия персонала и ужесточения его дисциплинарной ответственности, а также принятия заблаговременных решений по поддержанию горных выработок в безаварийном состоянии.

Ключевые слова: безопасность, моделирование, риск, опасность, горнорудное промышленность.

Annotatsiya. Maqola kon ishlarining barqarorligini yo'qotish xavfini tug'diradigan geomexanik omillarni hisobga olgan holda, tarmoq xodimlarini boshqarish tizimi va ekspert qarorlarini qo'llab-quvvatlash, tizimlarni birlashtirgan holda kon ishlari xavfsizligini masofaviy monitoring qilishning yangi raqamli texnologiyasini ishlab chiqishga bag'ishlangan. Tog' jinslari massasi va kon ishlarining barqarorligini ekspert baholash uchun geotexnik tizimning har bir elementi uchun ma'lum bir vaqtning o'zida informatsion parametrlarning qiymatlari asosida avariylar xavfining integral ma'lum vaqt oralig'ida parametrlarning muvozanat nuqtasidan og'ish tezligi bo'yicha ko'rsatkichlari belgilanadi. Mehnat xavfsizligi xodimlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar samaradorligini oshirish va ularning intizomiy javobgarligini kuchaytirish, shuningdek, kon ishlarini avariya-siz holatda saqlash bo'yicha erta qarorlar qabul qilish orqali ta'minlanadi.

Kalit so'zlar: xavfsizlik, modellashtirish, xavf, xatar, tog'-kon sanoati.

Abstract. The article is devoted to the development of a new digital technology for remote monitoring of mining safety, taking into account the geomechanical factors that cause the risk of destabilization of mining operations, supporting the management system of network personnel and expert decisions, and integrating the systems. For an expert assessment of rock mass and stability of mining operations, based on the values of informational parameters for each element of the geotechnical system at a given time, the integral risk of accidents is calculated according to the rate of deviation of the parameters from the equilibrium point in a certain time interval. indicators are determined. Occupational safety is ensured by improving the efficiency of interaction between employees and strengthening their disciplinary responsibility, as well as by making early decisions to keep mining operations in an accident-free state.

Keywords: security, modeling, risk, mining.

Исследования статистики несчастных случаев и травматизма на горно-рудных шахтах показывают, что их причинами являются геомеханические факторы и нарушения правил охраны труда. Чаще всего работники получают травмы в результате преднамеренного нарушения Правил охраны труда. Иногда к работе допускается работник, не имеющий достаточных знаний о требованиях поведения в подземных условиях.

Очевидно, что любой работодатель обязан обеспечить безопасность на каждом рабочем месте путем соблюдения персоналом требований Правил по охране труда в соответствии с действующими законами и нормативными актами. При этом работник должен выполнять соответствующие требования охраны труда. Однако и руководители, и работники часто нарушают технику

безопасности, а случае несчастного случая найти истинного виновника и установить причину несчастного случая достаточно сложно. Решить проблему можно только путем совершенствования системы контроля за выполнением изданных приказов и Правил охраны труда.

Сегодня потенциал использования цифровых информационных технологий в горнодобывающей промышленности Узбекистана для управления производством и охраной труда может быть весьма значительным. Наиболее эффективным инструментом контроля охраны труда на промышленных предприятиях являются современные информационные системы [1–3]. В то же время внедрение систем информационной безопасности и управления персоналом сдерживается отсутствием цифровых технологий, соответствующих специфике и условиям их использования на шахтах. Это обусловлено не только необходимостью соответствия требованиям к искре- и взрывозащищенному оборудованию и невозможностью использования стандартных коммерческих средств мобильной связи и систем глобального позиционирования, но и отсутствием программного обеспечения, отвечающего потребностям горнодобывающей промышленности. Следует отметить, что любая система охраны труда и управления персоналом должна работать строго в режиме реального времени, поскольку при нарушении временных ограничений система полностью теряет свою полезность для процесса управления производством и персоналом.

Целью исследований является разработка методологии и цифровых технологий оценки, прогнозирования и определения сценариев развития геомеханических процессов в горных породах массив горных пород, нарушенный горными работами.

Для реализации программных компонентов удаленного мониторинга безопасности горных работ использованы известные методы организации вычислительных процессов и построения программных моделей информационных систем.

Методология разработки экспертной подсистемы базируется на принципах математического моделирования скального массива методом конечных элементов и включает методы прогнозирования устойчивости скального массива и системы крепи выработок. Конечно-элементное математическое моделирование широко апробировано на практике. В научных исследованиях оно используется для оценки прогнозных показателей напряженно-деформированного состояния скального массива и возможных сценариев потери устойчивости выработок горных выработок.

Достоверность и обоснованность результатов подтверждается полнотой и корректностью исходных данных, применением апробированных методов

математического моделирования геомеханических процессов. Для оценки надежности алгоритмов системы мониторинга безопасности применяются вычислительные эксперименты, подтверждаемые горными исследованиями.

Концепция построения системы дистанционного управления.

Концепция информационной системы дистанционного мониторинга безопасности горных работ была продиктована необходимостью решения двух основных задач.

Первая задача – обеспечение качественного управления персоналом. Решение этой проблемы заключается в проектировании базовой системы, реализующей следующие функции:

- централизация информации в одном вычислительном центре;
- обработка данных аппаратно–программного обеспечения для оптимизации управления производством;
- контроль выполнения персоналом поручений руководителя; хранение отчетных документов и журналов аварийных ситуаций;
- передача и визуализация данных; удаленный доступ к процессам управления персоналом (рис. 1).

Решение этого комплекса задач способствует автоматизации процесса управления производством, но не реализует функции информационной поддержки принятия решений.

Вторая задача – поддержка принятия решений экспертами путем предоставления объективной информации по безопасности и сценариям возможных изменений напряженно–деформированного состояния массива горных пород. Для поддержки принятия решений в горнодобывающей отрасли предусмотрены две экспертные подсистемы, которые выполняют многофакторный анализ рисков и уровней безопасности на предприятии, а также предоставление и анализ информации из различных нормативных документов.

Элементы экспертных подсистем анализируют данные в режиме реального времени, а при необходимости используются для определения потенциальных рисков на основе критериев и оценок состояния производственной среды в шахтах, в том числе с использованием математического аппарата нечеткой логики.




Рис.1. Общая схема системы дистанционного управления безопасностью с использованием локальных и беспроводных сетей (LAN, WLAN), а также стандарта глобальной системы мобильной связи (GSM).

Достоинствами экспертных подсистем являются их способность прогнозировать геомеханические и газодинамические процессы в массиве горных пород и вызываемые этими процессами негативные последствия в горных выработках (обвалы горных пород, разрушение крепей, пучение почвы в выработках и т.п. а также накопление и хранение необходимых знаний в базе данных. В частности, для оценки безопасности работ по геомеханическому фактору рассчитываются и хранятся в базе данных: локальные модели типичного поведения массива горных пород, номенклатура и силовые характеристики крепей, физико–механические свойства горных пород и наборы наиболее распространенных горно–геологических условий разработки месторождения. В отличие от субъективности решений, принимаемых персоналом, экспертные системы обрабатывают любую информацию по объективным критериям, поэтому улучшение качества анализа данных.

Показателем безопасности ведения горных работ является также соблюдение норм и правил на основе отраслевых и других документов, что требует использования справочно–информационных подсистем обработки и анализа нормативно–технической документации. Поэтому система удаленного мониторинга безопасности ведения горных работ включает в себя:

- базовую клиент–серверную подсистему, выполняющую функции взаимодействия и управления персоналом на предприятии;
- справочно–информационную подсистему поддержки принятия решений, обеспечивающую накопление данных и анализ технической документации;
- подсистему анализа уровня безопасности ведения горных работ с учетом геомеханических факторов риска потери устойчивости горных выработок,

оценивающую состояние системы «крепь–скальный массив» по критериям безопасности и методом нечеткой логики.

Данная концепция построения информационной системы способствует повышению эффективности и безопасности ведения горных работ на предприятии.

Подсистема управления персоналом

Эффективность управления персоналом на предприятии характеризуется качеством, полнотой и своевременностью выполнения каждым работником своих должностных обязанностей. В методах управления персоналом различают показатели формирования, использования и развития. Эти показатели характеризуют качество персонала]. При этом на предприятии менеджеры должны сами решить, какие показатели будут основными, исходя из их собственных стратегических целей, и какие факторы следует использовать для их реализации.

Результат проведенных исследований с использованием методологии построения программных моделей и вычислительных процессов разработаны элементы системы управления персоналом – клиент–серверная цифровая информационная система. Подсистема является основой системы дистанционного управления безопасностью и выполняет следующие функции:

- пересылка письменных сообщений с сервера пользователю и наоборот;
- передача фотографий выполненных работ на сервер (для контроля менеджерами, ответственными за выполнение работ);
- передача масштабированных или разбитых на части чертежей (геологических разрезов, блок–схем и другой графической информации) с сервера потребителю;
- автоматическая регистрация переданной информации и сохранение копий в базе данных сервера (для дальнейшего мониторинга);
- после отправки любой информации формирование запроса с просьбой об ответном уведомлении и регистрация сервером факта получения сообщения;
- обязательное оповещение об особо важных сообщениях (сигнал действует до тех пор, пока пользователь не отреагирует на экстренное сообщение);
- автоматическая адаптация отображаемой информации к размеру экрана клиентского устройства;
- интерактивное построение статистических отчетов по показателям эффективности.

Постановка задач и контроль их выполнения реализованы в системе как циклический процесс (рис. 2).

Программный комплекс позволяет передавать поручения руководителя и при необходимости получать наглядный отчет об их выполнении. Автоматическое сохранение всех переданных через систему распоряжений и фотографий результатов работ существенно повышает качество управления производственным процессом. Проанализировав распоряжения и фотографии результатов работ, можно при необходимости

(например, при несчастном случае, аттестации персонала, периодическом контроле с целью повышения дисциплины и т.п.) определить компетентность сотрудников и качество их работы.



Рис.2. Организация контроля выполненных работ в системе дистанционного управления.

Архитектура клиент–серверной системы также включает в себя алгоритмы защиты от несанкционированного доступа. Система защищена идентификационными паролями при входе в программу и выходе из режима ожидания компьютера, что позволяет контролировать и варьировать функции доступа к базе данных для различных категорий сотрудников. Сотрудники имеют доступ только к тем данным, которые необходимы для выполнения их задач. В случае расширения для работы функций системы выдается код, который расширяет доступ к информации.

Программа визуализации обеспечивает наглядное представление статистических отчетов по показателям эффективности и другим данным в виде графиков, таблиц, фотографий и иллюстраций, необходимых для лучшего понимания и наглядности информации.

Система управления персоналом повышает эффективность взаимодействия иерархических кадровых структур. Например, директор предприятия, продиктовав приказ, за считанные секунды отправит его любой группе сотрудников, а через несколько минут будет знать, кто из сотрудников не получил его приказ.

Экспертная подсистема прогнозирования геомеханических процессов

Установлено, что основным препятствием для эффективного комплексного использования систем контроля горных работ является несогласованность методов анализа параметров результатов мониторинга

горного массива и выработок, а также недостаточная разработанность методов оценки фактической ситуации, уровней безопасности и сценариев изменения напряженно–деформированного состояния горного массива. Поэтому основной научной проблемой при создании аппаратно–программной архитектуры системы дистанционного мониторинга безопасности горных работ является систематизация набора параметров мониторинга подземных выработок и нарушенной горными работами геологической среды, а также разработка методологии и синтез цифровых технологий оценки, прогнозирования и определения сценариев развития геомеханических процессов.

Для обоснования показателей безопасности подземной добычи полезных ископаемых предлагается использовать метод математического моделирования, целью которого является определение сценариев развития зон неупругих деформаций и изменений напряжений в массиве горных пород при использовании различных типов крепи, увеличении нагрузки на систему «крепь–массив горных пород», изменении условий залегания полезных ископаемых и обводненности пластов горных пород.

Состояние геотехнической системы «крепь–скальный массив» в процессе ведения горных работ постоянно изменяется, что фиксируется персоналом и системами мониторинга. Для оценки параметров текущего геомеханического мониторинга горных выработок предлагается анализировать отклонения значений параметров геотехнической системы от точки равновесия и скорость изменения этого отклонения. Потенциальный риск возникновения чрезвычайной ситуации определяется для каждого из элементов геотехнической системы (для выработок шахты кровля, почва, борта, например):

– определение риска по значениям информативных параметров во времени

$$R(E^t) = k_1^t R(E_1^t) + k_2^t R(E_2^t) + k_3^t R(E_4^t) + \dots + k_m^t R(E_m^t); \quad (1)$$

– определение риска по отклонениям параметров от точки равновесия на протяжении

период времени Δt

$$R(E^{\Delta t}) = k_1^{\Delta t} R(E_1^{\Delta t}) + k_2^{\Delta t} R(E_2^{\Delta t}) + k_3^{\Delta t} R(E_4^{\Delta t}) + \dots + k_n^{\Delta t} R(E_n^{\Delta t}); \quad (2)$$

определение риска по скорости отклонения параметров за период времени Δt

$$R(E^{v(\Delta t)}) = k_1^{v(\Delta t)} R(E_1^{v(\Delta t)}) + k_2^{v(\Delta t)} R(E_2^{v(\Delta t)}) + k_3^{v(\Delta t)} R(E_4^{v(\Delta t)}) + \dots + k_n^{v(\Delta t)} R(E_n^{v(\Delta t)}); \quad (3)$$

где $R(E^t)$, $R(E^{\Delta t})$, $R(E^{v(\Delta t)})$ являются потенциальными рисками возникновения чрезвычайной ситуации в одном из элементов геотехнической системы, отн.ед. ; $R(E_m^t)$, $R(E_n^{\Delta t})$, $R(E_n^{v(\Delta t)})$ риски определяются значения информативных параметров в момент времени t , отклонения и скорости

отклонений параметров геотехнической системы от точки равновесия для групп m , n и k влияющие факторы, соответственно, отн. ед.: $k_1^t, k_2^t, \dots, k_m^t$;

$$k_1^{\Delta t}, k_2^{\Delta t}, \dots, k_n^{\Delta t}; k_1^{v(\Delta t)}, k_2^{v(\Delta t)}, \dots, k_k^{v(\Delta t)}$$

– нормированные коэффициенты влияния на потенциальный риск отдельных факторов в группе (стандартизированные или нормированные в диапазоне от 0 до 1).

Предложено также объединять геомеханические факторы, представляющие риск потери устойчивости горной выработки, путем интеграции вероятностных оценок информативных параметров состояния массива горных пород и выработки.

Максимальный показатель риска потери устойчивости геотехнической системы «крепь–скальный массив» определяет максимальный уровень риска от всех групп факторов:

$$\left\{ \begin{array}{l} \max R(E^t, E^{\Delta t}, E^{v(\Delta t)}) = k_1^t R(E_1^t), k_2^t R(E_2^t), k_3^t R(E_4^t) \dots k_m^t R(E_m^t) \\ k_1^{\Delta t} R(E_1^{\Delta t}), k_2^{\Delta t} R(E_2^{\Delta t}), k_3^{\Delta t} R(E_4^{\Delta t}) \dots k_n^{\Delta t} R(E_n^{\Delta t}) \\ k_1^{v(\Delta t)} R(E_1^{v(\Delta t)}), k_2^{v(\Delta t)} R(E_2^{v(\Delta t)}), k_3^{v(\Delta t)} R(E_4^{v(\Delta t)}) \dots k_n^{v(\Delta t)} R(E_n^{v(\Delta t)}) \end{array} \right. . (4)$$

Если состояние горной выработки характеризуется комплексом параметров, например, величиной суммарных смещений контура выработки $u(t)$, то они принадлежат одному из дискретных интервалов

$$[\Delta u_1 = u(t_1) - 0], [\Delta u_2 = u(t_2) - u(t_1)], \dots, [\Delta u_n = u(t_n) - u(t_{n-1})].$$

Функция (4) в этом случае будет определять вероятность того, что в интервале времени $0 \dots t_n$, который заключается в выходе контролируемого параметра за пределы допустимой области.

Второй интегральный показатель определяет риск потери устойчивости геотехнической системы по сумме показателей отдельных групп риска:

$$R_{\Sigma}(E^t, E^{\Delta t}, E^{v(\Delta t)}) = k_{\Sigma}^t \sum_1^m k_m^t R(E_m^t) + k_{\Sigma}^{\Delta t} \sum_1^n k_n^{\Delta t} R(E_n^{\Delta t}) + k_{\Sigma}^{v(\Delta t)} \sum_1^k k_n^{v(\Delta t)} R(E_n^{v(\Delta t)}), (5)$$

где $k_{\Sigma}^t, k_{\Sigma}^{\Delta t}, k_{\Sigma}^{v(\Delta t)}$ – коэффициенты для групп факторов (1), (2), (3), нормированные по диапазон от 0 до 1 ($k_{\Sigma}^t + k_{\Sigma}^{\Delta t} + k_{\Sigma}^{v(\Delta t)} = 1$).

Индикатор (4) используется для контроля аварийных состояний геотехнической системы «крепь–скальный массив» и определения доминирующего фактора риска. Индикатор (5) используется для общей оценки текущего состояния безопасности горных работ. При поступлении сигнала на пульт диспетчера или на вход автоматизированной системы управления объектом вырабатывается рекомендация по применению технических и технологических мероприятий, способствующих нормализации геотехнической системы.

Цифровая информационная система, обеспечивающие эффективное управление персоналом промышленных предприятий и контроль напряженно–

деформированного состояния массива горных пород под воздействием горных работ с использованием сетевых технологий и мобильных технических средств. Цифровая технология дистанционного мониторинга безопасности горных работ объединяет сетевую подсистему управления персоналом и экспертную подсистему поддержки принятия решений с учетом геомеханических факторов, критериев и оценок состояния горных пород, рисков потери устойчивости выработки.

Для экспертной оценки устойчивости массива горных пород и горных выработок задаются интегральные показатели риска возникновения аварийных ситуаций для каждого из элементов геотехнической системы по значениям информативных параметров на определенный момент времени, а также отклонениям и скоростям отклонения параметров от точки равновесия за определенный период времени. Применение разработанных методов и цифровых технологий способствует повышению эффективности и безопасности работы предприятия. Безопасность труда обеспечивается повышением эффективности взаимодействия персонала и дисциплинарной ответственности, а также прогнозированием состояний горных пород, экспертной оценкой уровня безопасности горных работ и своевременным реагированием на риски потери устойчивости выработки.

Литература

1. Булат, А.Ф. и Слащов, И.Н. (2012), Разработка компьютерных систем математического моделирования геомеханических процессов. Геотех. мех., 99, 16–27
2. Круковский О., Круковская В. Численное моделирование напряженного состояния слоистых газоносных пород в основании горных выработок. E3S Web of Conferences, *международные очерки конференций по горной науке и практике*, 109(2019). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/201910900043>
3. Полманн Н., Спаренберг М., Сиромашенко И., Килден К. (2014) Безопасная связь и цифровой суверенитет в Европе. В: Раймер Х., Полманн Н., Шнайдер В. (ред.) ISSE 2014. Безопасность электронных бизнес-процессов. Springer Vieweg, Висбаден. https://doi.org/10.1007/978-3-658-06708-3_12
4. Анциферов А.В. [и др.] (2010). Геомеханический мониторинг подземных геотехнических систем. Донецк: Ноулидж
5. Волошин О., Рябцев О. Некоторые важные аспекты механики горных пород и геомеханики. E3S Web of Conferences, *международные очерки конференций по горной науке и практике*, 109(2019). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/201910900114>
6. Шевченко В. Г., Слащев А. И. Обоснование параметров и конструкции информационной системы по безопасности работ на подземных горных работах с учетом геомеханических факторов. Геотех. мех., 128, 70–78



MEHNAT MUHOFAZASI VA XAVFSIZLIKNI BOSHQARISH TIZIMIDA MEHNAT XAVFSIZLIGI MADANIYATI

B.O' Karimov (Qarshi muhandislik–iqtisodiyot instituti “ Mehnat muhofazasi va textika xavsizligi ” kafedrası assitenti)

Annotatsiya: *Maqolada Zamonaviy sharoitda ko'plab tashkiliy va boshqaruv tuzilmalari uchun inson farovonligi ustuvor hisoblanadi. Xavfsiz mehnat sharoitlarini ta'minlashda mehnat madaniyati o'rni inson o'z ishini qanday bajarishi va qanday mehnat muhitida ekanligiga bog'liq. Har bir xodim mehnat faoliyati, uni tashkil etish, rejalashtirish, turli texnologiyalardan foydalanish, xavfsizlik choralari ta'minlash, ish joyini tashkil etish va mehnatga munosabatlari haqida o'ziga xos tasavvurga ega ekanligini ko'p xollarda ish beruvchi nazaridan chetda qoldiradi. Mehnatning mazmunini aniqlash va uni ish joyida tashkil etish (bajarilishi) ma'lum bir mansabdor shaxslar yoki ma'muriyati vakillari nazorati ostida bo'lishi kerak.*

Kalit so'zlar; *Xavfsiz mehnat sharoiti, xavfsizlikni boshqarish tizimi, mehnat madaniyati, jamiyat, xavf, xayot*

Аннотация: *В статье благополучие человека является приоритетом для многих организационных и управленческих структур в современных условиях. Роль культуры труда в обеспечении безопасных условий труда зависит от того, как человек выполняет свою работу и в какой рабочей среде он находится. Работодатель часто игнорирует тот факт, что каждый работник имеет уникальное представление о трудовой деятельности, ее организации, планировании, использовании различных технологий, обеспечении техники безопасности, организации рабочего места и отношениях к труду. Определение содержания работы и ее организация (исполнение) на рабочем месте должны находиться под контролем определенных должностных лиц или представителей администрации.*

Ключевые слова; *безопасные условия труда, система управления безопасностью, культура труда, общество, риск, жизнь.*

Annotation: *In the article, human well-being is a priority for many organizational and management structures in modern conditions. The role of work culture in ensuring safe working conditions depends on how a person performs his work and what work environment he is in. The employer often ignores the fact that each employee has a unique idea about labor activity, its organization, planning, use of various technologies, provision of safety measures, organization of the workplace and relations to labor. Determining the content of work and its organization (execution) at the workplace should be under the control of certain officials or representatives of the administration.*

Keywords: *safe working conditions, safety management system, work culture, society, risk, life.*

Mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridanoq fuqarolarni jumladan, ishchi va xizmatchilarni ijtimoiy holatini yaxshilash, ularning turmush darajasini yuksaltirishga, ish sharoitlarining mehnat muhofazasi texnika xavfsizligi va sanitariya talablari darajasidagi asosini yaratishga katta e'tibor qaratib kelinmoqda. Ta'lim jarayonida ham keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda. Shu jumladan, ishlab chiqarish ham eng zamonaviy texnik vositalar va asbob-anjomlardan foydalanilib kelinmoqda. Inson har qanday muhit sharoitida faoliyat yuritmasin inson va muhit o'rtasida o'zaro qarama-qarshi ta'sir yuzaga keladi. Shu sababli inson faoliyati ikki maqsadga yo'naltirilgan bo'ladi:

1. O'z faoliyati davomida ma'lum samarali maqsadga, manfaatga erishish.
2. Faoliyati davrida yuzaga keladigan ko'ngilsiz holatlarni bartaraf etish, ya'ni faoliyatni xavfsiz va zararsiz bo'lishini ta'minlash

Ko'ngilsiz holatlar deganda insonning hayoti va sog'liga zarar yetishi tushuniladi. Inson faoliyati davomida uning hayoti va sog'ligiga zarar yetkazuvchi har qanday holat, vaziyat, vositalar xavflar deyiladi. Xavflar ta'sirida inson sog'ligiga zarar yetadi, hayoti xavf ostida qoladi va organizmning me'yoriy faoliyati qiyinlashadi.

Davlat va jamiyatning eng muhim vazifalaridan biri fuqarolarning sog'lom va xavfsiz mehnat qilish huquqlarini ta'minlash hisoblanadi. Taraqqiy etgan ko'pgina davlatlarning tajribasi mehnatni muhofaza qilish madaniyatini rivojlantirish xodimlar uchun ham, ish beruvchilar va davlat uchun ham manfaatli ekanligidan dalolat beradi. Mehnat muhofazasi qoidalariga rioya etmaslik mehnat unumdorligi va ishlab chiqarilayotgan tovarlar sifatini pasaytiradi.

O'zbekiston Respublikasida mehnatni muhofaza qilish sohasida davlat siyosatining eng asosiy prinsipi – milliy qonunchilikda kafolatlab qo'yilganidek, xodimlarning ishlab chiqarish faoliyatida hayoti va salomatligini muhofaza qilishning ustuvorligidir. Har sohada inson omili, uning qadr –qimmatini birinchi o'ringa qo'yilib kelinadi. Shu o'rinda aytib o'tish joizki hayotga inson yashash uchun keladimi yoki ishlash uchun keladimi degan savollarga javob izlaymiz, shubhasiz, inson tug'ilishi bilan yashash, erkinlik va baxtga intilish huquqiga ega bo'ladi. Inson o'zining yashash, dam olish, sog'ligi haqida qayg'urish, qulay atrof-muhit, xavfsizlik va gigiyena talablariga javob beradigan mehnat sharoitida ishlashga bo'lgan huquqlarni hayot faoliyati jarayonida amalga oshiradi. Uning bu huquqlari O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida kafolatlangan. [2]

Mamlakatimizda mehnat muhofazasi va uni boshqarishni tashkil etish masalalari bo'yicha Yuldoshev O.R. , G'oyipov X., Yormatov G.Yo. , Isamuxamedov Yo.U., Zokirova N.Q., Abduraxmonov Q. X. , Irmatova A. B. Yunusov B.X. kabi olimlarning o'quv va ilmiy adabiyotlarida o'z aksini topgan. MDH davlatlarida mehnat muhofazasini boshqarish, uni tashkil etishning ilmiy asoslari bo'yicha S.V.Andreev, S.V.Belov, O.S. Yefrimov, M.N.Zinkovskiy, T.Kalymbekov, kabi olimlar ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borishgan.


Xorijiy davlatlarda Phil Hughes, Ed Ferrett , Stavroula Leka, Jonathan Houdmont , byHopkin, Paul, Andrew Hopkins , byHopwood kabi olimlarning ilmiy ishlari diqqatga sazovor hisoblanadi. Zamonaviy sharoitda ko‘plab tashkiliy va boshqaruv tuzilmalari uchun inson farovonligi ustuvor hisoblanadi. Xavfsiz mehnat sharoitlarini ta‘minlashda mehnat madaniyati o‘rni inson o‘z ishini qanday bajarishi va qanday mehnat muhitida ekanligiga bog‘liq. Bunda ish o‘rinlari sifati va mehnatni tashkil etish, mehnatni muhofaza qilish va ishchilar salomatligini saqlash alohida o‘rin tutadi.[1]

Bu, asosan, mehnat sharoitlari yomonligi, mehnat va dam olish tartibi buzilishi, shuningdek, ish beruvchida mehnat madaniyati va rahbarlik etikasi yo‘qli oqibatida ko‘plab sohalarda malakali kadrlar boshqa korxonalarga utib ketishi natijasida, ular o‘rniga boshqasini tayyorlash uchun katta xarajatlarga tushmoqda. Bundan tashqari, texnika va texnologik jarayonlardan foydalanish samaradorligi, sifatli mahsulotlar ishlab chiqarish korxonadagi mehnat madaniyati va umuman olgan shaxsiy madaniyatga bog‘liq.

Har bir xodim mehnat faoliyati, uni tashkil etish, rejalashtirish, turli texnologiyalardan foydalanish, xavfsizlik choralarini ta‘minlash, ish joyini tashkil etish va mehnatga munosabatlari haqida o‘ziga xos tasavvurga ega ekanligini ko‘p xollarda ish beruvchi nazaridan chetda qoldiradi. Har bir inson madaniy rivojlanishda individual darajasiga ega: kimdir uchun u yuqori, boshqalar uchun u pastroq – shuning uchun ham mehnat natijalarida ham sifati ham unumdorligi jixatdan farq qiladi. [3]

Ishlab chiqarishda xodimlar hayoti va salomatligini saqlash, kundalik hayotida mehnat madaniyatini ta‘minlash samarali ko‘rsatkichiga aylangan va shuning uchun mehnat unumdorligi o‘zishini ta‘minlovchi omillardan biri hisoblanadi. “Mehnat madaniyati” algoritmi mehnat madaniyatiga tegishli ishlab chiqarish birligi mehnat faoliyati natijalariga sezilarli ta‘sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan komponentlarni ochib beradi.

Mehnat madaniyati– texnologik talablar, qoidalar va harakatlarga, shuningdek, mehnat mahsuloti sifatiga qo‘yiladigan talablarga qat’iy rioya qilishni, texnologik intizomni tartibga solishni o‘z ichiga oladi. Mehnat madaniyati muayyan ishlab chiqarish faoliyati bilan chambarchas bog‘liq. Binobarin, mehnat madaniyati texnologik intizom, ish joyini oqilona tashkil etish, estetika va ergonomikaga rioya qilish, asbob–uskunalar, materiallar, energiyaga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lish, mehnat samaradorligini aniqlash va tahlil qilish qobiliyatini o‘z ichiga oladi [4].



1-rasm. Mehnat madaniyati xususiyatlari

Mehnat madaniyati eng muhim tarkibiy qismi–xodimlar ish joylarida tegishli sharoitlarni, mehnatni muhofaza qilish va xavfsizlikni ta'minlashdir. Ish joyini tashkil qilishda ma'lum shartlarga rioya qilish kerak:

- uskunani ishlatish va texnik xizmat ko'rsatish paytida barcha zarur harakatlarni ta'minlash uchun yetarli ish maydoni (kamida 4 m² yoki 15 m³);
- erkin harakat zonasi mavjudligi (tez–tez ishlatilishi kerak bo'lgan asbob–uskunalar, jixozlar, materiallar, qurilmalar to'plangan hudud);
- standartlarga mos keladigan ish joyini tabiiy yoki sun'iy yoritish;
- ish joyini qurish va loyihalash jihozlarga tez, sodda, ergonomik va tejamkor texnik xizmat ko'rsatishni ta'minlashi va qulay ish holatini saqlab turishi kerak;
- havo almashinuvi, harorat va namlik uchun gigienik me'yorlar talablariga javob beradigan parametrlar.

Mehnat xavfsizligiga SMQ talablari va davlat standartlari asosida ishlab chiqilgan va belgilangan tartibda qabul qilingan ichki tartib qoidalarga rioya qilish orqali erishish mumkin(MK 212–modda):

- ish beruvchilar binolarni, inshootlarni, jihozlarni ishlatish, texnologik jarayonlarni amalga oshirish, shuningdek, ishlab chiqarishda ishlatiladigan asboblarni, xom ashyo va materiallarni ishlatish jarayonida ishchilar xavfsizligini ta'minlashga majburdir;
- majburiy sertifikatlash yoki deklarasiyadan o'tgan individual yoki jamoaviy himoya vositalaridan foydalanish;
- har bir ish joyida mehnatni muhofaza qilish talablariga javob beradigan mehnat sharoitlarini yaratish va boshqalar.

Ish beruvchidan nafaqat MMXB bo'yicha ishni qanday tashkil qilganligini, balki har bir xodimdan ish jarayonida xavfsizlikni ta'minlash shuningdek, mehnat madaniyati va uni tashkil etish elementlari nazorat qilishi kerak.

Mehnatni insonparvarlashtirish – mehnatni tashkil etish sohalaridan biri yuksak madaniyatni shakllantirish va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish uchun qulay shart–sharoitlarni yaratishni o‘z ichiga oladi. Bu insonni ijodiy shaxs sifatida yuksaltirishga, uning sog‘ligi va mehnat qobiliyatini butun umri davomida saqlashga qaratilgan. Mehnatni insonparvarlashtirishda to‘rt jihati mavjud:[5]

1. Oddiy mehnat sharoitlarini yaratish. Ushbu qoida ko‘plab hujjatlarda mustahkamlangan va o‘zgarmas talabdan kelib chiqadi.

Сейсмик ҳаракатларнинг йўналиши тектоник ҳаракатлар билан боғлиқ ер қарининг тектоник плиталари ва рельефига кўра геодинамика усуллари билан аниқланади. Тектоник ёрилиш, грунтларнинг емирилиши, тоғ жинсларининг деформацияга учраши, шунингдек, дала геофизик ва кондаги табиий жараёнлар. Сейсмик районлаштиришнинг сеймотектоник усулини Ўзбекистон шароитларида қўллаган Р.Н. Ибрагимов (1970, 1978,) томонидан ҳудуднинг сейсмоген фаоллигини характерловчи сейсмоген зоналар концепцияси ишлаб чиқилди. Концепция асосига кучли зилзилалар табиатда мавжуд бўлган фаол тектоник узилмалар зоналарида улар бўйлаб ер қобиғининг блокларини (структуралари) турли силжишлари натижасида ҳосил бўлади деган тушунча қўйилган. Тадқиқотлар уч категорияда нормаланган сейсмоген зоналарни ажратиш имконини берди, яъни интенсивлик, магнитуда қийматлари ва кучли зилзилаларни ўчоқларини чуқурликда жойлашиши бўйича. Ишлаб чиқариш корхоналарида сейсмик хавфли ҳудудларни ажратишнинг палеосейсмогеологик усули Н.А. Флоренсов ва бошқ.(1960), В.П.Солоненко ва бошқ.(1960, 1966, 1968, 1975) томонидан ишлаб чиқилди ва олимлар ўртасида кенг қўлланилди. Бу усулнинг устунлиги бўлиб асбоблар билан ўлчанган маълумотлар умуман йўқ бўлган локал районлар учун ҳам сейсмикликни юқори даражасини қадимги зилзилалар изларини ўрганиш йўли билан аниқлаш мумкин.

Тоғ жинсларининг ҳар бир элементар ҳажми аниқланади. Масса кучлари таъсиридаги емирилишлари купроқ учрайди. Тоғ–кон саноатида фавқулодда вазиятларда конни қазиб чуқурлиги ортаётганида ичидаги иш ҳудудига чегарадош узун деворлар бўйлаб, яқин жойлашган кўмир қатламларида кўплаб операцион тектони бузилишлар пайдо бўлади. Тектоник ёриқлар коннинг барқарорлигини аниқлайди, тоғ–жинсларининг силжиши, емирилиши энг зарур муаммолардан ҳисобланади. Кўмир қазиб олишда техник ва иқтисодий кўрсаткичлари инобатга олинади. Бунда иқлим жараёнларининг таъсири, сув, газ ва ҳаво ҳаракати, ҳарорат ўзгариши, статик ва геодинамик тайёргарлик, тозалаш ва уприлиш жараёнида таъсир этувчи кучлар инобатга олинади. Қазиб олиш вақтида чиқиш йўлагининг катталашishi ҳудудини ортиб бориши билан коннинг катталиги, иш майдони, қазиб чуқурлиги ва қиялик чизигининг тиклиги, ер ости қатлами сувларининг таъсир қилувчи куч омили жиҳатдан ўрни коннинг узоқ муддат хизмат қилиши учун аниқлаб турилади. Шунинг учун филтрлаш ишлари олиб борилади. Кончилик саноатида филтрлаш ишларини амалга ошириш учун қуйидагилар ҳисобга олиниши зарур:


- гидравлик қияликларнинг букилиши ва уларга химояловчи воситаларнинг ўрнатилиши (градиентлар), филтрлаш оқими;
- грунтларнинг жойлашган қатламларини аниқлаш, тектоник ҳаракат натижасида бузилиш юзаси ва кўчки оқими тезлиги;
- ер ости иншоотларида филтрация босимини баҳолаш.

Филтрлаш оқимининг тезликлари ва градиентларининг қийматлари грунтнинг филтрация барқарорлигини аниқлаш учун зарур(суффузия)дир. Филтрлаш босимини ҳисоблаш тузилмалар, бошқа омилларни ўрнатишга имкон беради. Ушбу тузилмаларнинг барқарорлиги, шунингдек, зарурий нарсаларни белгилаш филтрация босимини пасайтириш (тўсиқли панжара ўрнатиш, қозик деворлари, блакировкалаш, понура, экранлар, ёриқлар, дренажлар ва б.) чораларидир. Қозиклар алоҳида (алоҳида турувчи пойдеворлар товонида), лентасимон (кенглиги узунлигига нисбатан анча кам бўлган пойдеворларда бир ёки икки қатор бўлиб) ва қозиклар майдони (яхлит пойдеворларда) кўринишида жойлашуви мумкин. Қозикларни бирлаштирувчи конструксия ростверк, қозиклар ва ростверк биргаликда қозикли пойдевор дейилади. Қозикли пойдеворлар паст ва баланд ростверкли бўлиши мумкин (9.1–расм). Баланд ростверкли қозиклар амалда кўприк, дарё ва денгиз соҳиллари иншоотлари пойдеворларида қўлланилади. Қозикли пойдеворларни барпо этишда ёғоч, бетон, темирбетон ва пўлат


маҳсулотларидан фойдаланиш мумкин. Айни пайтда тоғ–кон ишлаб чиқариш саноатида кўпроқ ёғоч қозикли тусиқлардан фойдаланилади.



1 – Расм ишлашига кўра қозикли пойдеворларнинг турлари: а – осма қозикли; б – устун қозикли; 1 – девор; 2 – ростверк; 3 – қозиклар



2 – Расм паст ростверкли (а) ва юқори ростверкли (б) пойдеворлар



3 – Расм. Эшкаксимон қозикли пойдеворлар.

Конни казиб олиш жараёнида чуқурликнинг ошиши кон–геологик ишларни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Бу грунтларнинг тектоник ва сейсмик бузилиш эҳтимолини оширади, грунтларнинг глобал ва маҳаллий кулаши, кондаги тоғ–жинсларининг сиқилиб қолиши, тоғ жинслари, кўмир ва газнинг эмиссияси, газ ва чанг портлашлари, улар биргаликда кон ишларининг муҳим авария даражасини олдиндан белгилаб беради. Юқори жароҳатлар даражаси, иш жойи – кон ичи ва кўмир казиб олишда касбий касалликлар умумий кўмир конларининг саноат, иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада пасайтиради. Хавфсизлик муаммосини ҳал қилишда "инсон омили" жуда муҳим ўрин эгаллайди. Конларда тектоник ва сейсмик бузилишлар фожиали оқибатларга олиб келади. Кончилик саноатида бахтсиз ҳодисаларнинг тахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун бетон, темирбетон ва пўлат маҳсулотларидан ясалган тусиқлардан фойдаланиш муҳум ҳисобланади.

Тусиқларни ўрнатишда тоғ–жинсларининг бузилишида, сув оқимининг кутарилиш жараёнида филтрлаш оқимининг бузилиши вақтида эътиборсизлик ёки технологик жараёни амалга оширишда ходимнинг тажрибасизликлари сабабли конларда фавқулодда хавфлар пайдо бўлади. Буни олдини олиш учун сейсмик тектоник бузилишларнинг олдини олиш учун кончилик саноатида креакли чора–тадбирларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нурмаматова Р.Р., Абдуллаев А.Х. Кон ва геология соҳасида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини учун тоғ жинслари ва тупроқларининг мустаҳкамлигини ошириш усуллари тадқиқ қилиш.//

Ёнғин–портлаш хавфсизлиги. Илмий–амалий электрон журнал. Т. № 2(7), 2022.–Б. 343–350.

2. Нурмаматова Р.Р., Абдуллаев А.Х. Конларда кучланишлар таъсирида грунтлар уюмини баҳолаш усуллари тадқиқ қилиш. Ёнғин–портлаш хавфсизлиги.// Илмий–амалий электрон журнал. Т. № 2(7), 2022.–Б. 375–382.

3. Нурмаматова Р.Р. Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларининг портлаш хавфини камайтиришни назарий ва экспериментал асосларини такомиллаштириш// Дис. т.ф.д.(DSc). – Т.: – 2022. – Б.200.

4. Ахметов А.Ф. Системный подход к совершенствованию управления охраной труда в организации: автореферат дис. ... канд. экон. наук: /– М. – 2013. – 21 с.

5. Браун Дэвид Б. Анализ и разработка систем обеспечения безопасности (системный подход к технике безопасности). – М.: Машиностроение, 1979. – 40 с.

6. Галкин А.В. Снижение риска травмирования персонала горнодобывающего предприятия путем совершенствования нарядной системы: дис. ... канд. техн. наук: 05.26.01 / – М., 2011. – 145 с.

7. Голубев М.Г. Снижение травматизма на угольных шахтах на основе выявления и устранения производственных конфликтов: дис. ... канд. техн. наук: – Челябинск, 2004. – 127 с.

8. Легасов В.А., Чайванов Б.Б. Научные проблемы безопасности современной промышленности // Безопасность труда в промышленности. – 1988. № 1. С. 24–28.

9. Савон Д. Ю., Самарина В. П. Влияние параметров производства по переработке отходов угледобычи и обогащения на состояние окружающей среды / Современные проблемы горно–металлургического комплекса. Наука и производство. Материалы Четырнадцатой Всероссийской научно–практической конференции, с международным участием. — 2017. С. 305–309.

10. Савон Д.Ю. Современные подходы к системе промышленной безопасности на угольных предприятиях ISSN 0236–1493. Горный информационно–аналитический бюллетень. 2018. № 11. С. 227–235

11. Іконніков М. Ю. І друзи. Математичне моделювання в задачах оцінки ефективності та безпеки гірничих робіт. Монографія. М–во образования и науки Украины, Нац. горн.ун–т. – Днепропетровск: НГУ, 2015. – 215 с.

12. Голинько В.И. Контроль взрывоопасности горных выработок шахт / В.И. Голинько, А.К. Котляров, В.В. Белоножко. – Днепропетровск: Наука и образование, 2004. – 208 с.

13. Дубов Е.Д. Концепция безопасности в угольной промышленности должна быть пересмотрена / Е.Д. Дубов, Е.П. Мухин, П.Е Мухин // Уголь Украины. – 2003. – №6. – С 3–16.



ХОРИЖИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТОҒ–КОН САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ФАВҚУЛОДДА КЎЗАТИЛАЁТГАН БАХТИСИЗ ХОДИСАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Т.ф.ф.д (PhD), Абдуллаев Аброр Хушмуротович (Мирзо Улугбек
номидаги Ўзбекистон Миллий университети)

Аннотация. Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, саноатнинг катта қисмини тоғ–кон саноати ташкил этади. Илимий изланишлар давомида таҳлил этилган 40 та энг йирик тоғ–кон компаниясининг даромади 2021 йилда қарийб 925 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Тоғ–кон саноатининг иқтисодий соф фойдаси 2010 йилда 25 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилга келиб 15 фоизга камайди. Бунга сабаб, конларда хавфларнинг ошиши эвазига коннинг яроқсиз аҳволга келиб қолгани учун у ерда ишлашнинг имкони йўқлиги, конларнинг чуқурлашиб кетиши, кондаги технологияларининг эскириши туфайли портлаш ва ўпирилиш ҳодисаларининг содир бўлишидир. Дунё бўйича асосий минерал хом ашёлар ер ости ва ер усти кончилик саноати орқали етказиб берилади. Ҳозирги вақтда замонавий юқори технологияларга эга барча саноат соҳалари ривожланган бўлсада, ноёб қазилмалар ер ости конларига боғлиқдир. Кўмир, газ ва бошқа минерал хом ашёлар ҳали ҳам етакчи глобал энергия манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун тоғ–кон саноати жаҳон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Тоғ–кон, кончилик, кўмир, газ, глобал, чанг, статистика, портлашлар, углерод, кон, метан.

Аннотация. По данным мировой статистики, большая часть отрасли — горнодобывающая. Выручка 40 крупнейших горнодобывающих компаний, проанализированных в ходе научных исследований, в 2021 году составила около 925 миллиардов долларов США. Экономическая чистая прибыль горнодобывающей промышленности снизилась с 25 процентов в 2010 году до 15 процентов к 2021 году. Причина этого в том, что из-за увеличения рисков в шахтах работать там невозможно из-за того, что шахта пришла в негодность, углубления шахт, возникновения взрывов и взрывов из-за морального устаревания технологий в шахте. Основное минеральное сырье в мире добывается подземными и открытыми горнодобывающими предприятиями. В настоящее время развиты все отрасли промышленности с современными наукоемкими технологиями, но редкие полезные ископаемые зависят от подземных рудников. Уголь, газ и другое минеральное сырье по-прежнему остаются одними из ведущих мировых источников энергии. Поэтому горнодобывающая промышленность важна для мировой экономики.

Ключевые слова: Горное дело, добыча полезных ископаемых, уголь, газ, мир, пыль, статистика, взрывы, углерод, добыча полезных ископаемых, метан.

Annotation. According to global statistics, the majority of the industry is mining. The top 40 mining companies analyzed in the research had revenues of about US\$925 billion in 2021. The mining industry's economic net profit has declined from 25 percent in 2010 to 15 percent by 2021. The reason for this is that due to the increase in risks in the mines, it is impossible to work there because the mine has become unusable, the deepening of the mines, the occurrence of explosions and explosions due to the obsolescence of technologies in the mine. The world's major mineral resources are mined by underground and open-pit mining. Nowadays, all branches of industry with modern high-tech technologies are developed, but rare minerals depend on underground mines. Coal, gas, and other mineral raw materials remain among the world's leading sources of energy. Therefore, the mining industry is important for the global economy.

Keywords: Mining, mining, coal, gas, world, dust, statistics, explosions, carbon, mining, methane.

Кончилик саноати бундан ўттиз йил аввал энг кўп ишчилар ишлайдиган ва асосий меҳнат механик усулда бажариладиган йирик корхоналардан бири бўлган. Ана шундай йирик саноат корхонасида юз берган фавқулдда ҳолатлар жуда кўп ишчиларнинг ҳаётига зомин бўлган. Масалан, Хитойнинг Чиангкинг вилоятидаги коннинг портлаши (1999 йил 3 септябр) 7000 киши, Шарқий Германиянинг Ёханнсгеоргенд штатидаги уран кони портлашида (1989 йил 29 ноябр) 3700 киши, Хитойнинг Манчурия провинциясининг Хонкеико конида кўмир чангги портлаши (1991 йил 12 феврал) оқибатида 1549 киши ва Франциянинг Курер вилоятидаги конда кўмир чангги портлаши (1996 йил 10 март) 1060 киши ҳалок бўлган.

Сўнгги ўн йил ичида конларда кўмир чанги ва газ портлашлари натижасида энг жиддий хавфнинг икки тури; кончилар ҳаётига таҳдид солиш ва миллий бойлик нуқтаи назаридан иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлди. (1–жадвал).

1–жадвал

Дунёдаги конларнинг энг ҳалокатли портлаши бўйича маълумотлар

№	Конларда содир бўлган портлашлар	Бахтсиз ходиса санаси	Қурбон бўлганлар ва жароҳат олганлар сони
1	Туркия шимолидаги Бартин вилоятидаги шахтада портлаш содир бўлди.	2022 йил 14 октябр	40 киши ҳалок бўлган.
2	Кемерово вилоятининг Белово шахридаги Листвяжная кони метан портлаши содир бўлди.	2021 йил 25 ноябр	52 киши ҳалок бўлган.
3	Хитойнинг жануби–ғарбий қисмидаги Чонгкинг шахридаги кўмир конида углевод оксиди чиқиши содир бўлди.	2020 йил 27 сентябр	16 киши ҳалок бўлган.
4	Хитойнинг Гуйчжоу провинциясидаги кўмир конида газ портлади.	2019 йил 17 декабр	14 киши ҳалок бўлган.

5	Покистоннинг Балужистон вилоятида иккита кўмир шахтаси кулаб тушди. газ портлаши туфайли содир бўлган	2018 йил 5 май	18 киши ҳалок бўлган.
6	Эроннинг Гулистон вилоятининг Азадшаҳр шаҳри яқинидаги кўмир конида портлаш содир бўлди	2017 3 май	42 киши ҳалок бўлган.
7	Лвов вилояти Глухов қишлоғида жойлашган “Степная” конида метан портлади, шундан сўнг тош кулаб тушди.	2017 йил 2 март	10 киши ҳалок бўлган, 7 киши яраланган.
8	Ҳиндистоннинг Жхарханд штатида Ламатиядаги (Годда тумани) кўмир конида шахта кулаб тушди.	2016 29 декабр	16 кончи ҳалок бўлган.
9	Хитойнинг Хубей провинциясида Синтсзя кўмир конида газ портлаши содир бўлди.	2016 йил 5 декабрь	11 киши ҳалок бўлган.
10	Хитой шимолидаги Ички Мўғулистон автоном туманидаги кўмир конида портлаш содир бўлди.	2016 йил 3 декабр	17 киши ҳалок бўлган.
11	Хитойнинг Чунгсин муниципалитетига қарашли Лайсу шаҳридаги хусусий кўмир конида портлаш содир бўлди.	2016 йил 31 октябр	33 кончи ҳалок бўлган.
12	Хитой шимоли–шарқидаги Ляонин провинцияси Бенси шаҳрида ноқонуний кўмир конида ёнғин чиқди.	2016 йил 4 июл	11 киши ҳалок бўлган.
13	Хитойнинг Шанси провинциясидаги Шанхи Датонг Соал Мине Групп компаниясига қарашли шахтада юз берди.	2016 йил 24 март	19 киши ҳалок бўлган.
14	Хитой шимоли–шарқидаги Ляонин провинциясининг Хулудао шаҳридаги тоғ–кон компаниясининг шахталаридан бирида пайвандлаш ишлари натижасида ёнғин содир бўлди.	2015 17 декабр	13 киши ҳалок бўлди, яна 10 киши яраланган.
15	Хейлунсзян провинциясида (Хитой) шахтада ёнғин содир бўлди.	2015 йил 1 ноябр	27 киши ҳалок бўлган.
16	Хитой жанубидаги Гуйчжоу провинциясидаги кўмир конида кўмир чангги ва газ портлади.	2015 йил 12 август	12 киши ҳалок бўлган, 7 жароҳатланган.
17	Донецк Халқ Республикаси ҳудудидаги Засядко конида портлаш содир бўлди.	2015 йил 4 март	33 та кончи ҳалок бўлди, 16 нафари яраланган.
18	Хитойнинг Хейлунсзян провинциясининг Жиси шаҳридаги кўмир конида газ портлаши содир бўлди.	2014 14 декабр	15 киши ҳалок бўлган.
19	Хитойнинг Гуйчжоу провинциясидаги шахтада портлаш содир бўлди.	2014 йил 27 ноябр	11 киши ҳалок бўлган.
20	Хитойнинг Ляонин провинциясидаги энг йирик давлат корпорацияси Фухин Соал корпорациясининг шўба корхонаси Хенгда Соал конида ёнғин содир бўлди.	2014 йил 26 ноябр	28 киши ҳалок бўлган.
21	Туркия жанубидаги Караман вилоятидаги Эрменек шаҳри яқинидаги шахтада тош кулаши ва ундан кейин сув тошқинлари содир бўлди.	2014 йил 28 октябр	18 кончи ҳалок бўлган.
22	Хитой шимоли–ғарбидаги Шинжон–Уйғур автоном вилоятининг (ШУАР) Урумчи шаҳри яқинидаги кўмир конида ўпириш аварияси содир бўлган.	2014 йил 24 октябр	16 киши ҳалок бўлди, 11 киши жароҳат олган.
23	Хитойнинг Шинжон–Уйғур автоном раёнидаги (ШУАР) кўмир конида портлаш содир бўлди.	2014 йил 5 июл	17 нафар кончи ҳалок бўлган.

24	Туркиянинг Сома қишлоғида, Истанбулдан 250 километр жанубда, тахминан икки километр чуқурликда конда ўпириш ҳодисаси юз берди. Ўпирилишга ёнғин ва портлаш содир бўлган қисқа туташув сабаб бўлган.	2014 йил 13 май	203 киши ҳалок бўлган.
25	Хитой жануби–ғарбидаги Юннан провинциясининг Кутсзин шаҳридаги хусусий кўмир конида газ портлаши содир бўлди.	2014 йил 21 апрел	13 киши ҳалок бўлган.

Кўмир чанги ва газ портлашларининг баҳолаш усулини тадқиқотчи У.Задеҳ грунт ёриқлар асосида сизиб чиққан кўмир чанги ва газларнинг портлаши ҳисобига содир бўлишини ўз назариясида ишлаб чиқди. Бундан ташқари, бундай портлашлар билан боғлиқ хавфлар кўмир конлари учун баҳоланди. Унга кўра, асосий ҳодисаларнинг грунт ёрилиш эҳтимолликлари тажриба натижасида олинган ва кейинчалик бу тажриба хулосалари барча бахтсиз ҳодисаларнинг асосий қийматини ҳисоблаш учун грунт миқдорлари ва рудалар тури сифатида тўпланган. Кейинчалик ушбу қийматлар тартибланди. Конлардаги қазилма бойликлар турига қараб хавфсизлик чоралари қўлланилади. Масалан, биргина кўмир конларида бир неча хил кўмир турлари қазиб олинади:

Жигарранг кўмир (лигнит). Торфдан ҳосил бўлган қаттиқ қазилма. 65–70% углерод мавжуд, улар кимёвий хом ашё ва ёқилғи сифатида ишлатилиши мумкин. Бироқ, охирги ҳолатда, сув ва ўзгарувчан моддаларнинг юқори миқдори туфайли, у паст ёниш ҳарорати ва самарадорлиги билан ажралиб туради.

Тош кўмир. Бу кўмир оз миқдордаги минерал аралашмалар билан юқори масса улуши, шунингдек сув ва ўралган моддалар билан юқори молекуляр поликли суюқликларнинг аралашмаси. Таркиби қараб, унда 75–95% углерод бўлиши мумкин. Бу 3 км чуқурликда жигарранг кўмирдан ҳосил бўлган маҳсулот. Кўмир инсон томонидан энергия, металлургия, кимё, нефть ва қурилиш саноатида ишлатиладиган қимматбаҳо минерал ҳисобланади. У ҳали ҳам глобал энергия сарфининг 29 фоизини ва кокс, бўёқ, пластмасса, фенол, нафтален ва ўғитларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни таъминлайди.

Антрацит. Энг чуқур қазиладиган ва юқори даражадаги газни ташкил этади. Унинг ядросида тош кўмир ва графит ўртасидаги 95% углерод мавжуд. У асосан графит ва электродларни олиш иши учун ишлатилади.

Графит. Бу минерал она элементлар синфидан, углероднинг аллоотропик модификацияларидан биридир. Бу электр тоқул оқимининг пастлиги ва яхши ўтказувчанлиги билан тавсифланади, шунинг учун ядро реакторларидаги оқимлар, электродлар, қаттиқ мойлаш материаллари, нейтрон сустлашлари учун хом ашё сифатида ишлатилади. У синтетик олмосларни, пластмасса пластикларини олиш учун, шунингдек, баллистик ракеталаридаги қурол–аслаҳа бўлимларини иссиқликдан ҳимоя қилиш ва космик кемаларни алоқаларини қайтариш учун ишлатилади.

Ғарбий мамлакатларда тизимни бироз бошқача баҳолаш: битумли, субистония, графит ва антацитлар каби кўмир турлари мавжуд. Дарахтдан кейин кўмир инсоният томонидан ишлатиладиган қазилма ёқилғининг биринчи турига айланди. Бундай хом ашёларнинг 1 кг ни ёқиш, биз 3400–7200 кК энергия олишимиз мумкин. Ушбу хом ашё саноат инқилобининг двигатели эканлиги ажабланарли эмас: 1960 йилгача бу дунё электр энергиясининг 50 фоизини таъминлаган кўмир қазиб олинди.

Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, умумий геологик – углерод ҳудудлари кон ҳавзалари ўрганилган бўлиб, захираларнинг кўп қисми қазиб олинган, ҳозирги кунда захира кўмир конларида тахминан қўйидагича кўмир мавжуд:

Захира кўмирлар – 14 311 153 млн тонна;

Тош кўмир – 9 428 427 млн тонна;

Жигарранг кўмир – 4 882 726 млн тонн.

Қитъалар ва қуруқлик қисмларига кўра, минерал қўйидагича тақсимланади: Осиё – 50 %; Шимолий ва жанубий Америка — 30 %; Европа – 15 %; Австралия, Африка, Океания — 5 %.

2021 йилда Буюк Британиянинг трансмиллий нефть ва газ компанияси томонидан Жаҳон кўмирини қазиб олиш мамлакатларининг ўзига хос рейтинги (эк.Жда) эълон қилинди: Хитой – 85,15, Индонезия – 15,15, Ҳиндистон –13,47, Австралия –12,43, АҚШ –11,65, Россия – 9,14, ЮАР — 5,55, Козоғистон – 2,09, Польша – 1,76, Колумбия – 1,71, Германия –1,15, Канада – 1,14, Вьетнам – 1,12, Туркия – 0,75, Монголия – 0,62, Украина – 0,54, Чехия – 0,43, Сербия– 0,28, Болгария –0,2, Мексика – 0,18, Таиланд – 0,15, Покистан –0,14, Руминия – 0,13, Бразилия – 0,12, Зимбабве – 0,09, Янги Зеландия – 0,08, Греция – 0,06, Ўзбекистан – 0,06, Венгрия – 0,03, Буюк Британия – 0,03.

Жами 2021 йилда дунё бўйича 167,58 эк.Ж кўмир қазиб олинган. 2021 йилда жаҳонда кўмир қазиб олиш 5,7% га ўсди, бу режадан бироз ошиб кетди. Шу билан бирга, энергия манбааси сифатида 2021 йилдан кўмир қазиб олиш саноати яна қайта ривожланмоқда. Европада кўмирнинг ривожланиши икки омилнинг иссиқлик ва электр энергияси қимматлашгани натижасида 11,9% га ўсди. Германияда кўмир қазиб олиш суръатларининг максимал даражада кенгайиши – 17,7 фоизга етказилган. Иккинчи ўринда Туркия 15%, учинчи Польшада 6,9% ни ташкил этди.

Бошқа ҳудудларда ишлаб чиқариш суръати: Шимолий Америкада 8 %, Россияда 8,8%, МДХ мамлакатларида эса 7,4 фоизга кўпайди. Осиё давлатлари (жаҳон кўмирининг 70%), ўртача, кенгайиши 6,1% га. Агар биз махсус мамлакатларда кўриб чиқсак: Ҳиндистон 9,8%, Хитой эса 5,1% га ўсди. Шундай қилиб, қаттиқ ёқилғининг жаҳон бўйича истеъмоли йилига 7744 миллион тоннагача ошди ва бунда етакчи мамлакатлар Хитой, Россия,

Ҳиндистон, Германия ва АҚШ ҳисобланади. Кўмирга бўлган талаб ортиши уни ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишини билдиради.

Конларда қазилар ишлари жадал ривожлангани билан уларда хавфсизлик тизими ханузгача тўлиқ таъминланмаган. Тадқиқот таҳлилига кўра, кўмир конларининг кундалик хавфсизлигини таъминлашда асосий хавфларни аниқлаш энг муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, газ ва кўмир чанглари портлашларини олдини олиш хавфсизликни таъминлашнинг самарали усулидир. Тоғ–кон саноати ишлаб чиқариш саноат тизимида энг хавфи юқори ва хавф–хатарнинг мураккаб ҳолатлари кўплиги билан ажралиб туради. Айниқса, ер ости конлари корхоналари хавфсизлик тизими билан тўлиқ таъминланмаган. Бу эса, хавфсизлик тизимига катта эътибор қаратишни, шу соҳада илмий тадқиқотлар куламини кенгайтириш заруриятини оширади.

Жаҳонда BP Statistical Review of World Energy Coal компаниясининг статистик маълумотларига кўра, кўмир энергияси олишда конларнинг яроқлиги чекланган бўлиб, аксарият конлар эскирди. Жумладан, конларда иш фаолияти бошлаган даврга йиллар ҳисобида қуйидагича вақт берилган:

Россия ва ҳамдўстлик мамлакатларида конлар ўртача – 397 йил;

Шимолий Америкадаги конлар – 335 йил;

Европадаги конлар – 159 йил;

Жанубий Америкадаги конлар – 141 йил;

Осиё ва Тинч океани давлатлари конлари – 79 йил;

Ўрта Шарқ ва Африка давлатларидаги конларга – 53 йил бўлган.

Россиядаги конлар анча эскирган бўлиб, эски конларда хавф–хатарлар кўрсаткичи ҳам ошиб боради. Чунки, ускуналарнинг, тиргакларнинг панжара ва тўсиқларнинг эскиргани ҳисобидан грунт емирилишлари ортади ва кўмир чанггининг кўп миқдорда йиғилиб қолиши сабабли, портлаш хавфи ҳам кўпаяди.

Россиянинг Кемерово вилоятининг “Листвяжная” конида 2021 йил 25 ноябрь куни кўмир чангги портлаши натижасидаги техноген офатда воқеа жойида 52 киши вафот этган, 106 киши жароҳатланган. Ўлганлар орасида 11 та кончилик кишларида қатнашган қутқарувчилар. Портлашга лаванинг кўп миқдорда чиқиши, портловчи чанг–ҳаво аралашмасининг руҳсат этилган концентрациядан ошгани ва бундай шароитда электр жиҳозларининг ишлаши, газ анализатор тизимининг ишлашига аппарат ва дастурий таъминот аралашуви, яъни, каттароқ босимга руҳсат берилиши сабаб бўлган. Фавқулодда вазиятнинг асосий ташкилий сабаблари орасида Ростехнадзор ҳужжатларида хавфсизликни бошқариш натижалари бузиб кўрсатилгани, газ анализаторлари маълумотларини, шунингдек, ортиқча юклама билан ишлаш кабилар эътиборсиз қолдирилгани аниқланган.

Коннинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 5,2 миллион тонна кўмир. Юкнинг 2020 йилдаги даромади 9,4 миллиард рубл, соф фойда – 836,7 миллион рублни ташкил этди. Конда 1700 дан ортиқ киши ишлайди. Бундай

катта конларнинг вайрон бўлиши нафақат фойда олишни тўхтатади, балки катта миқдорда иқтисодий зарарга ҳам олиб келади. 2021 йил ноябрь ойидаги ҳалокатдан олдин ҳам бу конда иккита катта бахтсиз ҳодиса содир бўлган. 2011 йил 24 январда тортилган арқон узилиши туфайли, метан портлаши натижасида 5 киши ҳалок бўлган ва 2014 йил 28 октябрда метан–газ аралашмаси портлашидан 13 киши вафот этган. Содир бўлган воқеадан сўнг, кон муҳандиси ва техник ходимлари жавобгарликка тортилган.

Россияда 2021 йилда конларнинг меҳнат хавфсизлиги бузилишлари бўйича ўтказилган 127 та текширувларда 914 та қонун бузилишлар аниқланган. Хавфли деб топилган 9 та коннинг ишини тўхтатди ва жарималар 4 миллион рублдан ошди. Текширув ўтказишда қатнашган мутахассисларнинг фикрича, кон раҳбари сенсорларни муҳраб қўйган, шунинг учун метан концентрациясининг ҳақиқий даражаси яширилган. Бу каби Камерово конидаги ҳалокат Россиядаги биринчи ҳолат эмас, аввал ҳам бир неча марта бундай техноген, бахтсиз ҳодисалар содир бўлганини 2–жадвалда кўриш мумкин.


2–жадвал.

**Россия ҳудудида жойлашган конларда содир бўлган портлашлар
оқибатларининг таҳлили**

№	Бахтсиз ҳодиса юз берган коннинг жойлашган ҳудуди	Бахтсиз ҳодиса бўлган вақт	Бахтсиз ҳодисага сабаб бўлган ҳолат	Қурбон бўлганлар ва жароҳатланганлар сони
1	Камерово вилоятининг “Листвяжная” кони	2021 йил 25 ноябр	Портлашга лаванинг кўп миқдорда чиқиши, портловчи чанг–ҳаво аралашмасининг руҳсат этилган консентрациядан ошгани ва бундай шароитда электр жиҳозларининг ишлаши, газ анализатор тизимининг ишлашига аппарат ва дастурий таъминот аралашуви, яъни, каттароқ босимга руҳсат берилиши сабаб бўлган.	52 киши вафот этган, 106 киши жароҳатланган.
2	Камерово вилоятининг “Листвяжная” кони	2011 йил 24 январ	тортилган арқон узилиши туфайли, метан газини портлаши содир бўлган.	5 киши ҳалок бўлган
3	Камерово вилоятининг “Листвяжная” кони	2004 йил 28 октябр	Метан–газ аралашмаси портлашга сабаб бўлган.	13 киши вафот этган
4	Новокузнецк шаҳридаги Юбилейная кони	2007 йил 24 май	Метан ва газ–ҳаво аралашмаси портлашига қисқа туташув сабаб бўлган.	217 киши воқеа жойида, 39 киши

	(2–расм)			касалхонада ҳалок бўлган.
5	Челябин вилоятининг Марказий кони	2013 йил	Конвейер лентадаги кўмир чангининг олови бир неча соат оралиғи билан бир қатор портлашларга олиб келган.	Ўлган 28 кишининг аксарияти конга келган қутқарувчилар.
6	Кемерово вилояти Зыряново кони (3–расм)	2007 йил 2 декабр	Метан тўпланган кон ҳавзасига арқонларнинг эскириши туфайли ўз–ўзидан детонатор тушиб кетган. Натижада дизель ёқилғиси кўмир чанг билан ўзаро алоқада бўлган кислородли компонент ҳосил бўлиб, портлаш юз берган.	67 киши ҳалок бўлган.
7	Кемерово вилояти Ульянов кони	2007 йил 19 март	Метан аралашма кўмир чангги портлашига хавфсизлик талабларига риоя этмаслик ва газни бошқариш тизими ўчирилмагани сабаб бўлган.	110 киши вафот этган.
8	Кемерово вилояти Распад кони	2010 йил май	Тўрт соатлик фарқ билан иккита портлаш содир бўлган. Британия хавфсизлик йўриқномасига кўра, ишлаб чиқаришнинг хавфсиз даражаси кунига 8 минг тоннадан ошмаслиги керак, конда аслида эса, 21,5 минг тоннага етган. Бундай ишлаб чиқаришнинг ортиши, биринчидан, кон муҳотида рудалар чанггини оширади, иккинчидан ишдаги ускуна ва жиҳозларнинг қизиб кетишига олиб келади.	91 киши ҳалок бўлган
9	Кемерово вилояти “Северная” кони	2016 йил 25 феврал	Метан–газ сабабли икки марта портлаш содир бўлган, натижада конда ўпирилиш ҳодисаси юз берган. Портлаш хавфсизлик талаблари, газанализатор тизимидаги назорат қурилмаларининг бузилганлиги туфайли содир бўлган	37 киши вафот этган
10	Осинники худудидаги “Юзхозбассугол”га қарашли “Тайжина” кони	2004 йил 10 апрел	Портлашга кўп миқдордаги метан–газ концентрациясига учқун тушиши сабаб бўлган.	47 киши ҳалок бўлган
11	Новокузнецк шахридаги Эшовул кони	2005 йил 9 феврал	Бахтсиз ҳодиса метан концентрацияси кескин ўсгани, занжирнинг ишлаб чиқилган қисмидаги оловни ўчириш пайтида юз берган.	28 киши ҳалок бўлган

12	Новокузнецк шахрида (Юзхозбассугол)	2007 йил 19 март	Метан–газ аралашмаси ва кўмир чангининг портлашларига атайлаб компьютерларни ва ҳимоя қилиш ускуналарини ўчириб қўйганлиги сабаб бўлган.	110 киши ҳалок бўлган
13	Кемерово вилояти Междуреченск кони	2014 йил 8–9 май кунлари	Икки марта метан портлаши содир бўлган.	91 киши вафот этган, 100 киши жароҳатланган.
14	КОМИ Республикасида Воркутинская худудидаги Ворсунтангол кони	2013 йил 11 феврал	Метаннинг портлаши 800 м чуқурликда содир бўлган	19 киши ҳалок бўлган, иккита жароҳатланган
15	Ворсунтангол кони Сотная минасида	2016 йил 25–28 феврал	780 м чуқурликда метан ва рудалар парчаланишига олиб келган иккита портлаш пайдо бўлган. 2016 йил 28 феврал кечқурун қутқариш жараёни пайтида учинчи портлаш содир бўлган.	36 киши вафот этган, 5 киши жароҳатланган



2–расм. Кемерово вилояти Зыряново конида метан тўпланган кон хавзасига арқонларнинг эскириши туфайли детонатор тушиб кетиши натижасида келиб чиққан фавқулодда ҳолат.

Конлардаги хавфларга конларнинг емирилиш, портлаш, ўпирилиш ва сув босиш каби хавфлар кириб, бунга, конларнинг эскириши ва грунтларнинг таркиби, зарба кучланишлари, ортиқча грунт уюмларининг йиғилиши, кон чуқурлигининг ортиши кабилар сабаб бўлиши аниқланди. Кондаги қатламларнинг вақт ўтиши билан стрессларга боғлиқ ҳолда нурашлари, қатламнинг бардошлилик чегараси билан ўлчаниши, қаттиқ устун грунтлар ва қатламлар учун қўйилган тиргаклар ҳамда панжаралардаги нуксонлар бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши таҳлил қилинди. Коннинг газланиши сабабли, ҳосил бўлган метан–ҳаво аралашмасининг портлаш хавфи ҳамда конда юқори

харорат манбаи мавжудлиги учкун туфайли ёниш ва портлаш содир бўлишига, катта ҳажмли конларда метан газини кўпилиги, чуқурликнинг ортиши, концентрациясининг кўпайиши, интенсивлашуви каби хавфлар мавжудлиги таҳлил қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нурмаматова Р.Р., Абдуллаев А.Х. Конларда кучланишлар таъсирида грунтлар уюмини баҳолаш усуллари тадқиқ қилиш. Ёнғин–портлаш хавфсизлиги.// Илмий–амалий электрон журнал. Т. № 2(7), 2022.–Б. 375–382.
2. Галкин А.В. Снижение риска травмирования персонала горнодобывающего предприятия путем совершенствования нарядной системы: дис. канд. техн. наук: 05.26.01 / – М., 2011. – 145 с.
3. Голубев М.Г. Снижение травматизма на угольных шахтах на основе выявления и устранения производственных конфликтов: дис. ... канд. техн. наук: – Челябинск, 2004. – 127 с.
4. Геомеханічний моніторинг підземних геотехнічних систем / А.В. Анциферов, С.І. Скіпочка, А.О. Яланський, Т.А. Паламарчук, О.М. Брюханов, Г.І. Колчин, В.І. Голінько, Ю.Б. Грядущий, О.В. Агафонов, В.Б. Усаченко. – Вид–во «Ноулідж», 2010. – 253 с.

УДК. 614.841+331.45

ТЕМИР–БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР УЧУН ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ЁНГИНДАН ҲИМОЯЛОВЧИ ҚОПЛАМАНИНГ ОПТИМАЛ ҚАЛИНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

*Х.Г.Азимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институтини),*

*т.ф.д. (DSc) профессор Б. Т. Ибрагимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ
Академияси),*

*т.ф.ф.д (PhD) доцент Ж. Рашидов (Тошкент архитектура–қурилиш
университетини),*

*Д.Г. Рашидов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институтини)*

Аннотация: Ушбу мақола матнида темир–бетон конструкциялар учун юпқа қатламли ёнгиндан ҳимояловчи қопламанинг оптимал қалинлигини аниқлаш ва 3 мм қатламлардаги акрил сополимерлари асосида ёнгиндан ҳимояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композит асосли қоплама сифатида фойдаланиш олов синовлари вақтида қопламанинг кўпикли қатламининг максимал даражадаги қалинлигига эришиш имконини беради. Бу мумкин бўлган энг паст иссиқлик ўтказувчанлигини ва бетоннинг секин қизишини таъминлайди ва қопламанинг

юқори ёнғиндан ҳимоя самарадорлигига эришиш мумкинлиги тижрисидаги тажриба синов натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Акрил сополимерлари, грунт, бетон, қоплама, конструкция, адгезия, коррозия, тигел

Аннотация: В данной статье приводится определение оптимальной толщины тонкого огнезащитного покрытия для железобетонных конструкций, а также использование огнезащитных покрытий на основе акриловых сополимеров с толщиной слоя 3 мм, изготовленных из местных и вторичных сырьевых материалов в качестве нового полимерного композитного покрытия. Во время огневых испытаний это позволяет достичь максимальной толщины пенистого слоя покрытия. Это обеспечивает наименьшую теплопроводность и медленное нагревание бетона, а результаты экспериментальных испытаний демонстрируют возможность достижения высокой эффективности огнезащиты покрытия.

Ключевые слова: акриловые сополимеры, грунт, бетон, покрытие, конструкция, адгезия, коррозия, сварка.

Abstract: This article presents the determination of the optimal thickness of a thin fire protective coating for reinforced concrete structures and the use of fire protective coatings based on acrylic copolymers with a layer thickness of 3 mm, made from local and secondary raw materials as a new composite polymer-based coating. During fire tests, this allows achieving the maximum thickness of the foamy layer of the coating. This ensures the lowest possible thermal conductivity and slow heating of the concrete, and the results of experimental tests demonstrate the feasibility of achieving high fire protection efficiency of the coating.

Keywords: Acrylic copolymers, primer, concrete, coating, structure, adhesion, corrosion, welding.

Максимал ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлигига эга қопламали катламнинг оптимал қалинлигини танлаш учун бир қатор тажрибалар ўтказилди. Намуна сифатида турли қалинликдаги қопламалар суртилган қирраси 100 мм бўлган бетон кублар ҳам ишлатилди. Маълумки, ёнғиндан ҳимояланган қоплама кўпикли қатламининг қалинлиги иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентини аниқлайди ва қатлам қанчалик қалин бўлса, коэффицент шунчалик кичик бўлади.

Бироқ, ёниб битиши, конвекция оқимлари каби омиллар қатламнинг қалинлигини чеклайди, шунинг учун тажрибалар пайтида намуна юзасида сақланиб қоладиган қоплама қатламининг максимал қалинлигини аниқлаш зарурияти туғилди. Акрил сополимерлари асосида ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитлари асосли қопламанинг темир–бетон конструкциялари жараёнини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, сопол тигелдан фойдаланганда муфель

печида максимал қалинликдаги кўпикли қатлам ҳосил бўлади ва у 85–90 мм бўлади. Қопламанинг бошланғич қалинлиги 1 мм ни ташкил қилди. Бироқ, алангали ёниш, конвектив оқимлар каби омилларнинг йўқлиги сабабли уларнинг кўпикли қатламга таъсири деструкцияга олиб келиши мумкин. Бу усулни юпқа қатламли ёнғиндан ҳимоялаш қатламининг оптимал бошланғич қалинлигини аниқлаш учун қабул қилиб бўлмайди деган хулосага келишимиз мумкин.

ГОСТ Р12.3.047–98 “Технологик жараёнларнинг ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблар. Назорат усуллари”да келтирилган усул бўйича намуналарга ҳарорат таъсири 5 дақиқа давом этган, қопламанинг қалинлиги 40–45 мм га тенглиги аниқланган. Горелка алангаси орқали 20 дақиқа давомида қопламанинг қалинлигини аниқлаш учун тезкорлик усулидан фойдаланилганда қопламанинг қалинлиги 40–55 мм ни ташкил қилди ва умумий қалинлиги ўзгармай қолиши аниқланди.

Темир–бетон учун декоратив ва занглашга қарши қопламалар, одатда, тупроқ (грунт) билан бирга қўлланилади, шунинг учун бетонда тупроқ мавжудлигининг ўрганилаётган қопламанинг ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлигига таъсирини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Кўп ҳолларда сув–дисперсияли пардозлаш таркиблари учун тупроқ сифатида синтетик латекснинг сувли дисперсияси тавсия этилади.

Тажриба синовларнинг ўтказиш учун 10; 20; 30; 40 мм қалинликдаги таклиф этилаётган ёнғиндан ҳимоялаш қопламалари темир–бетон кубларнинг ҳар бир киррасига турли қалинликда текис сурилди, шунингдек бетон юзасига ва аввалдан латекс эритмаси суртилган (грунтланган) сиртда қўлланилди. Латекс эритмаси ёнғиндан ҳимояловчи қопламанинг бетон юзасига адгезияни ошириш учун қўлланилди, чунки латекс таклиф этилаётган ёнғиндан ҳимоялаш таркибининг бириктирувчи компоненти ҳисобланади.

Ёнғиндан ҳимоялаш таркибини қўллашдан олдин латекс қатламини 24 соат (1 сутка) давомида яхшилаб қуритилди. Қуритилган латекс устидан таклиф этилаётган қопламалар 10 мм дан 40 мм гача бўлган қалинликда темир–бетон конструкциянинг юзасига суртилди ҳамда ҳарорат таъсир эттирилди. Тажриба давомида намуналарнинг мустаҳкамлиги текшириб борилди ҳамда қоплама ҳолатини ўзгариб бориши кўздан кечириб борилди.

Оловли синовлар натижалари шуни кўрсатдики, латексни қўллаган ҳолда қиздирилганда бетоннинг мустаҳкамлигини камайишига олиб келди. Бунга ҳароратнинг ошиши билан бетон юзасида латекснинг ёниб кетиши

сабаб бўлиши мумкин. Бетон юзасига грунт сифатида латексдан фойдаланган ҳолда ва латексиз бетон юзасига ёнғиндан ҳимояловчи қопламани нормал узилиш усули билан адгезияни ўлчаш натижалари 1–жадвалда келтирилган.

1–жадвал

Намуна тартиб рақами	Темир бетон юзасидаги таклиф этилаётган А–23–1 ва А–23–2 маркали ёнғиндан ҳимоялаш қопламасининг адгезия катталиги, МПа	
	Грунтли	Грунтсиз
1	3,06	2,82
2	3,40	3,00
3	3,50	2,25
4	2,66	2,80

Адгезияни ўлчашларни ўтказишдан олдин намуналар ёнғиндан ҳимояловчи қоплама сурилгандан кейин 15 кун давомида нормал шароитларда қуритилди. 1–жадвалда адгезияни ўлчаш натижалари битта намуна учун ўтказилган бешта ўлчов нуктасининг ўрта арифметик қийматлари сифатида тақдим этилди. Тажриба ўтказиш давомида баъзи латексиз намуналарда фаза чегаралари бўйлаб узилиш содир бўлди. Грунт сифатида латексдан фойдаланилган намуналарда бетон юзаси бўйлаб барча ҳолатларда узилиш содир бўлди.

Таклиф этилаётган ёнғиндан ҳимояловчи қопламанинг грунтсиз бетон юзага ёпишишининг ўртача арифметик қиймати 2,8 МПа га, тупроқ билан – 3,30 МПа га тенг бўлди. Иккала ҳолатда ҳам узилиш чегараси бетон жисми бўйлаб ўтди. Шунини таъкидлаш керакки, грунтни қўллаш қўшимча технологик операция бўлиб, ишларнинг харажатлар сметаси қийматини 12–16 % га ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, грунтни ёнғиндан ҳимояловчи қоплама билан биргаликда ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

Максимал давомийлиги 120 дақиқагача бўлган оловли синовларда кўпикли қатламнинг қатлам–қатлам бўлиши, ёрилиши, емирилиши кузатилмади. Бироқ, дастлабки қатлами 0,25 мм га тенг бўлган акрил сополимерлари асосида ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитлари асосли қопламанинг 50–60 дақиқали олов таъсиридан кейин максимал 5 мм кўтарилган кўпикли қоплама қатламининг берилган вақт давомида 70 % гача ёниши кузатилди.

Бетон намуналарининг мустаҳкамлиги кинетикасининг натижаларини таҳлил қилиш ёнғин таъсирининг 30–дақиқасида қопламанинг ёнғиндан ҳимоя самарадорлиги ҳатто 0,25 мм қатлам қалинлигида ҳам кузатилади. Қоплама қатламининг қалинлиги 0,5 дан 1 мм гача ошиши билан бетон намуналарининг мустаҳкамлиги кўрсаткичларидаги фарқ ўсиш йўналиши бўйича 10–15 % ни ташкил қилади. Бироқ, жадвалда шу нарса кўринадики, ёнғин таъсирининг 30–дақиқасида бетон намуналарининг мустаҳкамлиги дастлабки (яъни, ёнғин таъсиридан олдинги) ҳолатдан 20% га ошиши эффекти кузатилади. Бунини цемент тошининг қисқариш жараёни, шунингдек, бошқа муаллифларнинг

ишларида яхши ёритилган цементнинг реакцияга киришмаган клинкер доналари ва ажралиб чиқадиган, кимёвий боғланмаган сув ўртасида кимёвий гидратация реакциясининг пайдо бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Химояланмаган бетон 60 дақиқада дастлабки ҳолатга қараганда 60 % га ўз мустаҳкамлигини йўқотади. 0,5 ва 1 мм қатламли ёнғиндан химояловчи қоплама суртилган бетон намуналари бетоннинг мустаҳкамлиги шаклида аниқланган ёнғиндан химоя самарадорлиқнинг деярли бир хил кўрсаткичларига эга. Ушбу ҳолатларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: олов синовларидан бир соат ичида 0,5 ва 1 мм қопламали намуналар учун кўпикли қатламларнинг қалинлиги бир хил қийматларга етди. Бу, биринчи навбатда, ёнғиндан химояловчи қопламанинг қатлам–қатлам жараёни бутун синов даврида давом этганлиги билан боғлиқ. Бетон намуналарининг мустаҳкамлиги пасайиши жараёни секинлашганлигида ушбу ҳолат ўз тасдиғини топади.

Бетоннинг мустаҳкамлиги пасайиши жараёни барча намуналар гуруҳларида кузатилади. 65 дақиқалик олов синовларидан сўнг, 0,5 мм қопламали намуналар учун кўпик қатламининг қалинлиги пасайишни бошлади. Бу жараёни шу билан боғлаш мумкинки, ёнғинга чидамли қопламанинг кавариқлашиши тўхтади ва вақт ўтиши билан кўпик қатлами фақат камаяди. 1 мм қопламали намуналар учун бу жараён 70–75 дақиқадан сўнг кузатилди, бу ерда бетон мустаҳкамлигининг пасайиши 30 % га этди. Ўтказилган ушбу синовлар ёнғиндан химояловчи қоплама қатламининг дастлабки қалинлигининг оширилиши бетоннинг мустаҳкамлиги пасайишини секинлаштиришга имкон беради, бу юқорида келтирилган жадвалларда аниқ кўринади. 1 мм гача бўлган турли қатлам қалинлигидаги “акрил сополимерлари асосида ёнғиндан химояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитлари асосли қоплама билан бир қатор тажрибалардан сўнг, бетон намуналарини қизиш тезлигини пасайтирмақ учун қатлам қалинлигини оширишга қарор қилинди.

Кейинги бир қанча тажриба учун намуналар илгари тавсифланган тайёрлаш технологиясига мувофиқ 2 ва 3 мм гача бўлган ёнғиндан химояловчи қопламали қатлам қалинлиги билан тайёрланди. Шундай бўлса ҳам, латекс шаклидаги грунт ёнғиндан химояловчи қоплама билан биргаликда ёнғин таъсиридаги бетоннинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтиришини ҳамда 1-жадвалда келтирилган маълумотлар адгезия қийматларида унча кўп бўлмаган фарқни кўрсатганини ҳисобга олиб латексли грунтни қўлламасликка қарор қилинди.

Тажрибалар давомида олинган натижалар шуни кўрсатадики, стандарт ёнғиннинг 30–дақиқасида қатлам қалинлиги 1, 2 ва 3 мм бўлган акрил сополимерлари асосида ёнғиндан химояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитлари асосли қопламанинг бетон намунасининг мустаҳкамлиги деярли бир хил кўрсаткичлар билан ошиши кузатилади. Ушбу тажриба натижалари шундан далолат берадики, намуналарга олов ҳарорати таъсир қилишнинг дастлабки пайтида

уларнинг қизиши бир хил кечади. Қоплама қатламининг қалинлиги ҳар хил бўлган бетон намуналарининг мустаҳкамликликлари орасидаги фарқ 7 % дан ошмайди. Бу эса дастлабки кўпикли қатламнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти деярли бир хил қийматларга эга эканлиги билан изоҳланади. Ёнғинга чидамли қоплама қатламининг турли қалинлиги билан боғлиқ бундай натижани қуйидагича изоҳлаш мумкин: қопламани 160–180 °С ҳароратда бошланади, кўпиксиз қопламанинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти анча юқори (0,7 Вт/м С га қадар), бунинг натижасида иссиқлик тўлқини намунанинг қиздирилган қисмларидан марказга қараб ҳаракат қилади.

Қоплама қалинлиги турлича бўлган бетон намуналаридаги ҳарорат градиенти унча катта бўлмаган фарқларга эга. Юқорида таъкидланганидек, 200 °С гача бўлган ҳарорат таъсири дастлабки босқичида ёнғиндан ҳимояловчи қоплама қатлами остида ва бетонда иссиқлик тўлқинининг ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда механик равишда бўш сувнинг чиқиши ва бетон тайёрланиши пайтида реакцияга киришмаган клинкер доналарининг кимёвий реакцияга киришиши туфайли цемент тошининг қисқариш жараёни юзага келади.

Ёнғин синовларини ўтказиш вақтининг 30–дақиқасида барча намуналар учун кўпикли қоплама қатламининг қалинлиги 50 дан 55 мм гача ўзгариб туради. Шунингдек, кўпикли қатламни олиб ташлангандан сўнг, барча намуналарда қопламанинг қавариқланмаган қатлами кузатилди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, кичик бетон намуналарининг 60 дақиқалик кейинги олов синовлари давомида ёнғинга чидамли қопламасиз бетонда дастлабки ҳолатдан 60 % га мустаҳкамликнинг пасайиши кузатилади. 1 мм қатламни ёнғиндан ҳимояловчи қопламага эга бўлган намуналар дастлабкига қараганда мустаҳкамлигини 15 % га камайтирди. Қатлам қалинлиги 2 ва 3 мм бўлган қопламага эга бўлган намуналар бетоннинг кубик мустаҳкамлигини дастлабкига нисбатан 6–8 % га йўқотди. Қоплама қалинлиги 2 ва 3 мм бўлган намуналар учун қолдиқ мустаҳкамлиги қийматлари орасидаги фарқ деярли 2 % ни ташкил қилади.

Ўтказилган тажрибаларни бевосита кузатиш жараёнида шу нарса аниқландики, 2 ва 3 мм қалинликдаги қопламали намуналар учун кўпикли қатламнинг қалинлиги 60–70 мм ни ташкил қилади. Ёнғин синовларининг 50–55 дақиқасида қалинлиги 1 мм бўлган қоплама қатлами бўлган намуналарда юқори қатламларнинг ёниши билан боғлиқ бўлган кўпикли қатлам чўкиндиси кузатилди, бу эса ўз навбатида қопламанинг қавариқланиш жараёни тугаганлигидан далолат беради, яъни 1 мм қоплама бутунлай қавариқланди.

Шундай қилиб, стандарт ёнғин бошланганидан бошлаб тахминан 50–60 дақиқа давомида доимий кўпик қатлами қалинлигини сақлаб туриш учун акрил сополимерлари асосида ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитлари асосли қопламанинг 1 мм қатлами сарфланади, аммо бундай фикр фақат 1 мм қалинликдаги ёнғиндан ҳимояловчи қоплама қатлами учун тааллуқли бўлиши мумкин. Ўтказилган тажрибалар асосида олинган боғлиқлик 120 дақиқа ёнғин

таъсиридан кейин қоплама қалинлигининг турли қийматларига эга бўлган темир конструкция фрагменти намуналарининг мустаҳкамлиги янада пасайишини кўрсатади.

Бевосита кузатув дастлабки қатлам қалинлиги 1 мм бўлган ёнғиндан химояловчи қопламали бетон намуналарида мустаҳкамлик бошланғич ҳолатга нисбатан 30 % га пасайганда кўпикли қатлам қалинлигининг янада пасайишини қайд этди, химояланмаган бетоннинг мустаҳкамлиги эса 77 % га пасайган. 2 ва 3 мм ёнғиндан химояловчи қопламали намуналардаги бетоннинг мустаҳкамлиги қийматлари деярли фарқ қилмади ва дастлабки ҳолатга нисбатан 80 % га етди, кўпикли қатламларнинг қалинлиги ўзгармади ва 60–70 мм ни ташкил этди. Бу шуни кўрсатадики, ҳар икки гуруҳ намуналаридаги қопламанинг кавариқланиш жараёни бутун ёнғин синовидавомида содир бўлган, бу эса бетоннинг бир хил мустаҳкамлик кинетикасини ва шунга мос равишда қизиш тезлигини таъминлади.

Темир конструкция фрагменти мустаҳкамлиги кинетикаси олов синовларининг бутун даври давомида аниқ кузатилади. Олов синовларининг дастлабки босқичида тақдим этилган барча намуналар мустаҳкамлигининг дастлабкига нисбатан деярли 20 % га ошишини кўриш мумкин, аммо ёнғиндан химояловчи қопламанинг қалинлигига қараб бу жараён вақти узаяди. Боғлиқликнинг 1–бандида олов ҳарорати таъсир қилишининг 10–дақиқаси учун бетон қуввати пасайишининг бошланғич нуқтаси мавжуд бўлиб, шундан сўнг қувватнинг экспоненциал боғлиқлик бўйича янада пасайиши кузатилади. 2–боғлиқликда, ёнғин синовларининг 10–дақиқасигача бетоннинг мустаҳкамлигини ошириш жараёнининг секинлашиши кузатилади, қувватнинг дастлабкига қараганда камроқ пасайиши 17–дақиқадан кейин қайд этилган.

Тегишлилиги бўйича қалинлиги 0,5 ва 1 мм бўлган 3 ва 4 боғлиқликларида, бетон қувватининг пасайиши 50–дақиқадан кейин кузатилади. 3 ва 4 боғлиқликларга кўра, 120 дақиқа давомида ёнғин синовларидан сўнг 0,5 ва 1 мм ёнғиндан химояловчи қопламали бетон намуналарининг мустаҳкамлигидаги фарқ 10 % дан кўп эмас. Қалинлиги 2 ва 3 мм бўлган 5 ва 6 боғлиқликларда тахминан 60 дақиқада бетон мустаҳкамлигининг пасайиши кузатилади.

Бундан келиб чиқадики, ёнғиндан химояловчи қоплама қатламини 2 мм дан ортиқ ошириш талаб қилинмайди, чунки бу қўшимча харажатларни талаб қилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, дастлабки қалинлиги 2 ва 3 мм бўлган ушбу намуналар учун ёнғиндан химояловчи қопламанинг кўпикли қатламининг қалинлиги 60–70 мм ни ташкил қилди. Олов синовлари пайтида кавариқланган қатламнинг қалинлигини чеклашнинг сабаби, ҳосил бўлган кўпикнинг юқори деворлари қалинлигининг уларнинг ёниб кетиши ва механик ёпишиши ҳисобидан камайишидир. Натижада, кавариқланган қопламанинг юқори қатламлари ёқилғининг ёниши натижасида ҳосил бўлган конвекция оқимлари билан йиртилиб кетади, бу эса доимий кўпик қалинлигини таъминлайди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, ёнғиндан химояловчи қопламага алангали ёниш таъсирида юқори қатламларнинг қавариқланиш жараёни бошланадиган ҳароратгача қизиши содир бўлади; шу билан бирга, қалинлиги 0,001–0,05 мм бўлган юпқа деворларга эга бўлган кўпикли қатламнинг чегараси ёниб кетади ва шу билан қатламнинг қалинлигини камайтиради. Қавариқланиш жараёни қатламма–қатлам содир бўлиши аниқланди, яъни ёнғин алангаси таъсир қиладиган юқори кўпик қатлами ёниб кетади, иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентини оширади, бунинг натижасида қопламанинг пастки қатламларининг янада интенсив қизиши содир бўлади. Яъни, керакли ҳароратгача қизиб, қавариқлашади ва яна кўпикли қатламнинг қалинлигини оширади.

Шундай қилиб, ўтказилган олов синовлари куйидагиларни кўрсатди:

1. Қоплама кўпикли қатламининг қалинлиги 2 ва 3 мм гача бўлган ёнғинга чидамли қопламанинг дастлабки қуруқ қатламининг қалинлигига боғлиқ эмас, бу атмосфера чегарасига яқинлашган кўпикнинг юқори қатламларининг ёниб кетиши, шунингдек, бу қатламларнинг ёнилғи ёниш маҳсулотлари томонидан яратилган конвектив оқимлар билан олиб кетилиши билан изоҳланади.

2. 1 мм қатламли акрил сополимерлари асосида ёнғиндан химояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композит асосли қоплама сифатида фойдаланиш бетон мустаҳкамлигининг пасайишини секинлаштиришга имкон беради, аммо 50–55 дақиқалик синовдан сўнг бетон намуналарининг куб мустаҳкамлиги пасайиши билан ифодаланган қоплама ёнғиндан химоя самарадорлигининг пасайиши кузатилади.

3. 2 ва 3 мм қатламлардаги акрил сополимерлари асосида ёнғиндан химояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композит асосли қоплама сифатида фойдаланиш олов синовлари вақтида қопламанинг кўпикли қатламининг максимал даражадаги қалинлигига эришиш имконини беради. Бу мумкин бўлган энг паст иссиқлик ўтказувчанлигини ва бетоннинг секин қизишини таъминлайди ва қопламанинг юқори ёнғиндан химоя самарадорлигига эришишга имкон беради.

4. 2 ва 3 мм ёнғиндан химояловчи қопламали бетон намуналарнинг мустаҳкамлиги кинетикаси деярли бир хил кўрсаткичларга эга бўлганлигидан, қурилиш конструкцияларининг темир–бетон элементларининг кейинги олов синовлари учун 2 мм тенг қалинликдаги ёнғиндан химояловчи қоплама қатламини оламиз, бу эса бизга ОЗС ва уни суртиш ҳаражатларини камайтириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ГОСТ 30247.0–94. Конструкции строительные. Методы испытания на огнестойкость. Общие требования – Взамен СТ СЭВ 1000–78, СТ СЭВ 5062–85; введ. 01.01.1996. – М.: Изд-во стандартов, 2003. – 7с.

2. Инструкция № 004–Б–И–У Устройство и эксплуатация покрытия по бетону и железобетону несущих и ограждающих конструкций на основе

огнезащитного состава «Монолит». – М.: НПО Ассоциация Крилак. – 2002. – 18 с.

3. Муртазаев К.М. Разработка новых огнезащитных вспучивающихся композитов на основе эмульсии акрилового сополимера и исследование их свойств «Пожаро–взрывобезопасность» научно–практический электронный журнал – Ташкент, 2022. – №1(8). – С. 205–209.

4. Муртазаев К.М., Мухиддинов Д.Н., Нуркулов Ф.Н. Основные принципы построения структуры огнезащитных вспучивающихся полимерных покрытий на основе эпоксидных смол. Научный вестник НамГУ 2021 год. №7. С. 80–86.

5. Муртазаев К.М., Мухиддинов Д.Н., Нуркулов Ф.Н. Наполненные эпоксидные композиты с повышенной огнестойкостью вспученные покрытия. СамГУ. Научный вестник. 2022, №1. С 54–57.

6. Павлович А.В., Владенков В.В., Изюмский В.Н., Кильчицкая С.Л. Огнезащитные вспучивающиеся покрытия // Лакокрасочная промышленность. Смоленский лакокрасочный завод. – 2012. – №5. – С. 22–27.

УДК. 614.841

ТЕМИР–БЕТОН ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ХИМОЯЛАШДА ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ЁНГИНДАН ХИМОЯЛОВЧИ ҚОПЛАМАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Х.Г. Азимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институтини),*

*т.ф.д. (DSc), профессор Б.Т. Ибрагимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ
Академияси),*

*т.ф.ф.д. (PhD), доцент Ж. Рашидов (Тошкент архитектура–қурилиш
университетини),*

*Д.Г. Рашидов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институтини)*

Аннотация: Ушбу мақола матнида темир–бетон қурилиш конструкцияларини химоялашда юпқа қатламли ёнгиндан химояловчи қопламаларнинг самарадорлигини баҳолаш усулини ривожлантириш масалалари атрофлича ўрганилган. Темир–бетон қурилиш конструкцияларининг оловбардошлик ошириш усуллари ва воситалари соҳасидаги замонавий технологияларнинг ҳолати таҳлили кўп қаватли ва техник жиҳатдан мураккаб объектларни қуришда фойдаланиладиган темир–бетон конструкцияларнинг оловбардошлик ошириш ва ёнгинда портловчи ҳалокатга қарши чидамлилигини таъминлаш зарурлигини аниқланди. Ушбу

муаммони ҳал қилишнинг самарали усулларида бири бу темир–бетон конструкцияларнинг махсус юққа қатламли ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларидан фойдаланиш самарали эканлиги атрофлича тадқиқ этилганлиги баён этилган.

Калит сўзлар; темир–бетон конструкциялар, бетон синфи, фрагмент, аксонометрик схемаси, коплама, пластина, ҳарорат.

Аннотация: В данной статье подробно изучены вопросы разработки метода оценки эффективности тонкослойных огнезащитных покрытий для защиты железобетонных строительных конструкций. Проведен анализ состояния современных технологий в области повышения огнестойкости железобетонных строительных конструкций, применяемых при строительстве многоэтажных и технически сложных объектов, что выявило необходимость повышения их огнестойкости и устойчивости к взрывной нагрузке в условиях пожара. Одним из эффективных способов решения данной проблемы является использование специальных тонкослойных огнезащитных покрытий для железобетонных конструкций, что было детально исследовано в статье.

Ключевые слова: железобетонные конструкции, класс бетона, фрагмент, аксонометрическая схема, покрытие, плита, температура.

Abstract: this article thoroughly explores the issues of developing a method for assessing the effectiveness of thin-layer fire protective coatings for the protection of reinforced concrete structures. An analysis of the current state of modern technologies in the field of increasing the fire resistance of reinforced concrete structures, used in the construction of multi-story and technically complex buildings, has revealed the necessity to enhance their fire resistance and resilience to explosive damage in fire conditions. One of the effective solutions to this problem is the use of special thin-layer fire protective coatings for reinforced concrete structures, which has been comprehensively studied in this article.


Keywords: reinforced concrete structures, concrete grade, fragment, axonometric diagram, coating, slab, temperature.

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида содир бўладиган портлашларга нафақат портлашга мойил чанглар, балки ёниш жараёни қийин кечадиган моддаларнинг чанглари сабаб бўлишини салбий омиллари аниқлаш, иқтисодиёт тармоқларида портлаш хавфининг асосийлари, электр қурилмаларининг ишлаши билан боғлиқ учкун пайдо бўлиши, жараённинг бузилиши сабабли, юзага келган ортиқча босимда портловчи модданинг максимал концентрациясидан ошиб кетиши эвазига портлаш содир бўлишининг амалий ва назарий жиҳатлари ўршаниш ҳам тақозо этилмоқда.


Портлаш ва ёнғин хавфи бўйича ишлаб чиқариш тоифаси, оддий технологик режимда портловчи моддаларнинг хона ҳажмига кириш эҳтимоли, давомийлиги ва интенсивлиги билан боғлиқ бўлган фавқулудда вазиятларни асосий омилларида чанг-ҳаво аралашмасининг иштирок этиши аниқланган бўлиб, уларни зарарсизлантириш ва ҳар бир технологик тизимлар

учун портлаш хавфини максимал камайтириш усуллари такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Таклиф этилаётган усул олдиндан белгиланган ҳароратга боғлиқ равишда темир–бетон конструкциялар учун юпқа қатламли ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган. Ҳароратга боғлиқлик у ёки бу функционал мақсадлардаги бино иншоотларда ёнишнинг пайдо бўлиши, тарқалиши, иссиқлик алмашуви шартлари орқали белгиланади. Кўп ҳолларда ёнғиннинг стандарт боғлиқлиги қўлланилиши керак. Темир–бетон конструкцияларнинг оловбардошлигини таъминлашда ишлатилаётган бетон синфи муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, юпқа қатламли ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларнинг ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлигини синашда намунада қурилиш объектларида ишлатиладиган бетон синфидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Усулнинг моҳияти қабул қилинган ҳароратга боғлиқлиги бўйича оловли синовларни ўтказиш ишчи–кўтариб турувчи арматурани критик ҳароратгача қизиши вақтини белгилаш билан аниқланади. Ишчи арматуранинг критик ҳарорати жадвал қийматлари билан берилиши ёки ҳисоблаш орқали аниқланиши мумкин.


Тажриба синовларни ўтказиш учун 620x620x100 миллиметр ўлчамдаги темир–бетон плиталар кўринишидаги икки турдаги намуналар талаб қилинади. Намуналарнинг биринчи тури – ёнғиндан ҳимояловчи қопламасиз темир–бетон плиталардир. Иккинчиси – биринчи ҳолатдагига ўхшаш, бироқ юзасига таклиф этилаётган ёнғиндан ҳимояловчи қоплама қўлланилган темир–бетон плиталар олинди.




1-Расмда. Махсус муфиль пачида тажрибалар ўтказиш учун тайёрланган 70x30 смли махсус темир конструкция фрагменти намунасига тайёрланган шаклининг кўринишининг аксонометрик схемаси келтирилган. Эксперимент натижалари 1. ва 2- расмларда келтирилган.



2.-расм. Металл буюмлар ва конструкциялардаги оловбардош қопламаларнинг хусусиятларини ўлчаш бўйича экспериментнинг схемаси.




3-расм. Юза майдони 100 см² бўлган оловбардош қопламасиз металл пластинасининг ҳарорати бир тарафини 120 дақиқа давомида 700-800°C ҳароратда қиздирилгандаги графиги.



4-расм. Юза майдони 100 см^2 бўлган оловбардош қопламали металл пластинасининг ҳарорати бир тарафини икки соат давомида $1000\text{--}1200^\circ\text{C}$ ҳароратда қиздирилган графиги: оловбардош қатлам қалинлиги $\approx 0,2 \text{ см}$.


Оловга бардошли қопламанинг оловбардошлилигининг самарадорлигини аниқлаш учун тажрибаларнинг иккинчи босқичида металл намуналаридан фойдаланилади. Оловга бардошли қоплама билан қопланган ва қопланмаган металл конструкцияларини ёнғин ҳарорати таъсирида синаш битта технология асосида олиб борилади ва металл намунасига кетма кет тарзда тажрибалар ўтказилиб термик таъсир берилди.



5.-расм. 20 мм ли ҳимоя қатламига металл намунасининг ҳарорат кинетикаси:

1—янги таркибли қоплама; 2—доломит асосли қоплама;
3- ҳимояловчи қоплама қопланмаган намуна; 4 - ишлов берилмаган намуна.

Металл намунасининг оловга бардошлилик даражасини ёнғин синовларида синашда ҳимоя қатлами 50 мм бўлган металл намунаси 60 дақиқага бардош бера олганини кўрдик, лекин маълумотларга кўра бундай хоссага эга бўлган металл намуналарининг хусусий оловбардошлилик даражаси жараёни таъсирисиз 120 дақиқадан кам бўлмайди.



6-расмда. 40 мм ли ҳимоя қатламига эга металл намунаси термик ва иссиқлик таъсирига бардошлилик хусусияти: 1 – янги таркибли қоплама; 2 – доломит асосли қоплама; 3- ҳимояловчи қоплама билан қопланмаган намуна; 4 - ишлов берилмаган намуна.

Металл намунасининг механик хусусиятларининг йўқолишига олиб келадиган ҳарорат, яъни критик ҳарорат 520 °C ни ташкил этади. Манбааларига кўра оғир бетоннинг критик намлиги 3.5 % лигини ҳисобга олган ҳолда бетоннинг 3.1 % намлигида портлаб бузилиш жараёни содир бўлмаслигини қайд этиш лозим. Шунини таъкидлаш кераки, бетонни портловчи бузилиш (деструкция) жараёни бошланишига олиб келадиган критик намлигини аниқлашда 15-В30 синфига оид бўлган металл намуналаридан фойдаланилган.

Бу қопламанинг ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлигини тўғри аниқлаш заруратидан келиб чиқади. Намуналарнинг металл каркасини йиғгандан сўнг ҳарорат кўрсаткичларини белгилаш учун кўтариб турувчи арматурага термопаралар ўрнатилади. Боғловчи симларнинг чиқиш жойи портлашсимон бузилиш бўлганда уларнинг узилишини олдини олиш мақсадида ёниш таъсирига учрамайдиган текислик орқали амалга оширилади. Темир–бетон плиталарнинг намуналари аланга фақат битта томонидан таъсир қиладиган тарзда жойлаштирилди. Ёнғиндан ҳимояланган намуналар учун энг охириги

чегара ҳолатига эришиш вақти ёнғиндан ҳимояланган иккита намуна учун синов натижаларининг ўрта арифметик қиймати билан аниқланади. Бунда намуналарнинг синов натижаларининг максимал ва минимал қийматлари бир-биридан 25 % дан (каттароқ қийматдан) фарқ қилмаслиги аниқланди. Агар синов натижаларининг қийматлари бир-биридан 25 % дан каттага фарқ қилса, қўшимча синов ўтказилди, натижа сифатида иккита кичик қийматнинг ўрта арифметик қиймати олинди.

Ёнғин камераларидан намуналар олиб ташлангандан сўнг, ёнғиндан ҳимоя қопламанинг қолган кўпикли қатлами олиб ташланди. Металл намунаси фрагментининг қизиган юзасини визуал текширишда синган жойлар, ёриқлар ва бошқа шикастланишлар каби портловчи бузилиш жараёнининг излари кузатилмади. Металл намунасининг қизиш тезлиги оловли синовнинг биринчи 120 дақиқасида 20°C дан 150°C гача ортди, ҳароратнинг ортиши эса тахминан 1°C/дақ га етди. Ёнғинга қарши текширувлар жараёнида металл намуналарининг деструкцияси кузатилмади, намуналарнинг маҳаллий деструкцияси аниқланмаган. Эҳтимол, бу бетонни қиздириш оловга бардошли қоплама билан қопланмаган устунларга қараганда анча секин кечди ва ҳосил бўлган сув буғлари табиий тешиклардан чиқиб кетиб, бетон бўлақларининг ажралиб тушиши учун етарли бўлган босим ҳосил қилишга вақт етарли бўлмади. Юк кўтарувчи арматуранинг қизиши ёнғинга қарши синовларнинг бутун муддати давомида бир маромда кечди.

Синовлар ўтказиш даврида юпқа қатламли қопламанинг ёнғиндан ҳимоялаш самарадорлигидан ташқари бетоннинг бутунлигини портлашсимон йўқотиш ҳодисасининг мавжудлиги, яъни ёнғиндан ҳимоялаш қопламасининг бетоннинг бутунлигига эга бўлган ҳимояланмаган намуналарда портлашсимон йўқотишнинг олдини олишга қодирлиги аниқланди. Шундай қилиб, темир-бетон конструкциялари элементларининг ишчи арматуралари бетонида ҳимоя қатламининг мавжудлиги (ушбу ишчи арматура ҳарорати бўйича қопламаларнинг самарадорлигини қайд этиш тавсия қилинапти) таклиф этилаётган қопламаларнинг ёнғиндан ҳимоя таъсири билан жамланган ҳолда қўшимча ҳимоя эффектини ҳосил қилади.

Бундан ташқари, таклиф этилаётган қоплама ва бетонининг ҳимоялаш эффекти йиғиндиси темир-бетон конструкцияларнинг оловбардошлигини 120 дақиқа ёки ундан кўпроқ вақтгача оширишга имкон беради. Бу баланд қаватли, ноёб ва айниқса муҳим объектларни лойиҳалашда кўтариб турувчи темир-бетон конструкцияларнинг оловбардошлигини таъминлаш учун уларнинг ишчи кесимини самарасиз ва қиммат катталаштиришдан воз кечишга имкон беради.

Темир-бетон қурилиш конструкцияларининг оловбардошлик ошириш усуллари ва воситалари соҳасидаги замонавий технологияларнинг ҳолати таҳлили кўп қаватли ва техник жиҳатдан мураккаб объектларни қуришда фойдаланиладиган темир-бетон конструкцияларнинг оловбардошлик ошириш ва ёнғинда портловчи ҳалокатга қарши чидамлилигини таъминлаш зарурлигини аниқланди. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг самарали

узулларида бири бу темир–бетон конструкцияларнинг махсус юпка қатламли ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларида фойдаланишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ГОСТ 30247.0–94. Конструкции строительные. Методы испытания на огнестойкость. Общие требования [Текст]. – Взамен СТ СЭВ 1000–78, СТ СЭВ 5062–85; введ. 01.01.1996. – М.: Изд–во стандартов, 2003. – 7с.
2. Яковлев, А.И. Расчёт огнестойкости строительных конструкций [Текст] / .И. Яковлев. – М.: Изд. Стройиздат, 1988. – 143 с.
3. Романенков, И.Г. Огнезащита строительных конструкций [Текст] / Романенков И.Г., Левитес Ф.А. – М.: Стройиздат 1991. – 320 с.
4. Романенков, И.Г. Огнестойкость строительных конструкций из эффективных материалов [Текст] / Романенков И.Г., Зигерн– Корн В.Н. – М.: Стройиздат 1984. – 240 с.
5. Жуков, В.В. Основы стойкости бетона при действии повышенных и высоких температур [Текст]: дис. ... д–р. техн. наук 05.23.05/Жуков Владимир Васильевич; Научноисследовательский институт бетона и железобетона – Москва, 1981. – 437 с.
6. Муртазаев К.М., Мухиддинов Д.Н., Нуркулов Ф.Н. Исследование физико–химических свойств полифункциональных вспучивающихся огнезащитных покрытий на основе эпоксидной смолы. «Пожаро–взрывобезопасность» научно–практический электронный журнал 2021 №2 (7) С. 25–30
7. Бердиев К.Р., Курбонбоев Ш.Э. Қурилиш конструкциялари оловбардошлигини оширувчи бўёқ материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш // FAN MUHOFAZA XAVFSIZLIK. – Ташкент, 2020. – №1(4). – С. 167–173.

УДК. 614.841+331.45

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ ЁНГИН ВА МЕХНАТ МУҲОЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЯНГИ ТАРКИБЛИ КОМПОЗИТЛАРНИНГ ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК КОЭФФИЦИЕНТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

*Х.Г. Азимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институту),
т.ф.ф.д.(PhD), доцент Ж. Рашидов (Тошкент архитектура–қурилиш
университети),
т.ф.д. (DSc), профессор Б.Т. Ибрагимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ
Академияси)*

Аннотация: Ушбу мақола матнида композитларнинг иссиқлик

ўтказувчанлик коэффициентини тадқиқ этиш темир–бетон конструкцияларнинг юққа қатламли ёнгиндан ҳимоя самараси аниқланди, миқдорий жиҳатдан ифодалаганда, бу ёнгиндан ҳимояловчи қопламасиз намуналар билан солиштирганда темир–бетон конструкциянинг ишчи арматурасини қизишини критик ҳароратгача, 100–140 дақиқагача секинлаштирди. Темир–бетон конструкцияларнинг қиздирилганда юққа қатламли қопламаларини ҳосил қилиш хусусиятлари ўрганилди. Темир–бетон конструкцияларнинг қиздирилганда юққа қатламли ёнгиндан ҳимояловчи қопламаларни шаклланишининг иккита асосий босқичи аниқланди: “ривожланиш” босқичи ва “деградация” (бузилиш) босқичи. Қопламанинг ушбу босқичлари ҳимояланаётган конструкциянинг оловбардошлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши тажрибаларда аниқланганлиги атрофлича баён этилган.

Калит сўзлар: темир-бетон, конструкция, кристал панжара, градиент, изотермик, тармоқ, бетон, дегидратация.

Аннотация: В данной статье исследован коэффициент теплопроводности композитов и определена эффективность тонкослойной огнезащиты железобетонных конструкций. В количественном выражении установлено, что огнезащитные покрытия замедляют нагревание рабочей арматуры железобетонной конструкции до критической температуры на 100–140 минут по сравнению с образцами без огнезащитного покрытия. Изучены свойства формирования тонкослойных покрытий при нагреве железобетонных конструкций. Выделены два основных этапа формирования тонкослойных огнезащитных покрытий при нагреве железобетонных конструкций: этап «развития» и этап «деградации» (разрушения). Эксперименты показали, что эти этапы оказывают решающее влияние на огнестойкость защищаемой конструкции, что подробно изложено в статье.

Ключевые слова: железобетон, конструкция, кристаллическая решётка, градиент, изотермический, сеть, бетон, деградация.

Abstract: This article investigates the thermal conductivity coefficient of composites and determines the effectiveness of thin-layer fire protection for reinforced concrete structures. Quantitatively, it was found that fire protective coatings slow down the heating of the working reinforcement of reinforced concrete structures to a critical temperature for 100–140 minutes compared to samples without fire protection. The properties of thin-layer coatings formed during heating of reinforced concrete structures were studied. Two main stages of the formation of thin-layer fire protective coatings during the heating of reinforced concrete structures were identified: the "development" stage and the "degradation" stage. Experiments demonstrated that these stages have a decisive impact on the fire resistance of the protected structure, as discussed in detail in the article.

Keywords: reinforced concrete, structure, crystal lattice, gradient, isothermal, network, concrete, degradation.

Саноат корхоналарининг ривожланиши, кўп қаватли иморатларнинг

ортиб бориши темир бетон конструкцияларга бўлган эҳтиёжни ортишига олиб келмоқда. Ушбу жараёнлар ривожланиши, маҳаллий хомашёларни асосида ёнғин бардош қопламаларни, маҳсулотларни олишда технологик жараёнларни бошқариш ва хавфсизлик чораларини таъминлаш замонавий технологиялардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Саноат корхоналаридаги портлашлар сабабли, 2013-2018 йилларда 470 мингдан ортиқ мулкка моддий зарар етказиш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, уларнинг 87 фоизи техник ва инсоний омиллар таъсирида содир бўлган. Содир бўлаётган ёнғин ва портлаш майдонларининг катталиги, улардан келиб чиқаётган моддий зарарлар, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланиши билан боғлиқ нохуш ҳодисалар ҳозирги замон бино ва иншоотларининг қурилишида ёнғин ва портлаш хавфининг олдини олиш борасида тадқиқотлар олиб бориш муҳим масалалардан бири саналади.

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида портлаш хавфини камайтиришнинг илмий асосланган ечимларини топиш, портлаш ва йирик ҳажмли ёнғинларнинг олдини олиш долзарб ҳисобланади. Барча ёнғинлар сингари, чанг ёнғинларига ёқилғи, кислород ва аланга манбаси керак бўлганидек, чанг портлашига яна иккита қўшимча элемент: ёпиқ ҳажмдаги дисперсия ва иссиқлик зарур бўлади. Чанг юзаларда тўпланиб, йиллар давомида бузилмаган ҳолда ётиши мумкин ва бирламчи ҳодиса сифатида дастлабки ёнғин ёки портлаш уни силкитиб, қўзғалган чангни ёқиши натижасида, барча чанглар тўсиқларда, тўсинларда, ускунанинг тепасида хона бўйлаб ҳаракатланади ҳамда иккиламчи портлашлар учун асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўлим ва ҳалокатли жароҳатларнинг аксарияти, ушбу иккиламчи чанг портлашлари туфайли содир бўлиши аниқланди. Саноат корхоналарида портлаш ва ёнғин чиқишининг олдини олиш борасида профилактик тадбирларни кўчайтириш ҳам тақоза этилади.

Юқорида келтирилган технологияларни ишлаш жараёнида уларни ривожланишида илмий тадқиқотларни ҳиссаси юқори эканлигини инобатга олган ҳолда таклиф этилаётган акрил сополимерлари асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи полимер композитли қопламаларни хусусиятлари ўрганилиб ишлаб чиқаришга таклиф этилди. Иссиқлик ўтказувчанликни синаш тизими комплекси “Иссиқлик изоляцияловчи материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини синаш стандарти” ГБ/Т10294 га мувофиқ тайёрланган ва ишлаб чиқилган маҳсус ускунадир.

Иссиқлик ўтказувчанлик (ёки иссиқликка қаршилиқ) иссиқликни изоляцияловчи материалларининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, материалларнинг иссиқлик изоляцияси хусусиятларининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун бино иншоотларда қурилиш материалларини иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентини аниқлаш жуда зарур, бу материалларни танлашда ҳамда энергия манбаларидан оқилона фойдаланишда катта аҳамиятга эгадир.

Агар қаттиқ жисм намунаси учлари турли ҳароратларда тутиб турилса, у ҳолда намунадан иссиқликнинг узлуксиз оқими вужудга келади: иссиқроқ,

учдаги кристалл панжара тугунлари каттароқ амплитуда билан тебранади, улар ўзлари боғланган қўшниларига таъсир қилиб, уларнинг тебраниш амплитудасини (бинобарин, энергиясини) орттиради, бунда қўшнилари ўз навбатида намунанинг совуқроқ учи томонга иссиқлик энергиясини узатади.

Масалан, dT/dx ҳарорат градиенти мавжуд бўлган (стерженнинг) намунанинг dS кўндаланг кесими орқали dt вақтда ўтган dQ иссиқлик оқимини молекуляр хоссаси аниқланди.

$$dQ = -\lambda \frac{dT}{dx} dS d\tau \quad (1)$$

Келтирилган ифода орқали иссиқлик оқимини ҳисоблаш мумкин, бундаги λ – иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти. Иссиқлик ўтказувчанлиги – бу хаотик ҳаракатланувчи жисм зарралари (атомлар, молекулалар, электронлар) ёки кристалл панжаранинг тебранишлари орқали амалга ошириладиган иссиқлик энергиясини жисмнинг кўпроқ иситиладиган қисмларидан камроқ иситиладиган қисмларига ўтказиш жараёни. Бу энг муҳим физик жараён: унинг пайдо бўлиш табиати материалнинг термофизик хусусиятларини аниқлайди. Иссиқлик ўтказувчанлиги жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи жисмнинг турли соҳалари орасидаги ҳарорат градиентидир. Ҳарорат градиенти ҳарорат ортиб бориш йўналиши бўйича изотермик сиртга нормал йўналтирилган ва сон жиҳатдан бу йўналишдаги ҳарорат ҳосиласига тенг вектордир. Умуман:

$$\nabla T = \frac{\partial T}{\partial n} \vec{n}_0 \quad (2)$$

бу ерда $\vec{n}_0$ – изотермик сиртга нормал йўналтирилган бирлик вектор.

$$\nabla T = (\nabla T)_x = \frac{\partial T}{\partial x} \vec{i} \quad (3)$$

бу ерда $\vec{i}$ – x ўқи йўналишидаги бирлик вектор. Шубҳасиз, танланган шартлар учун

$$\nabla T = \frac{\Delta T}{d} \vec{i} \quad (4)$$

Шундай қилиб, материалнинг юзлари орасидаги ҳарорат фарқини ҳосил қилиб, биз ушбу материалнинг ичида ҳарорат градиентини яратамиз. Муайян ҳолатда, ҳарорат градиенти доимий, яъни. "иссиқ" учидан (T_1 ҳарорати билан) совуқ учига (T_2) ўтишда ҳарорат бир хил ва чизиқли ўзгаради. Нолдан фарқ қиладиган ҳарорат градиентига эга бўлган ҳолат термодинамик жиҳатдан номутаносибдир ва термодинамиканинг иккинчи қонунига кўра, тизим термодинамик мувозанатга ўтишга интилади – иссиқлик оқими пайдо бўлади – энергиянинг "иссиқ" учидан ўтиш жараёни "совуқ" учи томон ҳаракатланади. Ушбу жараённинг физик қонунлари материалнинг хусусиятларига, шунингдек, бошланғич ва чегара шартларига боғлиқ. Масалан, ташқи муҳитдан бутунлай ажратилган жисмда иссиқлик оқими унинг чегараларини кесиб ўтмайди ва шунинг учун ҳар бир нуқтадаги ҳарорат бир хил бўлгунча материал ичида ҳаракатланади. Умуман олганда, иссиқлик

оқими структуранинг иссиқлик ўтказувчанлиги билан қуйидаги ифода билан боғлиқ:

$$q = -\lambda \frac{\partial T}{\partial n} n_0 \quad (5)$$


бу ерда q – иссиқлик оқимининг зичлиги – изотермик сиртнинг бирлик майдони орқали вақт бирлигида ўтган иссиқлик миқдори, λ – иссиқлик миқдори ва ҳарорат градиентини боғлайдиган иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти. Шундай қилиб, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти иссиқлик энергиясини узатиш жараёнининг миқдорий характеристикаси ҳисобланади. Таърифга кўра, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти – бу ҳарорат градиентини бирга тенг бўлган бирлик майдони бўйлаб вақт бирлигида ўтадиган иссиқлик миқдори. Бошқача қилиб айтганда, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти жисмнинг иссиқлик ўтказиш қобилиятини тавсифлайди.

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти аниқлаш қурилмасида акрил сополимерлари асосида ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитлари асосли қопламанинг иссиқлик ўтказувчанликнинг диапозони ва аниқлиги: 0,0001–3Вт / мк, ўлчов аниқлиги: 0,01 МВт / мк, ўлчов аниқлиги 1 %, Намуна ҳажми: 50х50–300х300 (мм), қаттиқ ва кукунсимон материалларини синаш имкониятига эга, ўлчаш вақти 15–20 дақиқа давомида олиб борилди.

Иссиқлик таъсир этадиган сирт ҳарорати ва назорати: таъсир этадиган ҳарорати 199,9 °С (стандарт конфигурация) дан 499,9 °С ҳароратгача, юқори ҳарорат фойдаланувчи талабларига мувофиқ берилиши мумкин. Ясси панелли иситгич, икки томонлама тиристор, ҳароратни назорат қилиш аниқлиги 0,1 °С. Совуқ сирт ҳарорати ва назорати: 0–99,9 °С (стандарт конфигурация),– 10–99,9 °С, паст ҳарорат фойдаланувчи талабларига мувофиқ белгиланиши мумкин. Совуқ сирт ҳарорати барқарорлигини таъминлаш учун совуқ сиртни сув билан совутиш (сув идишининг аниқ доимий ҳарорати, бошқариладиган ҳарорат), ҳароратни назорат қилиш аниқлиги 0,1 °С. Намуна компьютер дастури асосида босим остида сиқилади, босим диапозони 0–1000 н, ўлчамлари эса 0,1 н, намуна қалинлиги автоматик равишда ўлчанади, 0–50 мм, ўлчамлари 1 мкм, узатилаётган иссиқлик сарф ўлчашчи ёрдамида аниқлаб турилди, қурилмани ишлаши барқарор ва ишончли эканлиги бутун жараён мобайнида тажриба маълумотлари компьютерда сақланади ҳамда автоматик чоп этилишига эришилди(1 – расм).

Иссиқлик ўтказувчанлигини текширгич иситиш плиталари тўпламини ҳимоя қилиш учун иккита ўлчаш мосламасидан фойдаланади: иситиш элементи ва совутиш мосламаси. Иситиш блоки – марказий дозаштириш мосламасига ва ҳимоя блокига бўлинган. Бунда ҳимоя блоки – дозаштириш блокнинг атрофида ўрнатилган. Уларнинг ораси изоляцияловчи мослама билан жиҳозланган. Иситиш мосламасида совуқ плита ишлатилади. Совуқ плитанинг сирти иккита иситиш мосламаси билан таъминланган ва ушбу иситиш мосламалари симметрик тарзда жойлаштирилган. Синов

намунасининг қалинлигига қараб, совуқ пластинкани силжитиш мақсадида оралик жой қолдирилади ва синов намунасини вертикал равишда доимий ҳароратли иккита параллел пластинкага жойлаштирилади.



1– расм. Иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти вақтга боғлиқлик диаграммаси.


Барқарор ҳолатга келган режимда синов намунаси марказининг ўлчаш қисми доимий иссиқлик оқимиغا эга. Q ўлчаш блокининг бир ўлчовли доимий иссиқлик оқимини ва ўлчаш блокининг стационар ҳолатини, а маҳсулотини, синов намунасининг иссиқ ва совуқ юзалари орасидаги ΔT ҳарорат фарқини ўлчаш орқали синов намунасининг R иссиқлик қаршилиги синов намунасининг қалинлигига қараб ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Синов намунасининг иссиқлик ўтказувчанлиги қиймати. Лаборатория шароитида маҳаллий қум асосида тайёрланган бетон намуналарининг иссиқлик ўтказувчанлиги ва термик қаршилиги XND–2–3030C ускунасида тажриба ишлари олиб борилди. Тажриба учун ўлчами 300x300x40 мм бўлган бетон намуналардан тайёрланди.

Ўтказилган тажрибаларда оддий темир бетон конструкцияларни тайёрлаш учун ПЦ 400 ёки ПЦ 500 маркалардаги цемент таркиблар олинди. Компонентларни қўшиш нисбати: 51–71 % цемент, 0,04–0,09 % алюминий пастаси, 1–5 % оҳак, 20–40 % қум ва 0,25–0,8 % сувдан иборат бўлиб темир бетон конструкцияларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти 0,12 Вт/м °С–0,145 Вт/м °С оралиқда бўлиш керак. Тажриба жараёнида шу нарса кузатилдики, темир бетон конструкцияларда қоришма қолипларга қуйилганида қоришмада газ ҳосил бўлиши ва кўтарилиши (“подём” бериши) турли ҳароратда турлича тезликда бўлиши яққол кўзга ташланди. Намуналарнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ва термик қаршилиги коэффиценти аниқлаш натижалари 1–расмда ва 2–жадвалда келтирилган.

2-жадвал

XND–2–3030C ускунасида аниқланган намуналарнинг иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик қаршилиги коэффиценти

№	Намуна номи	Иссиқлик ўтказувчанлик, $\lambda[W/(m \cdot K)]$	Иссиқлик ўтказувчанлик бўйича фарқи, %	Термик қаршилиқ, $[m^2 \cdot K/W]$
1	Темир бетон конструкциялар	0,141	0	0,301646
2	Темир бетон конструкциялар	0,165637		0,241492



3-расм. Таклиф этилаётган қопламаларнинг иссиқлик ўтказувчанлигига намликнинг таъсир этиши диаграммаси

Таъкидлаш жоизки, сув харорати автоклавсиз темир бетон конструкция тайёрлашда 40–70 градус цельсий оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ хисобланади. Шу каби хона харорати 30 °С бўлиши темир бетон конструкция тайёрлашда ижобий натижани беради. Намуна тайёрлашда сув хароратининг юқори бўлиши тайёрланган қоришмада газ ажралиш реакциясининг тезлашишига сабаб бўлади.

Темир–бетон конструкцияларнинг юпқа қатламли ёнғиндан ҳимоя самараси аниқланди, миқдорий жиҳатдан ифодалаганда, бу ёнғиндан ҳимояловчи қопламасиз намуналар билан солиштирганда темир–бетон конструкциянинг ишчи арматурасини қизишини критик хароратгача, 100–140 дақиқагача секинлаштирди. Темир–бетон конструкцияларнинг қиздирилганда юпқа қатламли қопламаларини ҳосил қилиш хусусиятлари ўрганилди. Темир–бетон конструкцияларнинг қиздирилганда юпқа қатламли ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни шаклланишининг иккита асосий босқичи аниқланди: “ривожланиш” босқичи ва “деградация” (бузилиш) босқичи. Қопламанинг ушбу босқичлари ҳимояланаётган конструкциянинг

оловбардошлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар;

1. Кривцов, Ю.В. Повышение огнестойкости строительных конструкций при помощи огнезащитных тонкослойных покрытий [Текст] дис. ... канд. техн. наук 05.23.08 / Кривцов Юрий Владимирович; Центральный научно-исследовательский институт лёгких металлических конструкций. – М., 1991 – 173с.

2. Фёдоров, В.С. Огнестойкость и пожарная опасность строительных конструкций [Текст] / Фёдоров В.С., Левитский В.Е., Молчадский И.С., Александров А.В. – М.: Изд. АСВ, 2009. – 408 с.

3. СНиП 21–01–97* Пожарная безопасность зданий и сооружений. – Введ.01.01.1998. – М.: Изд. Гос. предпр.–Центр проектной продукции массового применения, 2012 – 16 с.

4 Грушевский, Б.В. Пожарная профилактика в строительстве [Текст] / Грушевский Б.В., Котов Н.Л., Сидорук В.И., Токарев В.Г., Шурин Е.Т. – М.: Стройиздат 1989. – 368 с.

5. Пособие к СНиП II–2–80 По определению пределов огнестойкости конструкций, пределов распространения огня по конструкциям и групп возгораемости материалов [Текст]. – Введ. 19.12.1984. – М.: Стройиздат 1985.– 56 с.

6. Бердиев К.Р., Курбонбоев Ш.Э. Курилиш конструкциялари оловбардошлигини оширувчи бўёқ материалларининг янги таркибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш // Fan muhofaza xavfsizlik. – Ташкент, 2020. – №1(4). – С. 167–173.



УДК. 614.841+331.45

ТЕМИР–БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ФИЗИК ХОССАСИНИНГ МЕХАНИЗМИНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ ЁНҒИН ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШНИ РАҚАМЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

*Х.Г. Азимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институтини),*

*т.ф.ф.д.(PhD), доцент Ж. Рашидов (Тошкент архитектура-қурилиш
университетини),*

*т.ф.д. (DSc), профессор Б. Т. Ибрагимов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ
Академиясини),*

*Д.Г. Рашидов (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси
институтини)*

Аннотация: ушбу мақола матнида темир–бетон конструкцияларни

оловбардошлигини ошириш физик хоссасининг механизмини ўрганиш учун рақамли моделлаштириш усули кўриб чиқилган бўлиб, акрил сополимерлари асосида олинган ёнгиндан ҳимояловчи полимер композитли қопламаларни А-23-1, А-23-2 маркалардаги намуналари олинган. Таклиф этилаётган полимер композитларни таркибидаги антипирен миқдори тадқиқ этилди. Антипирен миқдори тутун ҳосил қилишига таъсири ўрганилиб, тажриба синов натижалари аналоглар билан солиштирилиб хулосалар қилинди. Акрил сополимерлари асосидаги А-23-1 маркали ёнгиндан ҳимояловчи полимер композитли қоплама таркибига қўшилган полимер боғловчилар акрил стирол сополимери ва эпоксиполиуретан ҳамда унинг қотирувчиси (гексаметилендиамин) адабиётлар таҳлиллари асосида кимёвий моддаларга барқарорлиги сабабли оловбардош қопламаларда боғловчи полимер сифатида 30–34% гача қўллаш таклиф этилди. Бу орқали масканларда авария қутқарув ишларини ташкиллаштириш корхона ишчи ходимларининг меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ҳам муайян даражада яхшиланиш мумкинлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: моделлаштириш, полимер, кавариқланувчи, кондуктив, конвектив (эркин ва мажбурий) ва нурланиш, восита, стационар, импорт.

Аннотация: в данной статье рассмотрен метод цифрового моделирования для изучения механизма улучшения огнестойкости железобетонных конструкций. Исследованы образцы марок А-23-1 и А-23-2 огнезащитных полимерных композитных покрытий на основе акриловых сополимеров. Изучено содержание антипиренов в предлагаемых полимерных композитах и их влияние на образование дыма. Результаты экспериментов сравнивались с аналогами, сделаны выводы. Полимерные связующие акрилстирольного сополимера и эпоксиполиуретана, а также его отвердитель (гексаметилендиамин), добавленные в состав огнезащитного полимерного композита марки А-23-1 на основе акриловых сополимеров, рекомендованы к использованию в качестве связующего полимера в количестве до 30-34% на основе анализа литературы, благодаря их химической устойчивости. Это исследование также показало, что такие меры могут способствовать улучшению организации аварийно-спасательных работ и повышению безопасности труда работников предприятий.

Ключевые слова: моделирование, полимер, выпуклый, проводящий, конвективный (естественный и принудительный) и радиационный, средство, стационарный, импорт.

Abstract: this article examines the method of digital modeling to study the mechanism of improving the fire resistance of reinforced concrete structures. Samples of fire-protective polymer composite coatings based on acrylic copolymers of grades А-23-1 and А-23-2 were studied. The content of flame retardants in the proposed polymer composites and their impact on smoke formation were investigated. The experimental results were compared with

analogs, and conclusions were drawn. Polymer binders of acryl-styrene copolymer and epoxy-polyurethane, along with its hardener (hexamethylenediamine), added to the composition of the fire-protective polymer composite of grade A-23-1 based on acrylic copolymers, are recommended for use as a binder polymer in amounts up to 30-34% due to their chemical resistance, as evidenced by literature analysis. The study also showed that these measures can improve the organization of emergency rescue operations and enhance workplace safety at industrial facilities.

Keywords: *modeling, polymer, convex, conductive, convective (natural and forced), radiation, medium, stationary, import.*

Темир–бетон конструкцияларнинг ёнғинга бардошлигини синаш вақтида қавариқланувчи химоя қатлами қалинлигининг ўзгаришини соддалаштирилган ва тахминий визуаль назорат усули етарли ҳисобланади. Ушбу шишувчи қоплама қатламини қиздиришда, қатламнинг хусусиятларини шакллантиришда қўшимча тарзда «ANSYS» дастурлар пакети орқали компьютерли моделлаштириш усули ҳам қўлланилган. Юпқа қатламли, оловга бардошли, шишувчи қоплама қопланган темир–бетон конструкциясини ёнғин натижасида қиздириш хусусиятлари рақамли моделлаштириш усули ва тажрибаларни ҳисоблаш кўп функцияли дастурий мажмуа ANSYS ёрдамида МГСУ нинг "компьютерли моделлаштириш" усули асосида амалга оширилди.

ANSYS дастурида иссиқлик алмашинувининг уч хил тури учун ҳисоблаш воситалари ишлатилган: кондуктив, конвектив (эркин ва мажбурий) ва нурланиш. Ушбу воситалар стационар, стационар бўлмаган, чизикли ёки чизикли бўлмаган иссиқлик таҳлиллари учун ишлатилади. Рақамли моделлаштиришга тайёргарлик босқичида масалалар ечиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар берилган. Координата системалари ва чекланган элементлар турлари, термофизик характеристикалар, доимий эластик ва материалларнинг физик–механик хоссалари танланди, қаттиқ ҳолатли модел ва чекланган элемент турлари қурилди, тенглама ва чеклашлар ўрнатилди. Ҳисоблашларни бажариш учун намуна геометрик объектларнинг гуруҳларини ифодаловчи оловга бардошли қоплама, темир–бетон плитаси, юк кўтарувчи арматура каби қатламларга бўлинди (1–расм).

Таdqикотнинг ҳисоблаш маълумотларини тайёрлаш босқичида геометрик ўлчамлар, зичлик, иссиқлик ўтказувчанлик каби тузилмалар, бетон ва резбанинг иссиқлик сиғими, шунингдек, иссиқликнинг таъсир режими ("оддий" ёнғин режими) компьютерга киритилди. Мустақкам моделни яратишдан сўнг ва чегара шартларини белгилашдан кейин, дастур, фойдаланувчининг кўрсатмасига асосан бир чекли элементлардан иборат панжарани юзага келтиради, таҳлилни амалга оширади, панжарали таниб олиш ҳисоби асосида қарор–қарор панжарани катталик ўлчамини ўзгартиради етарли бўлган кўп маротабали текширув ҳаракатларнинг сони бажарилмагунга қадар. Геометрик модель якуний элементлар панжараси билан қоплангандан сўнг дастур автоматик равишда панжара моделининг

модификацияларини тўғри бажарилишини таъминлаш учун уларни ўзаро–кесишган текширилишини таъминлайди, панжарали модельнинг ташқи кўринишини ўзгаришини тўғрилигини кафолатлаш учун.

Ёнғиннинг темир–бетон конструкциясига таъсири турғун бўлмаган жараён бўлгани учун. Ностационар иссиқлик таҳлили дастур пакети томонидан тузилмадаги ҳарорат тақсимотини вақт функциясига доир кўрсаткичларни олиш ва синов намунасида иссиқлик узатиш ва тўплаш вақтида унинг оқимларини аниқлаш учун ишлатилади. Системада тўпланган иссиқликни ҳисоблаш учун материалнинг хоссаси сифатида киритиладиган солиштирма иссиқлик сифими қай даражада қўлланилаётканлигини ҳисоблаш учун фойдаланилади ва у материалнинг хусусияти сифатида бу ҳисоб китобларга киритилади. Ёчимни олгандан сўнг, процессор жараёнидан кейинги босқидан фойдаланиш мумкин бўлади ва унда ҳароратни тақсимланиш харитасини ва бу кўрсаткичларни ҳар қандай маълумотлар жадвали ёки график кўринишда чиқариш имкониятини юзага келтиради, масалан, ностационар жараёнлардаги ҳарорат градиентлари бўйича, ҳар қандай вақт меъзони учун иссиқлик оқимининг зичлигини аниқлаш учун маълумотларни олиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, моделдаги танланган нуқталари учун ҳароратнинг вақтга нисбатан тобелик даражасига оид графикларни олиш мумкин бўлади.

Бу усул муайян вақт давомида оловга чидамли қопламанинг ёпишқоқлик қийматларини кузатиш имконини беради. Адгезия–бу иккита ҳар–хил турдаги суяқлик ёки қаттиқ жисмларни бир–бирига ёпишиб олишини билдиради ва бу алоқа молекуляр боғланиш асосида юзага келиб бу икки жисм бир–бирига туташганда юзага келади. Берилган жисм ичидаги зарралар (атомлар, ионлар ва молекулалар) нинг тортилиши битишув дейилади. Ёпишқоқ қатламнинг мустаҳкамлиги битишув кучлари билан аниқланади. Боғланадиган материалларга уланиши ёпишиш (адгезия) кучларига боғлиқдир. Боғланиш натижаларига боғланган юзанинг рельефи сезиларли таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики, қопланадиган қопламаларнинг нотекистикларнинг тобора ўсиб бориши биланоқ боғланиш нуқталарининг сони тобора ошиб боради, бу эса ёпишиш даражасини янада мустаҳкам бўлишига олиб келади.

Шу муносабат билан, адгезиянинг иккита тури тўғрисида гапирилади: ўзига хос ва асл адгезия тўғрисида боради ва у молекуляр даражада адгезивлаштирувчи ва адгезия таъсирига тушувчи кучларнинг бир–бирига уланиш кучи сифатида намоён бўлади ҳамда гап механик адгезия тўғрисида боради ва унинг мазмуни шундан иборатки адгезив ёпишадиган материалнинг ковакчаларига кириб ва уларда қотиб механик понасимон боғланишни юзага келтиради. Биринчи тури субстрат юзалиklarини зич ва умуман силлиқ бўлган юзаларини ёпиштирганда намоён бўлади, бу эса бизнинг мавзуимизга нисбатан долзарблик аҳамиятига эга эмас чунки бетоннинг юзасининг ғадирбудирлиги билан изоҳланади.

Иккинчи тури эса серковак юзалиklarларда намоён бўлади. Бу назарияга

кўра елимлашда елим билан боғланадиган материал юзаси орасида тикан ёки парчинсимон бирикма каби механик боғланиш ҳосил бўлади. Ҳовак материалларни боғлашда адгезиянинг бу тури устунлик қилади ва бетонни боғлашда кенг тарқалган ҳисобланади. Елимлаш мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи кўпгина омилларни борлигини инобатга олиб ҳозирча ягона адгезия назарияси яратилмаган. Шунинг учун елим кучи пайвандланадиган намуналарни синдириш, бураш ёки кесиш орқали экспериментал аниқланади.

Қоплама ва бетон юзаликлари ўртасидаги ёпишиш кучларининг уланиши ҳар-хил омиллар билан белгиланади: бир-бирига таъсир этувчи жисмларнинг табиати билан; юзаликнинг бирламчи майдонида жойлашган контакт нуқталарининг сони билан; контакт нуқталарининг ўртасидаги масофаси билан; контакт майдони билан; контактга тушган юзаликларнинг диэлектрик ўтказувчанлигини таърифловчи муҳитнинг таърифи билан; ташқи таъсир этиш омиллари билан ҳарорат, босим билан белгиланади. Адгезиянинг моҳиятларини аниқлашнинг бир нечта методлари фан томонидан қўлланилмоқда яъни сиқиш натижасида юзага келган силжиш, чўзиш натижасидаги силжиш, арқон эшиш оқибатидаги силжиш, бир маромдаги узилиш, бурилиш ва хоказо.

Шуни ҳам қўшимча сифатида таъкидлаш зарурки юқоридаги методлар синовдаги материалнинг иккита бир-бирига ёпиштирилган жисмлари учун қўлланилади, бизнинг тадқиқотимизда эса қоплама қўлланилади, унинг бир юзалиги бетон билан алоқа қилса бошқа юзалиги эса атмосфера билан контаклашади. Соф кўринишдаги асл адгезияни фақатгина нормал ҳолда этни узувчи куч ёрдамида тасаввур қилиш мумкин ва у нормал тарангликни юзага келтиради. Адгезиянинг кесими энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, унинг кучи нормал ва тангенталь тарангликларга боғланган шу билан бирга охиргилари устувор аҳамиятга эга бўладилар. Юпқа қатламлар учун адгезияни аниқлаш методи мавжуд бўлиб уларни панжарали кесимлар асосида қўллашади, аммо бу метод бизнинг ҳолатимизда ишончли маълумотларни танлаш имкониятига эга эмас, негаки бетон конструкциясининг юзалиги чунончи уни металл юзалигига қараганда бир-хил бўлмайти чунки тўлдирувчининг ўзида чиғаноқлар, нотекисликлар, туртиб чиққан бўртиқ жойлар ва қопламанинг қалинлик сатхларининг фарқлари билан таърифланади.

Шунинг учун ГОСТ 28089, 28574, 27325, 17460 асосида акрил сополимерлари асосида ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитларининг бетон намуналари сиртига ёпишқоқлигини ўлчаш учун Диаметри = 25 мм бўлган пўлат цилиндрларини нормал ажратиш усули танланган эди. Б 60 синфига мансуб бетон намуналарига қалинлиги 0,5 мм бўлган оловга бардошли қоплама ётқизилди ва бу жараён қатламларни қатламларга ётқизиш асосида амалга оширилди ва нормал шароитларда уларнинг тўлиқ қотишига эришилди. Қотган ва ётқизилган қопламанинг қалинлиги ўлчов натижалари бўйича $2+0,05$ мм га тенг бўлди. Ўлчовларни амалга оширишдан аввал

қопламанинг юзалигини таййорлашди ва уни қумқоғоз билан ишлов берилди, металл цилиндрларнинг пойдеворини идеал холда тутатиши учун ва унинг мақсади контакт нуқталарининг максимал холда кўп бўлишини таъминлаш учун.

Тажриба синов ишларида олинган намуналар асосида тутун ҳосил қилиш коэффицентини экспериментал тарзда аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Таъсир этилган ҳарорат – 14,2 °Сни, босими эса 97,7 кПа ни ташкил қилди. Синов тажрибалари “Тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқлаш” ГОСТ 12.1.044–2018 - бўйича тайёрланган ускунада амалга оширилди (8–расм).



1 – расм. Акрил сополимер асосидаги полимер композит материалларни ҳарорат таъсирида қавариқланиши

Акрил сополимерлари асосида олинган ёнғиндан ҳимояловчи полимер композитли қопламаларни А–23–1, А–23–2 маркалардаги намуналари олинган. Таклиф этилаётган полимер композитларни таркибидаги антипирен миқдори тадқиқ этилди. 1–жадвалда келтирилган антипирен миқдори тутун ҳосил қилишига таъсири ўрганилиб, тажриба синов натижалари аналоглар билан солиштирилиб хулосалар қилинди.

Кейинчалик, металл цилиндрларнинг пойдеворига ёпишқоқ таркиб ётқизилди ва уни қўллаш бўйича мавжуд бўлган йўриқнома асосида кубнинг ҳар–бир қиррасида жойлашган оловга бардошли қатлам билан ёпиштирилди. Оловбардош қопламага эга бўлган намуналарни кўргазмага қўйишди ва бу жараён бир йил давомида амалга оширилди, дарвоқе ҳар бир чоракда улар ичидан адгезияни аниқлаш учун бир куб олинди. Металл цилиндрларни оловбардош юзаликка ёпиштиргандан сўнг елим таркибининг қуриш вақти 2 суткага тенг бўлиб бу жараён 20±5 °С да амалга оширилди. Мазкур вақт ўтганидан сўнг ПСО–1 МГ4 мослама ёрдамида диаметри – 25 мм бўлган пўлат дискларни нормал узиш учун қандай куч сарфлаш лозимлиги ўлчанди.

Албатта, портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони йил сайин кўпайиб бораётгани сабабли, улардаги портлаш хавфи кўрсаткичи ҳам ошиб бормоқда. Чанг дисперсиясининг ошиши натижасида портлаши, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида энг кам ўрганилган хавфлардан бири саналади. Дунёда ҳар йили беш юзга яқин корхоналарда саноат чанглари туфайли кичик ҳажмда ёнғин ва портлашлар содир бўлади. 2016-2021 йиллар оралиғида 200 дан ортиқ йирик корхоналарда содир бўлган катта ҳажмли

портлашларнинг асосий сабаби, чанг билан боғлиқ портлашлар эканлиги ачинарли ҳолатдир. Акрил сополимерлари асосидаги А–23–1 маркали ёнғиндан химояловчи полимер композитли қоплама таркибига қўшилган полимер боғловчилар акрил стирол сополимери ва эпоксиполиуретан ҳамда унинг қотирувчиси (гексаметилендиамин) адабиётлар таҳлиллари асосида кимёвий моддаларга барқарорлиги сабабли оловбардош қопламаларда боғловчи полимер сифатида 30–34% гача қўллаш таклиф этилди. Бино ва иншоотларнинг ёнғин, сейсмик хавфсизлигини ошириш орқали масканларда авария қутқарув ишларини ташкиллаштириш корхона ишчи ходимларининг меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ҳам муайян даражада яхшиланиш мумкинлиги ўрганилган.

1 – жадвал

Акрил сополимерлари асосидаги А–23–1 маркали ёнғиндан химояловчи полимер композитли қопламаларни тутун ҳосил қилиш хусусиятлари

А–23–1 маркали композитларни тутун ҳосил қилиш хусусиятларни аниқлаш, %	Ёнувчанлик		Тутун ҳосил қилиш коэффициенти, D_m , м ² /кг	
	Ишлов беришгача	Ишлов берилгандан сўнг	Ишлов беришгача	Ишлов берилгандан сўнг
10	ЕА	ҚА	350	320
20			350	305
34			350	260

ЕА (Ёнгил алангаланувчи), ҚА (Қийин алангаланувчи).

Россия Федерацияси, Германия ва Франция давлатлари томонидан ишлаб чиқилган олов ва иссиқликдан самарали химояловчи лок–бўёқларининг таннарҳи килограмми тахминан 67000 сўмни ташкил этади. Италия давлатидан олиб келинаётган лок буюқларни тан тарҳи килограмм ҳисобида 74000 минг сўмни ташкил этиши аниқланди.

Ёнғинбардош композитларни янги таркибларнинг кислород индекси, физик–механик хоссалари тадқиқ этилди кислород индекси 19.5 % дан 40 % гача оширилганлиги тажриба синовлар асосида ўрганилишига эришилган бўлиб, янги таркибли лок–бўёқ материалларини саноат миқёсида ишлаб чиқилиши, республикамизнинг импорт кўламини кескин камайитириши эришиш имконияти яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар;

1. Ламкин, О.Б. Современные средства огнезащиты железобетона в высотных и подземных сооружениях. Бетон и железобетон – пути развития О.Б. Ламкин //Сб. науч. тр. 2–ой Всероссийской (Международной) конференции по бетону и железобетону. Том 6. М.: Дипак, 2005. – С. 58–63.

2. Муртазаев К.М., Мухиддинов Д.Н., Нуркулов Ф.Н. Основные принципы построения структуры огнезащитных вспучивающихся полимерных покрытий на основе эпоксидных смол. Научный вестник НамГУ 2021 год. №7. С. 80–86.

3. ГОЗСТ 30247.0–94. Конструкции строительные. Методы испытания на

огнестойкость. Общие требования – Взамен СТ СЭВ 1000–78, СТ СЭВ 5062–85; введ. 01.01.1996. – М.: Изд-во стандартов, 2003. – 7с.

4. Ламкин, О.Б. Современные средства огнезащиты железобетона в высотных и подземных сооружениях. Бетон и железобетон – пути развития / О.Б. Ламкин //Сб. науч. тр. 2-ой Всероссийской (Международной) конференции по бетону и железобетону. Том 6. М.: Дипак, 2005. – С. 58–63.

5. Гитман, Ф.Е. Расчет железобетонных перекрытий на огнестойкость [Текст] / Гитман Ф.Е., Олимпиев В.Г. – М.: Стройиздат, 1970. – 231 с.

UO‘K 614.84265

YENGIL ALANGALANUVCHI VA YONUVCHI SUYUQLIKLARNING YERGA TO‘KILIB YONISHI BILAN BOG‘LIQ YONG‘INLARNI O‘CHIRISH UCHUN TALAB QILINADIGAN KUCH VA VOSITALARNI HISOBLASH SAMARADORLIGINI BAHOLASH

K.Nortillayev (FVV Akademiyasi)

Annotatsiya. ushbu maqolada yong‘inni izolyatsiya qilish usulida o‘chirish uchun talab qilinadigan kuch va vositalarning miqdorini oldindan aniqlash va yong‘inni o‘chirish ishlariga jalb qilish uchun C++ dasturlash tilida ishlab chiqilgan “Yengil alangalanuvchi va yonuvchi suyuqliklarning yerga to‘kilib yonishi bilan bog‘liq yong‘inlarni o‘chirish uchun talab qilinadigan kuch va vositalarni hisoblash bo‘yicha dasturiy ta‘minot”ning ishlash prinsipi, ushbu dasturga kiritilgan formulalar, qiymatlar va boshqa ma‘lumotlar keltirilgan. Dasturiy ta‘minot orqali hisoblash amallari bajarilgan va shartli yong‘inga chiqish sharoitida sinov tajribalari o‘tkazildi va olingan qiymatlar o‘zaro solishtirilib, dasturiy ta‘minotning yong‘in o‘chirish amaliyotidagi samaradorligi aniq qiymatlarda ilmiy jihatdan asoslandi Solishtirish natijalariga ko‘ra fikr va mulohazalar bildirilib, ushbu dasturning o‘ziga xos afzalliklariga atroflicha yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar. yong‘in, yong‘in-qutqaruv, C++ dasturlash tili, ekipaj, atrof-muhit, kuch va vositalar, tezkor – taktik, pozitsiya, fazoviy-vaqtinchalik dislokatsiya, axborot-kommunikatsion texnologiyalar, dasturiy ta‘minot, yong‘inga qarshi devor, sisterna, yoqilg‘i, avtomobil, rezina shlang, patrubka, dispatcher, neft mahsuloti, ko‘pik hosil qiluvchi modda, dastak, umumiy suv sarfi.

Аннотация: в данной статье разработан язык программирования C++ для предопределения количества сил и средств, необходимых для тушения пожара изолированным способом и привлечения к работам по тушению пожара: «При разливе ЛВЖ и горючих жидкостей на землю и горении. Работа программного обеспечения для расчета сил и средств, необходимых для тушения сопутствующих пожаров, представлена формулами, значениями и другой информацией, входящей в данную программу. С помощью

программного обеспечения проводились расчетные операции, проводились тестовые эксперименты в условиях условного пожара, полученные значения сравнивались между собой, а эффективность программного обеспечения в практике пожаротушения была научно обоснована на конкретных значениях. По результатам сравнения даются мнения и комментарии, а также подробно освещаются конкретные преимущества данной программы.

Ключевые слова: *огонь, пожарно-спасательный, язык программирования C++, экипаж, окружающая среда, силы и средства, оперативно-тактический, позиция, пространственно-временная дислокация, информационно-коммуникационные технологии, программное обеспечение, противопожарная стена, бак, топливо, транспортное средство, резиновый шланг, кран, диспетчер, нефтепродукт, пенообразователь, ручка, общий расход воды.*

Abstract: *in this state, the C++ programming language is developed for pre-determining the amount of silt and means necessary for the fire. Work on programmynogo obespecheniya dlya rascheta sil and sredstv, nebhodimyyh dlya tushiya soputstvuyushchih pojarov, predstavlena formula, znacheniyami and secondoy informatsiey, khodyashchey and danuyu program. S pomoshchyu programmynogo obespecheniya provodilis raschetnye operatsii, provodilis testovye eksperimenty v usloviyax uslovnogo pojava, poluchennyye znacheniya sravniivalis mejdu soboy, After the results of the comparison, opinions and comments will be given, as well as concrete advantages of the program.*

Keywords: *fire, fire-rescue, C++ programming language, crew, environment, force and means, operational-tactical, position, space-time dislocation, information-communication technologies, software security, firewall, tank, fuel, means of transport, rubber hose, faucet, dispatcher, oil product, foaming agent, pen, public water supply.*

Yong'in - qutqaruv bo'linmalarining ekipajlari tomonidan yong'inni o'chirishni tashkil etish atrof-muhitning noaniq omillari mavjud bo'ladigan sharoitlarida amalga oshiriladigan murakkab tashkiliy va boshqaruv jarayonlariga o'xshaydi [1, 2]. Yong'in - qutqaruv bo'linmalarining kuch va vositalarini boshqarish tizimini ishga tushirish tezkor - taktik harakatlarni amalga oshirilishi bilan bog'liq bo'lib, ushbu tizimni ishlab chiqish jarayoni yong'in bartaraf qilingunga qadar amalga oshirilishi lozim [3-5].

Muayyan tezkor-taktik harakatlarni amalga oshirish uchun umumiy vazifa ostida birlashtirilgan kuch va vositalar yig'indisi pozitsiyalar shaklida qulay tarzda ifodalanishi mumkin. Pozitsiya - umumiy fazoviy-vaqtinchalik dislokatsiya, maqsadli funktsiya va ma'lum bir yong'in o'chirish uchastkasida yagona vazifa ostida birlashtirilgan yong'in-qutqaruv bo'linmalari kuch va vositalarini boshqarish tizimi elementlarining yig'indisi hisoblanadi [6].

Ushbu harakatlarni samarali amalga oshirish uchun yong'in o'chirish jarayoniga axborot-kommunikatsion texnologiyalarni, xususan, dasturiy ta'minotlarni yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Yuqoridagilarni inobatga olgan

holda, C++ dasturlash tili yordamida “Yengil alangalanuvchi va yonuvchi suyuqliklarning yerga to‘kilib yonishi bilan bog‘liq yong‘inlarni o‘chirish uchun talab qilinadigan kuch va vositalarni hisoblash bo‘yicha dasturiy ta‘minot” ishlab chiqildi va yong‘inni o‘chirish jarayoniga tadbqiq qilish orqali samaradorligini baholash bo‘yicha amaliy sinov tajribalari o‘tkazildi. Sinov tajribalari Toshkent shahar Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi Bektemir tumani Favqulodda vaziyatlar bo‘limida shartli yong‘inga chiqish sharoitida o‘tkazildi.

Yong‘in sodir bo‘lgan joy haqida qisqacha ma‘lumot. Yong‘in “UzGazOil” MCHJ hududida sodir bo‘lgan.

Yong‘indagi vaziyat. “UzGazOil” MCHJ hududida 2 ta 25 kub.metr hajmga ega 4 ta yer osti sig‘imlari mavjud. Ular bir-biri bilan yong‘inga qarshi devor orqali ajratilgan. 25 kub.metr hajmga ega sisternaga yoqilg‘i quyish uchun Kamaz-25213 yoqilg‘i tashuvchi avtomobil yetib keladi va sisternaga AI-80 rusumli benzinni quyayotganda, rezina shlangning avtomobilga ulangan joyida nosozlik yuzaga keladi, ya‘ni ochilib ketadi va yerga avtomobildagi yengil alangalanuvchi suyuqlik yoyilishni boshlaydi. Shu vaqtda avtomobilning patrubkasini yopish uchun harakat qilayotgan haydovchi patrubkani yopish o‘rniga avtomobilni o‘t oldiradi. Yuzaga kelgan chaqnash oqibatida yerga yoyilib ketgan AI-80 benzini butun yoqilg‘i quyish shahobchasi bo‘ylab yonish orqali tarqalishni boshlaydi.

Yong‘in sodir bo‘lgan vaqt: avgust oyining 10-sanasi, soat - 13.10. Yong‘in sodir bo‘lganligi haqida Toshkent shahar Navbatchi-dispatcherlik xizmatiga xabar kelib tushadi. Xabarni olgan xizmat dispatcheri chiqish jadvaliga asosan Bektemir tumani Favqulodda vaziyatlar bo‘limiga yong‘in sodir bo‘layotganligi haqida xabar beradi. Olingan xabar bo‘yicha bo‘lim dispatcheri yong‘in sodir bo‘lgan joyga kapitan B.Asadov boshchiligidagi 2 ta yong‘in-qutqaruv ekipajlarini Isuzu FVR23K va MAN TGM13.240BB avtotsisternalarida yong‘in joyiga jo‘natadi.

Bo‘lim dispatcheri “Turli xil maskanlarda sodir bo‘lgan yong‘inlarni o‘chirishda yong‘in o‘chirish rahbari, tezkorlik shtab, yong‘in o‘chirish uchastkasi va ta‘minot boshliqlarini hamda yong‘indan saqlash xizmati shaxsiy tarkibining vazifalari va amalga oshirish bilan bog‘liq bo‘lgan harakatlari yuzasidan tavsiyalar” nomli hujjat talablaridan kelib chiqqan holda, yong‘in haqida xabar bergan yoqilg‘i quyish shahobchasi ishchisidan yong‘in sodir bo‘lgan joy, nima yonayotganligi va taxminan yong‘in maydoni necha kv.metrni tashkil qilayotganligi haqida ma‘lumot beradi [6].

Bo‘linmalarga boshchilik qilib ketayotgan 1-yong‘in o‘chirish rahbari (B.Asadov) yong‘in joyiga borayotganda markaz dispatcheridan olingan ma‘lumotlarni Yengil alangalanuvchi va yonuvchi suyuqliklarning yerga to‘kilib yonishi bilan bog‘liq yong‘inlarni o‘chirish uchun talab qilinadigan kuch va vositalarni hisoblash bo‘yicha dasturiy ta‘minot”ga kiritdi.

Shundan keyin qiymat tugmasini bosdi.

Dastur oynasida ko‘pik hosil qiluvchi modda aralashmasining talab etiladigan sarfi 32 l/s ni, ko‘pik hosil qiluvchi modda aralashmasi miqdori bilan ta‘minlash uchun talab etiladigan o‘rta karrali ko‘pik uzatuvchi GPS-600 generatorlarining soni 6 ta GPS-600 ni, yonayotgan neft mahsulotini muvaffaqiyatli bartaraf etish uchun

zaxirani hisobga olgan holda, ko'pik hosil qiluvchi moddaning talab etiladigan miqdori 3888 litrni, yong'inni o'chirish uchun talab etiladigan ko'pik hosil qiluvchi moddani yong'in sodir bo'lgan joyga olib keladigan yong'in o'chirish avtomobillarining soni 1 ta AV-40(375)S-60 ni, sodir bo'lgan yong'inni o'chirish uchun talab etiladigan umumiy suv miqdori 33,84 l/s ni, himoya uchun uzatiladigan dastaklar soni 2 ta ni, yong'inni o'chirish va himoya uchun talab etiladigan umumiy suv sarfi 41,24 l/s ni, yong'inni o'chirish uchun 20 nafar yong'in-qutqaruvchi, ya'ni 5 ta yong'in-qutqaruv ekipaji talab qilinishi ma'lum bo'ldi.

Bo'linmalarga rahbarlik qilib ketayotgan 1-yong'in o'chirish rahbari (B.Asadov) hisoblash amallari yakuniga ko'ra yong'in sodir bo'lgan joyga yetib bormasdan yordamga yana 2 ta asosiy turdagi yong'in o'chirish avtomobili zarurligi haqida markaz dispatcheriga axborot berdi.

Yong'in sodir bo'lgan joyga yetib kelgan birinchi yong'in o'chirish rahbari yong'in haqida ma'lumot berdi: yong'in maydoni taxminan 415 kv.metr.

Nazariy jihatdan hisoblash amallari bajarilganda:

$$S_{yong'.may.2} = \pi \cdot R_2^2 = 3,14 \cdot 11,5^2 = 415,27 \text{ m}^2$$

Bu yerda: R – yong'inning bosib o'tgan masofasi, 11,5 metrga teng.

Ishlab chiqilgan dasturning samaradorligini baholash.

Baholash natijasi quyidagicha:

1. Ishlab chiqilgan dastur asosida hisoblash amali bajarilganda, yong'in maydoni taxminan 15 kv.metrga farq qildi.

2. Yong'in joyiga yetib kelmasdan, yong'in sodir bo'lgan joyga yana 2 ta yong'in-qutqaruv avtomobili talab qilinishi haqida kutilganidan 2 daqiqa oldin xabar berildi.

3. Yong'in sodir bo'lgan joyga yetib borgan birinchi yong'in o'chirish rahbari yong'in holatini aniqlagandan keyin yong'in joyiga yana 2 ta yong'in-qutqaruv avtomobili kerak bo'lishini aytsa, o'rtadagi farq kamida 4 daqiqani tashkil qiladi. Demak, hisoblash amallari yordamida xabar 4 daqiqa kech berilganda yong'inni o'chirish uchun qancha miqdorda kuch va vositalar talab qilinishini hisoblaymiz.

Yong'in sodir bo'lgan vaqtdan boshlab, yong'inga oxirgi yong'in o'chirish kuch va vositalarini kiritgunga qadar yong'inning maydonini aniqlaymiz. Agar yong'in har ikki daqiqada 1 metrga kengayadigan bo'lsa:

$$S_{yong'.may.2} = \pi \cdot R_2^2 = 3,14 \cdot 13,5^2 = 572,26 \text{ m}^2$$

Bu yerda: R – yong'inning bosib o'tgan masofasi, 13,5 metrga teng.

Yong'in joyiga yordamga chaqirilgan bo'linma yetib kelgan vaqtda yong'in maydoni 572,26 m² ni tashkil qilgan. O'rtadagi farq 172,26 m².

1. Ko'pik hosil qiluvchi modda aralashmasining talab etiladigan sarfini aniqlaymiz:

$$Q_{aralashma}^{khqm} = S_{yong'.maydoni} \cdot J_{aralashma} = 572,26 \cdot 0,08 = 45,78 \text{ l/s}$$

Bu yerda: $S_{yong'.maydoni}$ - to'kilgan suyuqlik oynasining maydoni, 572,26 m²;
 $J_{aralashma}$ - yong'inni bartaraf etish uchun uzatiladigan ko'pik hosil qiluvchi modda

aralashmasining talab etiladigan jadalligi, neft mahsuloti uchun bu jadallik $0,08 \text{ l/(s}\cdot\text{m}^2)$ ga teng (2.13-jadval) [7].

2. Ko‘pik hosil qiluvchi modda aralashmasi miqdori bilan ta‘minlash uchun talab etiladigan o‘rta karrali ko‘pik uzatuvchi GPS-600 generatorlarining sonini aniqlaymiz:

$$N_{\text{GPS-600}} = Q_{\text{aralashma}} : q_{\text{aralashma}}^{\text{GPS}} = 45,78 : 6 = 7,63 \approx 8 \text{ ta GPS-600}$$

Bu yerda: $q_{\text{aralashma}}^{\text{GPS}}$ – 1 ta GPS-600 generatorining 1 soniyada uzatib beradigan ko‘pik aralashmasi sarfi, 6 l/s ga teng (3.50-jadval) [8].

3. Yonayotgan AI-80 benzinini muvaffaqiyatli bartaraf etish uchun zaxirani hisobga olgan holda, ko‘pik hosil qiluvchi moddaning talab etiladigan miqdorini aniqlaymiz:

$$Q_{\text{khqm}}^{\text{umum}} = N_{\text{GPS-600}} \cdot q_{\text{khqm}}^{\text{GPS}} \cdot \tau_{\text{o‘chir.vaqti}} \cdot k_{\text{khqm}}^{\text{zaxira}} \cdot 60 = 8 \cdot 0,36 \cdot 10 \cdot 3 \cdot 60 = 5184 \text{ l}$$

Bu yerda: $N_{\text{GPS-600}}$ – yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan GPS-600 generatorlarining soni, 8 ta; $q_{\text{khqm}}^{\text{GPS}}$ – GPS-600 generatorining ko‘pik hosil qiluvchi moddani uzatish sarfi, 0,36 l/s, (3.50-jadval) [9]; $\tau_{\text{o‘chir.vaqti}}$ – yong‘inni o‘chirishning hisoblangan vaqti, 10 daqiqa, (3.50-jadval) [9]; $k_{\text{khqm}}^{\text{zaxira}}$ – yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan ko‘pik hosil qiluvchi moddaning zaxira koeffitsienti 3 soatga teng, 2.20-jadval [9]; 60 – daqiqani soniyalarga o‘tkazish.

4. Yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan ko‘pik hosil qiluvchi moddani yong‘in sodir bo‘lgan joyga olib keladigan yong‘in o‘chirish avtomobillarining sonini aniqlaymiz:

$$N_{\text{AV}} = Q_{\text{khqm}}^{\text{umum}} / W_{\text{av}} = 5184 / 4000 \approx 2 \text{ ta AV-40(375)S-60}$$

Bu yerda: W_{av} – avtomobil sisternasi hajmi, 4000 litr [10].

5. Sodir bo‘lgan yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan umumiy suv miqdorini aniqlaymiz:

$$Q_{\text{GPS}}^{\text{t.e.suv}} = N_{\text{GPS}} \cdot q_{\text{GPS}}^{\text{suv}} = 8 \cdot 5,64 = 45,12 \text{ l/s}$$

Bu yerda: N_{GPS} – yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan GPS-600 generatorlarining soni, 3 ta; $q_{\text{GPS}}^{\text{suv}}$ – GPS-600 generatorining bir soniyada uzatadigan suv sarfi, 5,64 l/s ga teng (3.50-jadval) [9].

6. Yoqilg‘i quyish shaxobchasi hududiga ma‘muriy binoni 4 ta tomondan yong‘indan himoya qilish uchun 4 ta QD-50 dastaklari uzatiladi.

Yong‘inda yuzaga kelgan vaziyat, “Yong‘indan saqlash xizmati bo‘linmalari tomonidan yong‘inlarning o‘chirilishini tashkil etish tartibi to‘g‘risida”gi Nizom talablari va YoO‘Rning ko‘rsatmasiga asosan dastaklar yong‘inning tarqalib ketishini oldini olish maqsadida uzatiladi [11].

7. Yong‘inni o‘chirish va himoya uchun talab etiladigan umumiy suv sarfini aniqlaymiz:

$$Q_{\text{umumiy}}^{\text{suv}} = Q_{\text{GPS}}^{\text{t.e.suv}} + Q_{\text{QD-70}}^{\text{himoya}} = 45,12 + (4 \cdot 3,7) = 59,9 \text{ l/s}$$

8. Yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan shaxsiy tarkib sonini aniqlaymiz:

$$N_{sh.t.} = N_{GPS-600} \cdot n_{odam} + N_{QD-70} \cdot n_{odam} + N_{yeng.naz.} \cdot n_{odam} + N_{aloqachi} \cdot n_{odam} = \\ = 8 \cdot 2 + 4 \cdot 1 + 4 \cdot 1 + 2 \cdot 1 = 26 \text{ nafar yong'in-qutqaruvchi}$$

Bu yerda: $N_{GPS-600}$ – yonayotgan rezervuarni o‘chirish uchun uzatilayotgan GPS-600 generatorlarining soni, 8 ta GPS-600; n_{odam} – dastak bilan ishlayotgan shaxsiy tarkib soni, (5.7-jadval) [9]; N_{QD-70} - yong‘inni o‘chirish uchun uzatiladigan QD-70 dastaklarining soni, 4 dona; $N_{yeng.naz.}$ - magistral yenglarni nazorat qiluvchi xodimlarning soni (5.7-jadval) [9]; $n_{aloqachilar}$ – aloqachilar soni, (5.7-jadval) [9].

9. Yong‘inni o‘chirish uchun talab etiladigan ekipajlar sonini aniqlaymiz:

$$N_{ekipaj\ ATS} = N_{sh.t.} / n_{sh.t.\ ek\ ATS} = 26 / 4 = 7 \text{ ta ekipaj ATS.}$$

Bu yerda: $n_{sh.t.\ ek\ ATS}$ – ATS dagi shaxsiy tarkib soni, garnizonning jangovar hisobi asosan yong‘in o‘chirish avtotsisternalari bilan jamlangan, shuning uchun bitta ekipajdagi o‘rtacha shaxsiy tarkib soni 4 nafar deb qabul qilinadi (5.2-paragraf, 11-band) [9].

Xulosa: Dasturdan foydalanilganda, yong‘inni to‘liq bartaraf qilish uchun 4 ta ekipaj, foydalanilmaganda esa 7 ta ekipaj talab qilinishi hisoblash amallari yordamida aniqlandi. Ya’ni, dasturiy ta’minotdan foydalanilganda 172,26 kv.metr maydon yong‘indan saqlab qolinadi. Buning uchun faqat dasturiy ta’minotdan to‘g‘ri va o‘z vaqtida foydalanish talab qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Qo‘ldoshev A.H., Sabirov E.E., Sultonov S.S. Yong‘in o‘chirish taktikasi. Darslik. O‘zbekiston Respublikasi IIV Yong‘in xavfsizligi instituti, -T.: Cho‘lpon nomidagi NMIU. 2017. 10-b.
2. Верзилин М.М., Повзик Я.С. Пожарная тактика: Учеб. пособие -М.: ЗАО «Спецтехника НПО» 2007. С. 29-32.
3. Тербнев В.В., Подгрушный А.В. Под общей редакцией М.М.Верзилина. Пожарная тактика. Основы тушения пожаров: учеб. пособие / В.В.Тербнев, А.В.Подгрушный. –М.: Академия ГПС МЧС России, 2009. С. 40-45.
4. Тербнев В.В. Справочник руководителя тушения пожара. Тактические возможности пожарных подразделений. –М.: Пожкнига, 2004. С. 8-25.
5. E.E.Sabirov Yong‘in o‘chirish taktikasi. [Matn]: o‘quv qo‘llanma. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi Akademiyasi. – Toshkent, 2021 yil. – 426 bet.
6. “Турли хил масканларда содир бўлган ёнғинларни ўчиришда ёнғин ўчириш раҳбари, тезкорлик штаб, ёнғин ўчириш участкаси ва таъминот бошлиқларини ҳамда ёнғиндан сақлаш хизмати шахсий таркибининг вазифалари ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари юзасидан тавсиялар”. Тошкент, 2010 йил.
7. Тербнев В. В. Расчет параметров развития и тушения пожаров (Методика. Примеры. Задания). – Екатеринбург : Калан, 2011. – 460 с.
8. Тербнев В.В., Грачев В.А. Пожарная тактика. Учебник. –М.: Академия ГПС МЧС Россия, 2015. -547 с.

9.Иванников В.П., Ключ П.П., Справочник РТП.-М.: Стройиздат, 1987 г.
С. 6. “Yong‘in o‘chirish rahbari uchun ma‘lumotlar to‘plami” / M.B.Musaxojiev, E.E.Sabirov. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi Akademiyasi. – Toshkent.: Fuqaro muhofazasi instituti nashriyoti, 2021 yil. 22-b.

10.“Yong‘indan saqlash xizmati bo‘linmalari tomonidan yong‘inlarning o‘chirilishini tashkil etish tartibi to‘g‘risidagi Nizom. Toshkent, 2019 yil.

УЎК 614.841:658.382

ЁНГИН ПАЙТИДА ОДАМЛАРНИ ХАВФИЗ ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ

Ж. Алиёров (Ўзбекистон Республикаси Фавқулodда вазиятлар вазирлиги Академияси 5-курс курсанти)

Аннотация: Ушбу мақолада бино ва иншоотларда фавқулodда вазиятлар ва ёнгин содир бўлганда улардаги одамларни эвакуация қилишнинг умумий вақти, ёнгин содир бўлганидан одамларни эвакуация қилиш бошланишигача бўлган вақт оралигидан ва эвакуация қилишнинг тахминий вақти, одамлар оқими йўналишининг алоҳида қисмлари, эвакуация бошланган пайтда одамлар жойлашган жойдан эвакуация чиқиш жойларига ўтиш вақти параметрлари каби асосий ҳажмий-режаслаштириш тадбирлари ҳориж тажрибаси асосида ўтказилган тадқиқотлар билан солиштириш асосида тахлиллар амалга оширилган.

Калит сўзлар: одамлар оқими параметри, зичлик, ҳаракат, эвакуация, ёнгин, тадқиқот, хавфсизлик.

Аннотация: В данной статье общее время эвакуации людей, находящихся в зданиях и сооружениях при возникновении чрезвычайной ситуации и пожара, временной интервал от возникновения пожара до начала эвакуации людей и расчетное время эвакуации отдельных участков направления поток людей, переход от расположения людей в момент эвакуации к эвакуационным выходам. Анализ проводился на основе сравнения с исследованиями, проведенными на основе зарубежного опыта основных объемно-планировочных мероприятий, таких как: параметры времени.

Ключевые слова: параметр потока людей, плотность, движение, эвакуация, пожар, исследование, охрана.

Annotation: In this article, the total time of evacuation of people in buildings and structures in case of emergency and fire, the time interval from the occurrence of fire to the start of evacuation of people, and the estimated time of evacuation, separate parts of the direction of the flow of people, the transition from the location of people at the time of evacuation to the evacuation exits The analysis was carried out based on comparison with studies conducted based on foreign experience of the main volume-planning activities, such as time parameters.

Keywords: *people flow parameter, density, movement, evacuation, fire, research, security.*

Ёнғинларда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш устувор вазифадир. Бу жараёнда энг муҳим ўрин одамларни эвакуация қилишдир. Эвакуация қилишнинг умумий вақти ёнғин содир бўлганидан одамларни эвакуация қилиш бошланишигача бўлган вақт оралиғидан ва эвакуация қилишнинг тахминий вақтидан иборат бўлиб, бу одам оқими йўналишининг алоҳида қисмлари бўйлаб, эвакуация бошланган пайтда одамлар жойлашган жойдан эвакуация чиқиш жойларига ўтиш вақтининг йиғиндисидир. Албатта иқтисодиёт тармоқларида ҳам меҳнат муҳофазасини таъминлаш, шикастланиш ва тан жароҳатларининг олдинр олиш ҳам муҳим саналади.

Шу соҳанинг профессори А.И.Милинскийнинг илмий ишлари аввалги ишлардан кенгрок кўлами ва мукаммал методикаси билан ажралиб турарди. Ушбу тадқиқотларда одамларнинг ўлчамлари ўрганилди, турли хил йўллар (горизонтал, тепага ва пастга йўналган зиналар) орқали одам оқимининг ҳаракат тезлиги ва зичлиги ўлчанган. А.И.Милинскийнинг тадқиқотида, одам оқимининг зичлиги одамлар сонининг ёки уларнинг горизонтал проекциялари йиғиндисининг улар эгаллаган майдонга нисбати сифатида қаралган. В.М.Предтеченскийнинг фикрича, одамлар ўз йўналишининг вақти ва мақсади ҳақида олдиндан тасаввурга эга бўлса, нормал ҳаракат, одатда, ҳатто одам оқимининг зичлиги сезиларли бўлган ҳолларда ҳам бир маромда, жиддий оғишларсиз кечади.

Профессор В.М.Предтеченский одамлар оқимининг ҳаракат тезлигининг горизонтал йўналиш учун нормал шароитлардаги зичлигига боғлиқлигини эмпирик ифода билан тасвирлашни таклиф этган. Хорижий давлатларда эвакуация ишларининг назарий мулоҳазалар тизими жамлаштирилган тажрибалар базаси мавжуд (1960 йилларда дунёдаги энг кенг кўламли) бўлса ҳам, 1970 йилларнинг охирига келиб мавжуд бўлган базанинг атиги тўртдан бир қисмини ташкил этган холос. Олиб борилган таҳлиллар ва изланишлар натижасига асосан, сўнгги йилларда Россия ФВВ ДЁХ Академиясида мактабгача таълим муассасаларидан болаларни эвакуация қилиш, стационар ижтимоий муассасаларда кекса ёшдаги фуқароларнинг ҳаракатланиши, одамлар кўп бўладиган биноларда соғлиқ имкониятлари чекланган болаларни эвакуация қилиш тадбирлари ўрганилган. Вьетнамда эса, кўп қаватли турар-жой бинолардан одамларни эвакуация қилиш жараёни ўрганилган. Тадқиқотчи Д.А.Самошиннинг ишини ҳам қайд этиб ўтиш лозим, унда у биноларнинг асосий функционал контингентининг таркиби ва гуруҳларини фарқлаган ва одамлар оқимини 10 та гуруҳга ажратиб олган. Кейинчалик бу ажратилган гуруҳларга мос эвакуациянинг ҳисобий таркиби ва гуруҳлари ишлаб чиқилган.

Эвакуация вақтини тўғри ҳисоблаш учун эвакуация бошланиш вақтини ҳисобга олишнинг аҳамияти XX асрнинг 70-йилларида қайд этилган. Совет олимлари ушбу йўналишдаги хорижий тадқиқотчиларнинг ишларини таҳлил қилиб, ёнғинда одамларнинг хулқ-атвори, ҳолати ва ҳаракатларини баҳолаш

натижалари жуда умумий ёки аксинча, жуда хусусий деб тавсифланганлигини ва кўринадиган кенглик ва кўп ўлчовлиликка қарамай, етарли даражада аниқ эмаслигини таъкидладилар. Тажрибаларнинг аксарияти одамларнинг ҳаракатларини оддий кузатиш ва ташқи рўйхатга олиш хусусиятига эга бўлиб, назарий ғояларга таянмаган.

Эвакуация йўллари ёритиш. Ёритиш тизимлари ва турлари жамоат бинолари ва иншоотларида фавқулодда ёритиш ШНҚ 2.01.05-19 ҳужжати талабларига, шунингдек иситиш пунктлари ва турар-жой биноларининг насосхоналари талабларига жавоб бериши керак. Жамоат бинолари ва иншоотларида эвакуация ёритгичлари ШНҚ 2.08.02-09 талабларига мувофиқ ташкил этилиши керак. Турар-жой биноларида эвакуация ёритгичлари 6 қават ва ундан ортиқ бино баландлигида, шунингдек, 50 ва ундан ортиқ кишилик бир қатор аҳолиси бўлган ётоқхоналарда таъминланиши керак.

Эвакуация ёритиш мосламалари асосий ўтиш йўллари бўйлаб қабулхоналарда (вестибюлларда), лифт залларида ва лифтлар олдидаги платформаларда, шунингдек узунлиги 10 m дан ортиқ йўлакларда ўрнатилиши керак. Тутун қопламайдиган зина катаклари учун ёритиш линиялари эвакуация ёритиш тармоғига уланиши керак. Шу билан бирга, ёритилганлик даражаси ишлайдиган ёритиш меъёрларига мувофиқ таъминланади, бундай ҳолда унинг тармоғи таъминланмайди. “Чиқиш” ёруғлик кўрсаткичлари ўрнатилиши керак:

овқатланиш ва мажлислар заллари, аудиториялар, конференция заллари ва бир вақтнинг ўзида 100 дан ортиқ одамни сиғдира оладиган бошқа бинолардан чиқишда;

умумий сони 50 дан ортиқ одам доимий равишда бўладиган биноларга улашган йўлаклардан чиқишда; конференция заллари ва мажлислар заллари сахналаридан чиқишда;

узунлиги 25 m дан ортиқ бўлган йўлаклар бўйлаб ва ҳар бир қаватда 50 кишидан ортиқ сиғимга эга йўлак типдаги ётоқхоналарда. Шу билан бирга, ёруғлик кўрсаткичлари бир-биридан 25 m дан ошмайдиган масофада, шунингдек йўлаклар буриладиган жойларда ўрнатилиши керак;

умумий майдони 180 m² ва ундан ортиқ бўлган савдо залларидан барча дўконларда мижозлар учун чиқиш жойларида ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш дўконларида - 110 m² ва ундан кўп.

“Чиқиш” ёруғлик белгилари эвакуация ёки фавқулодда ёритиш тармоғига уланиши ва камида 2 m баландликда ўрнатилиши керак. Ёнғин гидрантлари (агар улар учун ёруғлик кўрсаткичлари ишлатилмаса) ички эвакуация ёки фавқулодда ёритиш тармоғига уланган ёритгичлар билан ёритилиши керак. ШНҚ 2.01.05-19 га мувофиқ “А” ва “Б” тоифадаги кўчалар, йўллар ва майдонларда жойлашган биноларда 10 кВт қувватга эга ёритиш мосламаларини улаш имконияти бўлиши керак.

XX асрнинг 70-йиллари охирида совет олимлари ёнғиннинг дастлабки босқичида одамларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишнинг назарий асосларини топдилар, бу нафақат кузатилган фактларнинг эмпириклигини

тушунтирибгина қолмай, балки кейинги тадқиқотлар методологиясининг оқилона асосини яратди. Ушбу соҳадаги асосий тадқиқотчи техника фанлари доктори, профессор В.В.Холшевников бўлиб, у психофизикада статистик ечимлар назариясига асосланган.

Аниқланишича, одам келиб чиқадиган билвосита белгиларда (тутун хиди, шовқин, хабарлар ва бошқалар) ёнғиннинг ҳақиқий пайдо бўлиши тўғрисида сигнал бор-йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилиши, шунингдек эвакуация қилиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши тўғри гипотезанинг эҳтимолини ёлғон сигнал эҳтимоли билан таққослаш асосида амалга оширилади. Аслида, ҳар бир киши субъектив-мақбул хатти-ҳаракатлар стратегиясидан фойдаланади. Ушбу қоидага асосланиб, эвакуацияни бошқариш вазифаси аниқланди. Бу субъектив-оптимал стратегияни объектив зарурга яқинлаштиришнинг барча мавжуд усулларида иборат.

Инсон оқимларини ўрганиш бўйича кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари ва ёнғиннинг хавфли омиллари динамикасини ўрганишнинг дастлабки босқичи натижасида 1980 йилда СНИПнинг маҳаллий рационал жорий этилди-11-2-80 "Бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштиришнинг ёнғинга қарши нормалари", унда биринчи марта "бинолар ва бинолардан эвакуация қилишнинг ҳисобланган ва зарур вақти", шунингдек эвакуация йўллари ва чиқишларига талаблар қўйилди. Ушбу норматив ҳужжат шу вақтгача мавжуд бўлган меъёрга интуитив-субъектив ёндашув ўртасидаги чегарани белгилаб берди эвакуация йўллари ва чиқишлари ва унинг ўрнини уларнинг ўлчамларини ҳисоблаш принципи эгаллади. У инсон оқимлари ҳаракатининг объектив қонунларига ва ёнғиннинг дастлабки босқичида эвакуация пайтида одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мезонларига асосланган эди:

$$t_p \leq t_{нб}, D_p \leq D_{нр} = D \text{ билан } q_{\max}, \quad (1.2)$$

Ушбу ёндашув XX асрнинг 90-йиллари охирида муҳокама қилинган "мослашувчан меъёрлаш"га ўтишни англатарди. Бироқ, номаълум сабабларга кўра, ушбу даврда бир вақтнинг ўзида кўп сонли одамларнинг яшашига мўлжалланган индивидуал лойиҳалар бўйича амалга оширилган мураккаб режали бизнес ва кўнгилочар марказларнинг кўп қаватли қурилиши ва қурилиши жадал ривожлана бошлаганига қарамай, кейинги меъёрий ҳужжатлар талаблари.бир қатор тадқиқотларга кўра, кўпроқ "регрессия"деб аташ мумкин.

Бундай шароитда эвакуацияни ҳисоблашни оптималлаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, унда турли хил бино ва иншоотларда, шунингдек уларнинг ҳудудида инсон оқими ҳаракатининг асосий ҳисоб-китоб ҳолатлари сиқилиш, шаклланиш ва қайта шакллантириш, кластерларнинг шаклланиши ва бошқалар каби жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади, психофизик қонунлар асосида одамларни баланд бинолардан пиёда эвакуация қилишнинг асосий муаммолари аниқланди. Эвакуация

муаммоларига бағишланган бир қатор ўқув қўлланмалари, китоблар, монографиялар нашр этилган.

Хусусан, техника фанлари доктори, профессор В.В.Холшевниковнинг монографиясида "Ёнғин пайтида одамларни бинодан эвакуация қилишни тартибга солиш бўйича инсон оқимларини ўрганиш ва методологияси" ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилишни нормаллаштиришда тизимли ёндашувнинг принтсиплари ва усуллари батафсил баён этилган: ўз вақтида ва тўсиқсиз эвакуация, инсон оқимларини табиий кузатувлар сериясини статистик таҳлил қилиш натижалари, инсон оқимини таҳлил қилиш тасодифий жараён, психофизик қонунлар ва ҳиссий ҳолатларни моделлаштириш натижалари асосида инсон оқимлари параметрлари ўртасидаги боғлиқлик қонуниятларининг тавсифи, инсон оқимлари ҳаракатини аналитик ва симулятсия моделлаштириш, эвакуация пайтида инсон оқимлари параметрлари ва бинолардаги қочиш йўллари ва чиқиш жойлари ўлчамлари ўртасидаги ҳисобланган боғлиқликларни нормализация қилиш методологияси ва функционал ёнғин хавфининг турли синфлари хоналари, шунингдек совет ва рус олимларининг асосий тадқиқот натижалари: тадқиқот тарихи, оқим параметрлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш, инсон оқими параметрларини моделлаштириш ва ҳисоблаш усуллари, принтсиплар қочиш йўллари ва чиқиш жойларини нормализация қилиш.

Унинг "Ёнғинларни эвакуация қилиш ва одамларнинг хатти-ҳаракатлари" қўлланмасида ёнғин пайтида одамларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилувчи асосий омиллар ва ёнғин ҳақида хабар олишда шахснинг ўзига хос ҳаракатлари кўриб чиқилади. Одамлар оқимини тавсифловчи параметрлар, шунингдек, ушбу параметрлар ўртасидаги боғлиқликнинг психофизиологик қонуниятлари ва эвакуация пайтида одамлар оқими ҳаракати пайтида уларнинг ўзгаришининг кинематик қонуниятлари келтирилган. Ҳаракатнинг асосий ҳисобланган ҳолатларининг математик тавсифи берилган ва ҳисоблаш мисоллари келтирилган. Эвакуация йўллари ва чиқишларига ёнғин хавфсизлиги талаблари кўриб чиқилди, уларнинг ҳажмини нормаллаштириш ва одамларни тўсиқсиз ва ўз вақтида эвакуация қилишни таъминлаш, фавқулодда вазиятларда одамларни эвакуация қилиш тўғрисидаги маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

Ёнғин пайтида одамларнинг хатти-ҳаракатлари, одамлар оқимини тавсифловчи параметрлар кўриб чиқилади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур маълумотлар таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди, мавжуд ҳисоблаш моделлари такомиллаштирилди ва ҳаракатнинг энг мураккаб ҳолатларини ҳал қилиш алгоритмлари таклиф қилинди, одамларни босқичма-босқич эвакуация қилиш алгоритми ишлаб чиқилди, меъёрлаш камчиликларининг сабаблари таҳлил қилинди ва уларни бартараф этиш усуллари кўриб чиқилди. В.В.Холшевников Д.А.Самошин ва И.И.Исаевич билан биргаликда.

Унда табиий кузатувларни ўтказиш усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари, уларни тўғри қўллаш соҳалари кўриб чиқилади. Биринчи марта

статистик ишлов бериш усуллари тизимлаштирилди ва бирламчи маълумотларни таҳлил қилинди. Спорт ва кўнгилочар иншоотлар трибуналарида, метро пийдалар иншоотларида ўтказилган дала кузатувларининг намуналари, шунингдек, жамоат биноларида ёнғин содир бўлган одамларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганишнинг замонавий усуллари (савдо бинолари мисолида келтирилган). Унда болалар ҳаракатининг тезлиги ва интенсивлигини аниқлаш бўйича кўп йиллик тадқиқотлар натижалари келтирилган, болаларнинг горизонтал проекциясининг майдони аниқланган, эвакуация пайтида болаларнинг хулқ-атвори хусусиятларининг баъзи психофизиологик жиҳатлари кўриб чиқилган, шунингдек, тадқиқот давомида аниқланган эвакуация муаммоларини ҳал қилишнинг ҳажмли режалаштириш ва ташкилий усуллари таклиф қилинган. Ҳозирги вақтда эвакуация параметрларини ҳисоблашнинг иккита усули мавжуд: қўлда ҳисоблаш усули ва дастурий таъминот қўллаш билан ҳисоблаш усуллари.

Қўлда ҳисоблаш усули эвакуация жараёнида инсон оқими ҳаракатининг хусусиятларини тавсифлайди. Бироқ, аниқлик етарли эмаслиги сабабли, ҳисоблаш ушбу ёндашув умуман ёнғин хавфини кам баҳолашга олиб келади. Бундан ташқари, бундай ҳисоблаш жуда кўп вақт талаб этади. Шу муносабат билан, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида ADLPV энг кенг тарқалган махсус дастурий таъминот тизимлари ишлаб чиқилди. ADLPV в 2.0 дастурий таъминот тўплами (вақтни ҳисоблаш дастури эвакуация) мўлжалланган:

- одамларни бино ёки иншоотдан эвакуация қилиш вақтини ҳисоблаш учун фавқулодда вазият (ёнғин, террорчилик таҳдиди ва бошқалар), шунингдек бинонинг нормал ишлаш шароитлари учун;

- биноларнинг режалаштириш ечимларини ҳаракатнинг тўсқинлиги, юқори ҳосил бўлмасдан ҳаракатланиш нуқтаи назаридан баҳолаш шикастланиш зичлиги (>5 киши / m^2).

Дастурий таъминот тўплами қуйидаги асосий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради: одамларни бинодан эвакуация қилиш вақтини (чиқиш вақтини) аниқлаш; бинонинг ҳар бир қисми учун ҳаракатнинг бошланиш ва тугаш вақтини аниқлаш; зичликнинг шаклланиши, мавжудлиги ва резорбсияси вақтини кўрсатган ҳолда юқори (қабул қилинмайдиган) зичлик ҳосил бўлган жойларни аниқлаш; одамларнинг бинодан чиқиш вақти ва тугаш вақтини аниқлаш; манбалар, манбалардаги мумкин бўлган максимал зичликнинг шаклланиши ва мавжудлиги вақти, максимал зичлик қийматлари; бинонинг алоқа йўлларининг мақбул параметрларини аниқлаш.

Ҳисоблаш асосида сиз иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини танлашингиз мумкин режалаштириш ечимлари (алоқа йўлларининг майдони бинонинг умумий майдонининг 30 фоизини эгаллайди) ва одамларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун бинонинг алоқа йўлларининг ҳажмини аниқланади. Эвакуация вақтини ҳисоблаш оқимдаги одамларнинг индивидуал ҳаракатининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Иш натижалари эвакуация жараёни тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар: одамларни бинодан эвакуация қилиш вақти, бино қисмларидан эвакуация

қилиш вақти, бинонинг исталган қисмида исталган вақтда оқим зичлиги, бино қисмларининг ўтказувчанлиги ва бошқалар.

Ёнғин пайтида одамларнинг хатти-ҳаракатларининг хусусиятларини ўрганиш учун мавжуд методологиялардан, шунингдек, болаларни эвакуация қилиш вақтини ҳисоблаш учун дастурий таъминот тизимларидан фойдаланиш чекланган, чунки ёнғин ёки эвакуация машғулотлари пайтида болаларнинг катта гуруҳларининг хатти-ҳаракатлари бўйича илмий асосланган ва тасдиқланган тадқиқот натижалари йўқ. Мавжуд болалар фақат одамлар оқимидаги маълум миқдордаги болаларни ҳисобга олишади. Эвакуация режаларини амалий ишлаб чиқиш натижасида олинган ҳақиқий, аммо ҳали тизимлаштирилмаган маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳатто ёнғин ҳақида овоз ёки нутқ хабари автоматик ёнғин сигнализацияси қурилмаларининг товушларидан ёш гуруҳларнинг баъзи болалари стресс ҳолатига тушиб қолишади (бу бола бир жойда қотиб қолиши ёки жуда секин ва ноқулай бўлиб қолиши ёки ҳушидан кетиши билан намоён бўлади).

Бундай машғулотлардан сўнг, болаларнинг бинога қайтишидан қўрқиш ҳолатлари қайд этилади, уларни психолог билан биргаликда енгиш керак. 1,5-3 ёшли болаларнинг реакциясини ҳатто болалар психологлари ҳам башорат қила олмайди. Муаммони бошқа илмий тадқиқотларсиз ҳал қилиш мумкин эмас, шу жумладан мутахассисларини жалб қилган ҳолда болалар психологиясини ўрганиш, эвакуация пайтида болалар оқими ҳаракати пайтида параметрлар ва уларнинг ўзгаришининг кинетик қонунлари ўртасидаги боғлиқликнинг психофизик қонунлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар;

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги ЎРҚ-790-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрь кунидаги 649–сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент, 2020 йил.

3. Бердиев Қ.Р., Ибрагимов Б.Т., Курбанбаев Ш.Э., Якубов Қ.Х., Литяга А.В. “Қурилишда ёнғин хавфсизлиги” фанидан дарслик 1-2-қисм. Тошкент-2021.

4 ШНК 1.03.01 “Состав, порядок разработки, согласования и утверждения проектной документатсии на капитальное строительство предприятий, зданий и сооружений”;

5. ШНК 2.01.02-2004 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”;

6.ГОСТ 12.1 004-91 Пожарная безопасность. Общие требования. [Электронный ресурс]. Режим доступа: Электронная справочно-информационная система «Гарант».

7. Холщевников В. В., Самошин Д. А., Галушка Н. Н. Обзор Компьютерных программ моделирования эвакуации из зданий и сооружений //Пожаровзрывобезопасность. 2002. № 5. С. 1-10.

8. Холщевников В. В., Никонов С. А., Шамгунов Р. Н. Моделирование и анализ движения людских потоков в зданиях различного назначения. М. :МИСИ, 1986. 145 с.

9. Холщевников В.В., Парфененко А.П. Эвакуация детей в зданиях учебно-воспитательных учреждений. Пожарная безопасность в строительстве № 4, 2011, стр. 48-61

10. Холщевников В. В., Самошин Д. А. Эвакуация и поведение людей при пожарах : учеб. пособие. М. : Акад. ГПС МЧС России, 2009. 212 с.

УЎК 614.841.311

ЗАМОНАВИЙ ЁНГИН ЎЧИРИШ ДАСТАКЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАКТИК ТЕХНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ж. Алиёров (Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси 5-курс курсанти)

Аннотация: Мақола матнида жаҳонда ва республикада ишлаб чиқарилаётган замонавий ёнгин ўчириш қўл дастакларининг аҳамияти уларни ишлатишда шахсий таркиб учун қулайликлар ҳамда камчиликлари ва уларнинг ишлаш муддатига аниқлик киритган ҳолда ёнгинларнинг самарали бартараф этилишини таъминлашда узатиладиган ўчириш воситаларининг тежамкорлиги ҳақида фикрлар юритилган.

Калим сўзлар: Замонавий ёнгин ўчириш қўл дастаклари, ёнгин-қутқарув бўлинмалари, ёнгин ўчириш воситалари, дастакнинг ишлаш самарадорлиги, ёнгин ўчириш техникаси.

Аннотация: В тексте статьи отражена важность современных ручных стволов пожаротушения, производимых в мире и в нашей республике, экономичности передаваемых при их использовании средств пожаротушения в обеспечении эффективного тушения пожаров, разъяснены недостатки и продолжительность их эксплуатации для личного пользования.

Ключевые слова: Современные противопожарные стволы, пожарно-спасательные устройства, огнетушители, эффективность работы поручня, методы пожаротушения.

Annotation: The text of the article reflects the importance of modern manual fire extinguishing levers produced in the world and in our republic, the efficiency of fire extinguishing means transferred during their use in ensuring effective fire extinguishing, the disadvantages and duration of their operation for personal use are explained.

Keywords: *Modern fire-fighting trunks, fire-rescue devices, fire extinguishers, the effectiveness of the handrail, fire extinguishing methods.*

Ҳозирги кунга қадар ёнғин–техник муҳандислари олдига ёнғин ўчириш қўл дастакларини янада такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган, масалан, қўл дастакларининг универсал имкониятларини кенгайтириш, ихчам ва сифатли сувли пардани ҳосил қилиш ҳамда дастакчи томонидан ёнғин ҳолатига қараб оқим сарфини ўзгарувчанлиги шулар жумласига киради. Бунда ривожланган давлатлардаги мутахассислар ўзларининг янги турдаги ёнғин ўчириш қўл дастаклари билан Собик иттифоқи ҳамда Россия Федерациясининг ёнғин–техник муҳандисларини анча ортга қолдиришди. Бунинг натижасида, Мустақил ҳамдўстлик давлатларидаги бозорларда Европа ва Америка қитъаларида ишлаб чиқарилган ёнғин ўчириш қўл дастакларининг янги ва конструктив жиҳатдан ҳар томонлама мақбул турларининг кириб келиши ва амалиётда қўлланилиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий ёнғин ўчириш қўл дастакларини объектив жиҳатдан таҳлиллар орқали уларнинг тактик имкониятларини баҳолаш мумкин.

Бунинг учун ривожланган давлатлар қаторида бўлган Германия, Америка, Англия давлатларида ёнғинларни ўчиришда қўлланилаётган дастаклар ва ёнғин ўчириш тизимлари ўрганилди. Бунда, Германияда содир бўлган ёнғинларни ўчириш усули ва замонавий дастакнинг техник имконияти кўриб чиқилганда ёнғинларни ўчириш ва бартараф этишда асосий вазифа дастакчининг имкон қадар ёнғин ўчоғига яқин жойда жанговар жойни эгаллаши ва ўчириш воситаларни максимал даражада узатиши орқали дастакчининг ташқи муҳит таъсиридан ҳимояланишига эътибор қаратилади. Бунда содир бўлган ёнғинларни ўчиришда кенг имкониятларга эга замонавий ва универсал ёнғин ўчириш қўл дастакларидан бири бўлган АWG–“Turbo Twist” фирмаси томонидан яратилган ва кенг қўлланилиб келинаётган дастакка таъриф бериш мумкин.

Ушбу дастак 1–расмда берилган. Кўп функцияли “Turbo Twist” ёнғин ўчириш қўл дастаги автоматик учлик (насадка)ларни қотирувчи пружина билан таъминланган бўлиб, дастак учун мўлжалланган барча турдаги учликлар (насадка) ўрнатилишини таъминлайди. Ушбу дастак орқали ГТХХ гуруҳи хонанинг ички қисмларида ёнғинларни ўчиришда кенг қўламдаги вазифаларни ортиқча ҳаракатларсиз амалга ошириши мумкин.

Бироқ, дастакга ўрнатиладиган учлик (насадка) автомобилларда алоҳида сақланиши натижасида афсуски катта муаммоларни келтириб чиқаришини кузатишимиз мумкин. АҚШда ёнғинларни ўчиришнинг ўзига ҳос алоҳида иш усули мавжуд бўлиб, ёнғин ўчиришда асосан, катта оқим орқали қўшни бинодан ёки кўтарувчи махсус қурилмалар орқали ёнғин–қутқарув бўлинмаларининг ўчириш воситаларини ёнғин ўчоғига узатилиши билан фарқланади. Айнан, Американинг ёнғин–қутқарув хизмати томонидан кучли

оқимни таъминловчи дастакларининг қўлланилиши орқали, ушбу дастакларни яқиндан ўрганиш имконияти яратилди, дастакларнинг сув сарфи 200 л/с дан, 1000 л/с гача ошириб бориш имкониятига эга. “Thunder Fog” дастакларининг оқимни узатиш масофаси 50 метргача бўлиб, бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий ёнғин ўчириш қўл дастакларига нисбатан анча яхшироқ ҳисобланади. Ушбу дастак 2–расмда келтирилган.

“Thunder Fog” дастаклари иккита гуруҳда (Thunder Fog 200 ва Thunder Fog 250) ишлаб чиқарилади ва сув сарфи 12,6 л/с дан, 16 л/с гача таъминласада, “Thunder Fog 200” дастакларининг оқим сарфи 6 та турга бўлинади: 1,9; 3,8; 6; 7,9; 9,5 ва 12,6 л/с; Thunder Fog 250 дастагининг оқим сарфи эса 5 та турга бўлиниши: 6; 7,9; 9,5; 12,6 ва 16 л/с ни ташкил этиши ўрганилди. Ушбу ёнғин ўчириш қўл дастакларининг конструктив кўриниши нисбатан, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган дастакларга ўхшашдир. Бироқ, ҳароратнинг кўтарилиши натижасида дастак орқали оқимни узатиш ёки ёпилишини таъминловчи механизмнинг тезда ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Бу усул, Германия ва Америка давлатларидаги ёнғин ўчириш усулларининг ўртасида жойлашган ўзига хос усулларида ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, ёнғин жойидан хавфсиз ҳудуддан қўл дастаклари орқали ёнғиннинг бартараф этилишини таъминлашдир.

